

**И.С.ТУХЛИЕВ, Р.С.АМРИДДИНОВА,
С.А.АБДУХАМИДОВ, А.А.АБЛАҚУЛОВ**

ТУРИЗМДА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ

Ўқув қўлланма

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**И.С. ТУХЛИЕВ, Р.С. АМРИДДИНОВА,
С.А. АБДУХАМИДОВ, А.А. АБЛОҚУЛОВ**

ТУРИЗМДА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ

*Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан “Туризм (фаолият турлари бўйича)”, “Меҳмонхона
хўжалигини ташкил этиши ва бошқарни” магистратура
мутахассисликлари магистрантлари учун ўкув юлланма сифатида
тавсия этилган*

И.С.Тухлиев, Р.С.Амридишова, С.А.Абдухамидов, А.А.Аблоқулов,
«Туризмда геоахборот тизимлари» фанидан ўкув кўлланма. Ўзбекистон
Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги. Самарқанд иктисадиёт
ва сервис институти. Самарқанд - 2018, 252-бет.

Тақризчилар: Г.Ф.н., доцент М.Р.Усманов
И.Ф.н. Н.Э.Ибадуллаев

Ўкув кўлланмада геоахборот тизими хамла унинг ривожланаш тарихи, замонавий шароитда геоахборот тизимини кўйлаши, ГАТ технологияларининг хусусиятлари ва турлари, туризмда геоахборот тизимидан фойдаланиш, туризмда ВЕБ ва ГАТ технологияларининг имкониятлари. Ўзбекистонда туристик-рекреацион салоҳиятни ривожлантиришининг минтакавий геоахборот тизимини шакллантириши, ахборотларни йиғиш, туристик ресурслар ва обьектларни баҳолаш, туристик-рекреацион хизматлар соҳасини ишлаб чиради, ҳудуднинг туризмга иxtисослашувини аниқлапнинг илмий назарий жиҳатлари келтирилган.

Ўкув кўлланманини ҳар бир мағзузи магистрант томонидан яхши ўзлантирилиши бўйича тажиҷ сўз ва изборлар, мустакил ишлани учун саводлар, амалий манигулотларга тайёргарлик кўриши учун толшириклар берилган.

Ўкув кўлланма олий ўкув юртларининг “Туризм (фаолият турлари бўйича)”, “Мехмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бопкариш” магистратура мутахассисларни таълим йўналишларида таҳсил олаётган магистрантларга иўљашланган. Удан шунингдек, туризм соҳасида фаолият кўрсагаётган мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

**Ф-1-61. Ўзбекистоннинг туристик-рекреацион салоҳиятини
ривожлантиришда минтакавий геоахборот тизимини шакллантириш
лойиҳаси доирасида бажарилаётган илмий-тадқиқотлар натижалари
асосида тайёрланган**

КИРИШ

Туризм индустриясидаги хизматтардан баҳра олиш ва туристик мингаканн танлай олиш хозирги күн туристлари учун глобал максад бўлиб борумоқда. Хусусан, онлайн тарзда бирор меҳмонхонани танлаш, унинг сифатига меҳмонхона ходимлари томонидан кўйилган баҳо билан эмас, туристлар берган баҳо орқали караш, ҳаттоки туристлар томонидан туширилган суратлардан баҳра олиш ижтимоий сайтлардаги имкониятлар орқали амалга ошади. Авваллари, бундай имконият мавжуд бўлмаган. Сабаби, туризм умуман тасаввурга эга бўлмаган, аммо рекламарда макталган бирор меҳмонхонани танлаган ва аксарият ҳолларда бундан афсуслантган.

Республикамида туристик фаолиятни ривожлантириш борасида маълум даражада тажриба тўпланди ва эндиликда ушбу тажрибани таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш эктиёжи туғилмоқда. Жаҳон туризм индустрияси фаолияти тажрибасининг илгор жиҳатларини, истеъмолчилар хошишининг маркетинг тадқиқотини, туристик маҳсулотларини шакллантириш ва уларни тақсимот этиш борасидаги амалий тадбирлар натижаларини батафсил ўрганиш чорим бўлмоқда. Туризмни бошкариш ташқилотлари ва туристик фирмалар ўз шинса доимо ахборот технологияларини ўзлаштириш муаммосига дуч келмоқда.

Хозирги кунда замонавий технологиялар ҳар қандай соҳада асосий ишчи куроллардан бири хисобланали. Айниска, барча маълумотларни ўзида бирлаштирувчи, кенг форматга эга, воеа – ходисаларни таҳлил жараённада тўлиқ ёритиб бера олиш хусусиятига эга бўлган тизим ва технологиялардан давлат министрида кенг фойдаланилади. Ана шундай тизимлардан бири геоахборот тизимлари (ГАТ) хисобланади.

Туризм – геоахборат технологияларни кўллашнинг анъанавий соҳиҳаридан бири. Бирок бизнинг мамлакатимизда ГАТ хали ҳам асосан

ОДИ ёки хариталарни, бу югстарни ва хариталарни ва жадвалларни ўз ичига оғзиң сошика босма маҳсулотлар тайёрлаш учун ишлатилади.

Шу билан бирга, ноёб табиий салохиятга эга ёки тарихий ва маданий ажамиятга эга бўлган ҳудудлар учун кенг кўламли профилнинг амалий геоинформацион тизимларини яратиш зарур, бу қуйидаги муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради:

- ҳудуднинг табиий ва тарихий ва маданий ёдгорликларини хисобга олишда;
- туризм хизматлари корхоналарининг хисоботларини тайёрлашда;
- туристик маршрутларини хисобга олишда;
- туристлар оқимини таҳлил килишда;
- ҳудуднинг ривожланишини режалаштиришда.

Бундай туризм ГАТ фойдаланувчилири доираси жуда кенг кўлланилади: маданият ва туризм бўйича минтақавий маъмурият идоралари, туристик ва рекреацион хизматларни ривожлантиришни режалаштириш, сайёхлар учун қулай жойларни танлаш ва ёки туристик йўналишларини кўришни хоҳлайдиган оддий фуқароларга. Шундай қилиб, туристик ГАТдан фойдаланишнинг бир неча даражасини таъминлаши ва тарқатилган тизимлар сифатида қурилиши керак. Тўғри, бундай тизимларни яратиш ҳали ҳам ташкилий ва техник муаммоларни ҳал килиш зарурати билан чекланган.

Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал килишнинг объектив зарурат эканлиги туризм соҳасида хизматларини ривожлантириш омилларини таҳлил қилишга багишланган “Туризмда геоахборот тизимлари” фани бугунги кундадолзарб фанлардан бири эканлигидан далолат беради.

“Туризмда геоахборот тизими” фани геоахборот тизимининг ривожланиш босқичлари, замонавий шароитда ГАТни қўллаш масалалари, геоахборот тизимининг тавсифи ва таснифи, туризмда ГАТдан самарали фойдаланиш масалалари, туризмда веб-сайтлар ҳамда порталларнинг имкониятлари, туристик салохиятни раёнлаштириш каби бир қатор долзарб масалаларни камраб олади.

1 - МАВЗУ: ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМИ ҲАМДА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Режа:

- 1.1. Геоахборот тизимининг мазмуни ва моҳияти
- 1.2. Географик ахборот тизимининг тарқибий қисмлари
- 1.3. Ҳорижий ГАТларнинг юқсача тасвиғлари
- 1.4. Геоахборот тизимларининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги

1.1. Геоахборот тизимининг мазмуни ва моҳияти

Бир неча ўн йиллардан буён инсоният ахборот суронини бошидан кечиримоқда, у йилдан-йилга кучайиб, инсон фаолиятининг кўплаб соҳаларига кириб бормоқда. Бугунги кунда картографлар кўплаб манбалардан олинадиган ахборотлардан фойдаланиш мабойнида географик, топографик, турли мавзули карталар ва атласларни тузиш, аэро ва космик тасвиirlарни дешифровка қилиш (ўчиш), далада ўлчаш натижаларини қайта ишлаш ва компьютер тизимларида маълумотларни тўплаш бўйича бой тажриба ортирганлар. Маълумотларнинг кўплаб турлари вакт ўтиши билан тез-тез ўзгариб туриши, оддий усуlda тузилган қозғалик картадан фойдаланишини анча кийинлаштириб юбормоқда. Ахборотларни тезлик билан олишни, уларнинг долзарбилигини саклашни буғунги кунда факаттина автоматлаштирилган тизим кафолатлаши мумкин. Замонавий ГАТ – бу кўп микдордаги график ва мавзули маълумотлар базасига на бўлган, база асосида иш бажариш имкониятига эга модели ва хисобли функциялар билан бирлашган, фазовий маълумотларни картографик шактга айлантириш, турли карорларни қабул қилиш ва мониторинг ишларини амалга оширадиган автоматлашган тизим, деб каралади. Бугунги кунда компьютер саводхонлиги омма орасида анча ошган. ГАТда тузилган карта оддий қозғалик картадан яхши безалгани, компьютерли шактдалиги ва бошқа бир катор инфокликлари билан фарқ қиласи: картага истаганча ўзгартариш киритиш, янги мазмун ва бўёқ бериш, диаграмма ва бошқа суратларни киритиш, ўчириш

ва х.к. ишларни бажарса бўлади. Бунинг учун карта тузишнинг компьютерли технологиялари билан муқаммалрок танишиш ва улар асосида шахсан авторнинг ўзи карта тузиб кўриши керак.

Карта яратишнинг бу технологияси бугунги кунда, биринчидан - сезиларли даражада универсаллашган, иккинчидан - жуда тез ривожланаётган, инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларини камраб олётган жараёндир. Географик ахбороттизимлари соҳасида асосий билимларни берувчи рус ва чет мамлакатлар ҳалқлари тилларидаги китобларда ва ГАТнинг турли соҳапарига оид бўлган монографиялар ва конференция материалларида тадқиқотчилар ГАТ тизимига кундан-кун янгиликтар киритмоқдалар. Хозирги лайтга келиб ГАТ нинг 20 дан ортиқ таърифи мавжуд, уларнинг ҳар бири ўзига хос зътиборга лойик. Интернет ва даврий равишда чоп этилаётган илмий журнал ва адабиётларда ГАТ таърифлари:

1. Албер Р. ГАТ - бу географик маълумотларини саюлаш, уларга ишлов бериш ва натижаларни тасвирлай оладиган аппарат-дастурли восита ва инсон фаолиятидан иборат бўлган мажмуадир.

2. Беррй Ж. ГАТ - бу —ички позиционирланган автоматик фазовий ахборот тизими бўлиб, маълумотларни картографик тасвирлаш, таҳрир қилиш ва бошқариш учун яратилади.

3. Кларке К.К. ГАТ - бу —фазовий таксимланган ходисалар, жараёнлар ва воқеаларни кузатишида нутқалар, чизиқтар ва майдонлар кўринишида бўлган манбаларнинг маълумотлар базасидан иборат бўлган ахборот тизимининг маҳсус ҳолатидир.

4. Дегани А. ГАТ - бу фойдаланувчиларнинг маҳсус талабларини аниқ концепция ва технологиялар таркиби доирасида қонктириш максадида ЭХМларда маълумотларни фазовий кайта хисоблаш, график ва картографик ўзгартириш учун кўлланиладиган юргина моделлар бирлашмасини ўзида мужассамлаган динамику ўшган маълумотлар тизимидир.

5. Консей М. ГАТ - бу географик тадкиртлар ва уларнинг интижатиридан амалиётда фойдаланиш учун кулай бўлган маълумотларни йўнавини, ЭҲМ хотирасига киритишни, ишлов беришни ва узатишни амалга ошируни таҳслар, техник ва ташқиллаштириш воситаларидан иборат бўлган иншмири.

6. Кошкарев А. В. ГАТ – бу фазовий маълумотларни йигиш, уларга ишлов берини, тасвирлаш, тарқатиш, атроф мухит обектларини инвентаризация килиши, натижани тахлил килиш, моделлаштириш, башоратлаш ва бошқариш оиласи боргик илмий ва амалий географик масалаларни ечишда самарали фойдаланиш учун жой ҳақидаги маълумотлар ва билимларни бирлаштиришни таъминлайдиган аппарат-дастурли инсонмасина мажмуасидир.

7. Лангефорк Б. ГАТ - бу таркибида худуд ҳақидаги компонентлар маълумотларига эга бўлган, йигиш, узатиш, саклаш, ишлов бериш ва ахборот бернишдан иборат тизимдир.

8. Лиллеканд П. ГАТ – бу маълумотлар базасини кенгайтиришга, маълумотга ишлов беришга, уларни карта ва жадвал кўринишида тасвирлашга, ҳўяжлик фаолиятининг у ёки бу масаласи очими тўғрисида карор қабул милишга мослашган маълумотлар базаси, аппаратура, ихтиослашган математик тъминот ва дастурлар тўпламидан иборат бўлган тизимдир.

9. Мас.Доналд К.Л., Гранн И.К. ГАТ – бу географик аниқ маълумотларни шиниш, саклаш, мураккаблаштириш, кидириш ва тасвирлаш учун поинҳалаштирилаётган тизим. Картографик асосга нисбатан географик интиктанган, мавзули катламлар кўринишида сакланётган маълумотлар устида шашашга ва уларни бошқаришга мослашган тизимдир.

10. Симонов А. В. ГАТ - бу географик координатали маълумотларни рикамли тасвирлаш, тўлдириш, бошқариш, кўпайтириш, тахлил килиш, математик-картографик моделлаштириш ва образли тасвирлаш учун яратилган аппарат-дастурли воситалар ва алгоритмик муолажалар тизимдир.

11. Стар ЖИ., Косентино МЖ., Форесман Т.В. ГАТ - бу маълумотларни йигиши, саклаш, излаш ва улар устида ишлаш учун яратилган аник фазовий тизимидир. ГАТ – бу аник фазовий маълумотларни бошкариш ва таҳрир юлиш воситасидир.
12. Тикунов В.С. ГАТ - бу маълумотларни йичиши, тизимлаш (тартибга солиш), саклаш, ишлов бериш, баҳолаш, тасвирлаш ва тарқатишни амалга оширадиган ва улар асосида янги ахборот ва билимларни олиш воситаси сифатида караладиган интерактив тизимлардир.
13. Трофимов А.М., Панасюк М.В. ГАТ - бу автоматик воситалар ёрдамида амалга оширилган табиат ва жамият орасидаги тасвирнинг терриориал соҳалари, уларни излаш, маълумотларни киритиш, моделлаштириш ва бошка дастурий тъминот ҳақидаги билимлар тизимлари омборидир.
14. Витек Ж.Д., Валш Ст. Ж., Грегорий М.С. ГАТ - бу қарор кабул юлишни кувватлаш учун географик жиҳатдан аник маълумотларни киритиш, умуллаштириш ва таҳлилни тъминлашга қаратилган ахборот тизимидир.
15. Асосий ибораларнинг маъноли лўғати: Геоинформатика. ГАТ - бу фазовий маълумотларни йигиши, саклаш, ишлов бериш, киритиш, тасвирлаш ва тарқатишни тъминловчи ахборот тизимидир.
16. Раюлов В.Б. ГАТ - бу фазовий обектлар ҳақидаги маълумотларни йигиши, тўплаш, саклаш, ишлов бериш, тасвирлаш, таҳлил юлиш ва тарқатиш учун мўлжалланган техник ва дастурий воситалар, технологик, ташкилий-методик ва ахборотли тъминот тизимидир.
- Бу търифларнинг кўпчилигига ўхшаш сўз ва гаплар мавжуд бўсада, умуман ишлатилмаган иборалар хам бор. Бу эса ГАТни кундан-кунга мураккаблашаётганини билдиради, уни чўкурро кўзлаштирмасдан тушуниш ва тассавур юлиш жиёвлигини анлатади. Маълумки, карта - ер юзасининг, бошка осмон жисмларининг ёки космик фазонинг кичиклаштирилган, умуллашган, математик жиҳатдан аниланган тасвири бўлиб, маълум тизимли

шартни белгилар асосида уларда жойлашган ёки проэцияланган обектарини көрсөтади. Обект сифатида картада тасвирланган ихтиёрий воеа ва ходисалар тушунилади.

Бизнинг фанга яқин бўлган кўйидаги ГАТнинг таърифини келтиришимиз мумкин: ГАТ – бу табиат ва жамият тўғрисидаги топографо-геодезик, ер ресурслари ва бошқа картографик маълумотларни тўплаш, кайта ишлаш, сипчали, янтилаш, таҳлил қилиш ва тасвирлашни тъминлайдиган аппарат-инструментал автоматлашган комплексдир. Инсоният хаётида компьютерларнинг ўрини ўсиб бориб, биринчи даражага ракамли ахборот технологиялари чиқди. Ахборот ибораси ГАТда ҳарф, ракам (соң) ёки тасвир шакли тушунилади. Барча устублар, техникалар, амаллар, воситалар, тизимлар, назариялар, шунчаликлар ва х.к. ахборотни йигиши, кайта ишлаш ва фойдаланишга каратилган бўлиб, улар бирталикда ахборот технологиялари дейилади, ГАТ яса шуларнинг бири бўлиб хисобланади.


ГАТни билишнинг энг оддий усули – у билан ишлаш, унинг имкониятларини иш жараёнида билиб олишdir. Аслида ГАТ – бу битта техник восита, у ёрдамида нафакат чиройли қилиб картани жиҳозлаш, балки сизми мавжуд бўлмаган баъзи масалаларни хам етиш мумкин. шу сабабли ГАТнинг имкониятлари жуда катта. Демак ГАТ – турли усул ва устублар ёрдамида реал борлик тўғрисида тўпланган катта ҳажмли ахборотларни ўзининг маълумотлар базасида жамлаб, иштай оладиган қент ривожланган тизимдир. Бугунги қунда фойдаланилиши жиҳатидан ГАТга тенг келадиган шизим йўқ, чунки уни билимларнинг барча соҳасида кўллаш мумкин.

ГАТ фазовий обект ҳакида ракамли кўринишили (растр, вектор ва х.к.) маълумотларни ўз ичига олади. Бошкacha қилиб айтганда, мавжуд обектларнинг ракамли тасвири, жойнинг ракамли моделидир. Фазовий обектлар сифатида бирор бир фазовий нуткага боғланган жой обектлари ва ходисалар тушунилади, яъни бу обектларнинг бошқа обектларга нишбатан жойлашган ўрни, шасти, ўлчамлари ахамият касб этади. Фазовий маълумотлар

эса обектларнинг фазода ва бошқа обектларга нисбатан жойлашиши ва геометриясини ифодаловчи маълумотлар хисобланади.


1.2. Географик ахборот тизимининг таркибий қисмлари

Буунги кунда барча ГАТларда тасвирга ишлов бериш бўйича дастурий воситалар билан жиҳозланган машина графикиси, техник воситалар ёрдамида маълумотларни йигиши, уларга ишлов бериш, саклаш, янгилаш, тахлил юлиш ва ўзгартириш куроллари иштаб турибди. Маълумотлар муолажалари мос блокларда бажариладиган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз масада ва вазифаларига эга. ГАТдаги ҳар бир тизим маълум вазифани бажаради, яъни: - маълумотларни киритиш блоклари - графикили маълумотни ракамли шактга келтириш ва уни компьютер хотирасига киритиш учун хизмат килади; - саклаш блоки - маълумотлар базаси ёрдамида ахборотни саклаш ва янгилашни ташкил этиш учун хизмат килади; - нашр блоки - монитор экранига ёки каттиқ нусха олиш учун босма курилмасига тасвирни нашр қилиш (чикариш) учун хизмат килади. Агар бирор бир бўлим етишмаса, унда ГАТ тизими тўлик ишламайди.



1.2.1-расм. Географик ахборот тизими блоклари

Графики тасвирлар билан ишловчи компьютер оддий офис ва уй көмілшілдерлеридан күзватпирок бўлиши керак, яъни энг аввал унинг хотираси кечи, төслиги ююри ва каттиқ диск ҳажми анча катта бўлиши керак. Бундай көмілшілдерларда минимал оператив хотира ҳажми 128 Гб, 256 Гб ва ундан китти бўлиши керак. Каттиқ дискнинг ҳажми 20 Гб атрофида бўлиши керак. 5 инч диск билан хам ишласа бўлади, бундай вактда дискни доимо бўшатиб турини керак бўлади. Шу сабабли компьютерда компакт дискларга ёзиш мосланмаси бўлиши ва унда карталар фрагментини бошқа компьютерга кўчириш имконияти яратилган бўлиши зарур.



1.2.2-расм. Маълумотларни киритиш блоки

Процессорга маъсус талаблар кўйилмайди, лекин тасвирни таҳлил килишда узок ўйламасдан уни етарли даражада тез монитор экаранида кўрсатиш талаб қилинади. Видеоадаптер ҳам замонавий бўлиши керак, унинг янги ишланмаси зарур эмас, лекин у танланган мониторда берилган режимда дастурни ишлашини тъминлаши керак.

Барча компьютерларда монитор асосий тармоқ бўлиб хисобланади, чунки тасвир унинг экраннда хосил қилинади. Шунинг учун графики тасвирлар билан ишлайдиган мутахассислар мониторни обдан синхронлик билан тараплаши зарур, айниқса тасвир билан ишлашда бу жуда муҳим.



3.5-расм. Мониторинг ташки кўриниши

Мониторинг диагонали 17 дюймларини ишлатиш максадга мувоғиқ эмас, кўпроқ 19 - 21 дюйм лисида ишлаш мъықул. Монитор 1024 нуқтали бўлиб 1280 дан кам бўлмаган тинниликини тъминлаши керак. Тасвир рангининг тиннилик даражаси 16 битдан 32 биттacha бўлса, ранглар яхши кўринади. Унинг янгиланиш частотаси секундига 85 гц дан кам бўлмаслиги керак, аks холда кўз хизматининг тезда толикишига олиб келади. Тайёргарлик босқичида энг асосий вазифа – бу графикини ёки бошқа ахборотларни ракамли кўринишга келтиришdir. Хозирги вактда графикини ахборотларни ракамли кўринишга келтиришнинг учта усули мавжуд: нуктали, чизикли ва сканирли. Нуктали усулда планшет орқали объектларни рақамлаш жараёни дигитализация (ингл. digit - рақам) дейилаци. Кўл билан ёки чизикли усулда дигитализациялашда ахборотлар дастлаб сараланади, турли план, карта ва чизмалар эса маҳсус тайёргарликниз ишга кабул килинади.

Дискрет турли кодловчи мослама А4 дан то А0 форматли планшетлардан ва "+" шакли визирли катталаштирувчи шишадан, қалам ёки кўрсаткич шакли тиғдан иборат бўлиб, юдовчи мантикий курилма билан кабель орқали боғланган. Планшетнинг ишчи юзасида перпендикуляр холда жойлашган мис симпардан иборат тўр шактидаги ўтказгичлар жойлашган.

Хар бир ўтказгичга маълум иккиламчи жуфтланган кодли сигнал узатилади, у визир ёки кўрсаткич билан индуктив контур ёрдамида қабул килинади. Дигитайзер электрон схемаси вақти-вақти билан ўтказгичлардан электр импульси юбориб туради, контурнинг бурчагига сичконча ёрдамида

строками олиб борилиб, чап юлавишани босиб, файл белгиланганда бу импульсар кабул килинади.

1.3. Хорижий ГАТларнинг кискача тасифлари

Хозирги вактда жаҳонда кўплаб ГАТлар ишлаб чиқалган, лекин уларнинг имкониятлари бир хилда эмас. Замонавий ГАТларни учта йирик гурухга иккита мумкин. Биринчи гурухга исталған карталарни яратиш имконини беруши, кучли ривожланган, ҳужкатлаштирилган ва турли хусусиятни маълумотларни компьютерга киритиш воситаларига эга бўлган (спуттайзерлар, сканерлардан тортиб то космик тасвирларга ишлов оғришига), жуда катта хажмили ахборотларга ишлов берувчи ва қуввати анча катта ишчи станцияларни, ёки жуда катта қувватли шахсий компьютерларга ва гармоючи компьютер тизимларига ўрнатилган дастурларни келтириш мумкин.

Бундай тоифали ГАТларнинг ёркин вакиллари - INTERGRAPH, PROGIS ва ESRI хисобланади. Бу тизимлар (GEO MEDIA, MGE, ArcInfo ва х.к.) универсал бўлиб, улардан турли соҳаларда самарали фойдланиш имкони бор. Иккинчи гурухга шахсий уй компьютерларига ўрнатилган ГАТларни киритиш мумкин, улар ююрида келтирилган тизимларга қараганда бироз камроқ имкониятларга эга бўлсада, биринчи навбатда илмий ва амалий-бошқариш масалаларини ечишга мўлжалланган. Бу тизимларда тасвирнинг сифатига, ишланаштган маълумотлар хажмига, маълумотлар муҳофазасига ва уларни сиклашга катый татаблар кўйилмайди.

Бу тизимлар кўлчилик корхоналарда, ташкилотларда ва исталған ючик офисларда ишлатилиши мумкин. Бундай тизимларнинг асосий вакилларидан MapInfo, AtlasGIS, ArcView ва бошқаларни мисол келтирса бўлади. Бу тоифали тизимларда йирик ГАТларнинг (INTERGRAPH ва бошқалар) фойдаланувчига мос келадиган версияси ишлатилади. Бошида бу йирик тизимлар қувватли графикили станциялар учун яратилган, уларни камроқ қувватли, хотираси чекланган ва ишлаш тезлиги паст шахсий компьютерларга

үтказиш назарда тутилмаган. Щунга карамасдан бундай дастурлар шахсий компьютерларга ўриатилмокда. Албатта, дастурнинг ишлаш тезлиги секин, тасвир сифати яхши эмас, бошқа зарур имкониятлари хам йўқ. Лекин бу дастурларда ишончли бир ютуқ бор - у хам бўлса, ишчи станциялардагидек ўхшашиберсиялари билан мос келишслигини ишлаб чиқарувчи фирмалар томонидан ҳар томонлама ќуллаб-ку вватлашидир.

Учинчи гурухга шахсий уй ва маълумотномали мақсадларда фойдаланиладиган ГАТ тизимлари киритилади. Бундай ГАТлар — ёник хусусиятга эга бўлиб, фойдаланувчи томонидан маълумотларга ёки тизимга катта ўзгартиришлар киритишга йўл берилмайдиёки кам ўзгартириш киритиш имкониятини берилади. Масалан, маълумотниар базасидаги ёзувларни таҳрир килиш ёки янги ёзувларни киритиш мумкиш эмас. Бу ГАТлар анча арzon бўлиб, шахсий компьютерлардан жуда кам имкониятларни талаб киради. Замонавий ГАТ тизимини тадқиқот учун таъланада фойдаланувчи томонидан қуйидагиларга эътибор каратилади: ГАТлар ёрдамида кандай масалалар ҳал этилиши кераклигига, оқибатда кандай натижга олиниши кутилаётганлигига, ишланачётган маълумот ҳажмининг каттанигига, ҳал этилаётган масалаларнинг долзарблигига, уларни ҳал этиш учун кандай ёндашилиб, канчалик даражада сезиларли натижаларни олишга.

Хозирги ГАТ тизимларининг айримлари устида тўхталамиз. Хозирги пайтда жаҳонда ќуллаб ГАТлар мавжуд бўлиб, уларнинг мақсади турлича: айримлари маълум бир соҳада ишлашга йўналтирилган бўлса, бошкалари тармоқ тизимида ишлатилишга мўлжалланган. Куйидаги шарҳда биз ўрта масштабли мавзули карталарни тузиш учун етарли даражада мос келадаган ГАТларни таърифлашга ҳаракат қилдик.

ArcInfo

Хужжатли маълумотлари: Ишлаб чиқувчи – ESRI, Inc. (АҚШ). Биринчи версиясининг ишга туширилган вакти – 1982 й. Хозирги версияси номери – 8.0.2. 2000 йилдан бошлаб бугунги кунгача компьютерларга 350 000 та

дистурилар ўрнатилган. Сүнгги версияси ишлайдиган платформа - Windows NT, UNIX (Solaris Digital, UNIX AIX ва х.к.), етказиб берувчи фирма - —ДатаТ». Ги янында умумий маълумотлар: Максад - тўлик функционал ГАТ яратиш. Кўлинилдиган соҳалари:

- хусусий мулкчиликни, ер тузиш ва кўчмас мулкни, солик тизимини юртагаштириш ва кадастр картографиясини олиб бориш;
- ерлардан фойдаланишин режалаштириш, ерларнинг ярокли эксанлигини тахнил қилиш, минтақаларни районлаштириш ва комплекс баҳолаш;
- юкори сифатли картографик ишлаб чиқариш;
- транспортни бошкариш, юк ташишни режалаштириш ва оптимилаштириш, янги транспортли йўналишларни ташкил этиш;
- демографик ва социологик тадқиқотларни олиб бориш, сайлов оқруғларини ГАТ тизими билан тъминлаш;
- транспорт, саноат, уй-жой қурилиши тўғрисидаги тадқиқотларни баҳариш;
- табиий ресурсларни баҳолаш ва бошкариш ишлари олиб бориш; - хўжалик тақсимотини (энергетармоюни, қуурвлар ўтказишни, йўл хўжалигини) бошкариш;
- милиция, ёнгин ҳавфсизлиги, тиббий ва бошка хизматларда карталаштириш;
- экологик мониторинг ва атроф-мухитни баҳолаш ва башоратлаш ишларини баҳариш;
- юрхоналарни жойлаштиришин оптимилаштириш, хизмат доирасини тақсимлаш;
- минтақалар ва тармоқларга маблагларни режалаштириш, маркетинг тадқиқотлар ва бошқалар.

Тизимдан фойдаланиш ҳақида маълумотлар. Графики макаларнинг ички форматлари - ArcINFO, объектли-йўналган маълумотларни саклашнинг модели - TIN, GRID. Маълумотлар базасини формати - INFO. Иш жараёнида

бошка дастурий маҳсулотлар билан мълумотларни алмашиш, бу иловалар сервери сифатида ArcView, ArcExplorer ишлатилади.

Интерфейс таърифи ва тизимнинг очиғиги. Фойдаланиш интерфейси - Windows NT, XP, географик ахборот дастурига Windows ва UNIX (ТАД) га OPEN LOOK буйруклар каторидан тақорланади. Дастурлаш ички тили мавжуд. Макросларда AML, VBA тиллари ишлатилади - COM ва ODE (C++ Delphi, VB ва х.к.) дастурлашнинг стандартли тили. Бошка дастурлар билан алоқа килиш имконияти – ArcView-мижозли иловалар серверлар билан тўғридан-тўғри ва мижозлар ArcView сервери карорвоситачилигига РДБМС билан мълумотлар алмашишдан иборат. Рус тилидаги версияси бор. Хуҗоатлари - көзода ва электрон шаклда.

Arc View GIS

Хуҗоатли мълумотлари: Ишлаб чиқарувчи – ESRI, Inc. (АҚШ). Биринчи версияни фойдаланишга жорий этиш санаси - 1993 йил, жорий версия раками - 3.2. Жорий версия 1999 йилнинг декабрь ойидан бошлаб ишга туширилган ва ҳозиргача ўрнатилган дастурлар сони – 350 000 дан кўпроқ. Сўнгти версия амал қиласидаги платформа - Windows 95, 98, NT, UNIX. Тизим ҳакида уму мий мълумотлар. Максад – уй ГАТини яратиш.

Фойдаланувичининг якунловчи ишларига геомълумотларни танлаш, уларни таҳрир килиш, карталар макетини тузиш, дигитайзер ёрдамида карталарни ракамлаш, карта объектларини hot links режимида атрибутив (мазмунли) мълумотлар билан боялаш, адресли геокодлаш, картографик материалларни нашр килиш воситалари яратилган. Кўлланиладиган соҳалари: карорларни мъқуллаш тизимларида, савдо ишларида, –географик тахлилни олиб борища, рақамли картографияда транспорт воситаларининг оптимал харакатланиш йўналишини танлашда, экомониторингда ва бошқаларда. Тизимнинг тузилиши – модулли, база қобиги ўзгармас (CADreader, дигитайзер, Database, Themes, IMAGINE шаклини ва JPEG растрини кўвватловчи, ArcView Data base Access). Тизимдан фойдаланиш ҳакида мълумотлар.

Графикли маълумотларнинг ички шаклари – Shape-file; маълумотлар ишни шакли dBASE. Иш жараённада бошқа дастурий маҳсулотлари билан маълумот алмашиш DLL, RPS, DDE дастурлар ва бошқа иловаларни интегрилаш (кўшилиш), фазовий маълумотлар базаларига мижоз сифатида Spatial, Data base, Engine (SDE) та бириниш ёрдамида олиб борилади.

Интерфейс таърифи ва тизимнинг очиғлиги. Фойдаланиш интерфейси Windows интерфейсига ўхшаш (меню, дарчалар ва тұгмалар тизими). Фойдаланиш интерфейсини ўзгартыриш Avenue тили ёрдамида олиб борилади. Дастурлаш ички тили - макрослар, Avenue. —exe файлларни ҳохлаганда чиқариш мүмкин. Бошқа имкониятлари - ArcInfo билан ишлаш мижоз ёки вазифалар сервери орқали. Рус тили версияси – түлік, интерфейс ёрдам тизими ва кўплаб рус тилидаги модуллари бўйичадарсликлар мавжуд.

Auto CADMap

Хуқоятли маълумотлари: Ишлаб чиқарувчи Autodesk (АКШ). Жорий версиянинг тартиб рақами – AutoCADMap 2001. Жорий версияни көлтириб бериш 2000 йил сентябрь ойидан бошланган. Сўнгги версия амал килаётган платформа - Windows 95, NT, 2000. Тизим хақида умумий маълумотлар. Тайинланиши - AutoCAD мухитидаги ГАТ. Графикли маълумотларнинг ички шаклари – DWG. Маълумотлар базасининг ички шакли - Object Data, ОДБС ва бевосита кириш мүмкин бўлган айрим драйверлар (бошқарувчилар). Интерфейс тавсифи ва тизимнинг очиғлиги. Фойдалаңыш интерфейси - стандарт AutoCAD интерфейси, сузувчи панеллар, курсор, меню ва бошқа MS Office менюсига ўхшаш панеллар. Бошқа дастурий маҳсулот билан алоқадорлик имконияти - AutoCAD 2000 тизими орқали амалга оширилади. Рус тилидаги версияси - бор. Тизимнинг афзалликлари. Түлік функционал AutoCAD мухитли геоахборот мажмуя. У AutoCAD функционал кувватига картографик куроллар ва ГАТ таҳлил функциясини ривожланиши маълумотлар устидан бошқаришнинг янги имкониятларини кўшади, ГАТ топология ишларини таъминлайди. Бунга картографик маълумотларни – тозалаш воситаларининг катта тўплами киради, яъни объектларнинг хар

хил турли ташки хужжатлар билан бөллигінги ва уларнинг ГАТ чизиктарини AutoDesк маҳсулотларн билан иириклаштиришдир.

Autodesk World

Хужжатты мәлумотлари: Ишлаб чыгарувчи - Autodesk (АКШ). Жорий версиясининг тартиб раками - 2.5. Жорий версияни келтириб беришнинг бошланиши - 1999 йилнинг июль ойи. Сүнгти версия амал қиладиган платформа - Windows 95, NT. Тизим хақида умумий мәлумотлар. Максад - геоахборет тизим тайёрлаш.

Ишлаб чыгарувчи - Autodesk (АКШ). Тизимдан фойдаланиш ҳақида мәлумотлар. Графики мәлумотларнинг ички шақлари - Geobase, DWG (3Д топология мәлумотларининг таркиби иккى хиссалик аникликда). Растрлар шақлари - JPEG, TIFF, BMP, EPS, IPF, DCX, WMF, Photoshop, Photo CD ва бошқаларда. Интерфейс тасвиғи ва тизимнинг очиғлиги. Фойдаланиш интерфейси - MS Office нинг сүзүчі панеллар, курсор, меню ва бошка MS Office 95, MDI менюсига ўхшаш панелларга мөс келади.

Фойдаланиш интерфейсими ўзгартыриш имконияти - интерактив созлаш, диалоги дарча ва менюларни ифодалаш тилини ташкил килиш, мәлумотларни чыкаш, менеджери панелларини интерактив созлаш ва бошқалар. Дастурлаштиришнинг ички тили йўқ. Тизимнинг афзалликлари. Мәлумотларга қайта ишлаш бермасдан тизим таркибига киритиш, CAD ва ГАТ турли мәлумотларнинг ҳаммасини иириклаштириш (йигиш) мумкин. Мәлумотларни йигиш, таҳрир килиш, тасвирлаш, МБ мурожаат килиш ва CAD ва ГАТ фазовий мәлумотлар учун растр, вектор, атрибутивлари бўлган хисботларни жойлаштириш мумкин. Объектнинг хохлаган тури бошка ташки мәлумотлар билан алоқадор бўлиши мумкин. Дастур Microsoft маҳсулотлари билан мөс келади. CAD ва ГАТ объектларини ягона объектларга бирлаштириш мумкин. ActiveX, Automation библиотекаси дастурда ишлатилади.

AutoMap

Хужжатты мәлумотлари: Ишлаб чыгарувчи - ЗАО
—Удмуртгражданпроект. Номи - AutoMap. Даствабки версиянинг фойдаланиш

ёки ишлами учун жорий қилиш санаси - 1996 йил, жорий версия тартиб раками - 3.2. Жорий версияни келтириб беришнинг боштаниши - 2000 йилнинг февраль ойи. Сунгги версиялар Windows 95, 98, 2000, NT ларнинг платформасида ишлайди. Тизим хакида умумий маълумотлар. Максад - йирик масштабли режалар учун катта ҳажмти маълумотлар билан ҳарактерланувчи, нисбатан ўртача худудий ГАТни ташкил этади.

Кўлланиладиган соҳалари - соҳали кадастрларда, лойиҳалашда, ахборот - маълумномали тизимларда ва бошжаларда. Тизимдан фойдаланиш хакида маълумотлар. Графики маълумотларнинг ички форматлари - хусусий; маълумотлар базасининг ички шакллари - вBASE III/V, MIF/MID форматлар орқали бошқа дастурлар билан маълумот армасиш мумон. Интерфейс таърифи ва тизимнинг очиклиги. Фойдаланиш интерфейси - Windows каби. Фойдаланиш интерфейсини ўзгартириниш экзимоллиги - фойдаланувчи томонидан асосий меню ва контекст менюга буйруқлар кўшиш; уларнинг ишораси Automation интерфейси орқали; Automap маълумотлари билан ташкил дастурлар устидан бошқаришни бажариш. Дастурлаштиришнинг ички тили - йўқ. Тизимнинг афзалликлари. Катта ҳажмти растрли ва векторли маълумотлар билан тизими ресурсларга паст талаблар кўйилганда ишлаз мумкин. Сифатли таҳрирлик қилиш, маълумотларнинг турли хилини биргаликда компьютер хотирасига жойлаш, хисоблаш ишларини бажариш, ахборотларни таҳлил қилиш, масалан, 1:500, 1:1000 масштабли планларни ишлаб чикиш учун классификатор бўйича векторлаш дастури бор. Топологик хатоларни автоматлаштирилган тизим орқали текшириш, хатоларни тузатиш мумкин.

“БелГАТ”

Хуҗоатли маълумотлари: Ишлаб чиқарувчи - ГУП ВИОГЕМ. Дастурий миҳсулотнинг номи - БелГАТ. Дастрлабки версияни фойдаланишга жорий қилиниш санаси - 1996 йил. Жорий версиянинг тартиб раками - 3.1. Сунгги версия Windows 95, NT платформаларида иштайди. Тизим хакида умумий маълумотлар. Максад - кўп максадли кадастрлар учун геоахборот

тизимларининг кучли куролланган ва маҳсус ишларга асосланган ГАТ воситаларини яратишидир. Кўлланиладиган соҳалари - шаҳар қурилиши ва архитектурада, ер муносабатлари, хуқуқни рўйхатта олишда, кўчмас мулкни ва худудларни бошқаришда, экологик моделлаштиришда, илмий тадқиқотлар ва боникаларда. Тизимдан фойдаланиш ҳакида маълумотлар.

Графики мульдатларнинг ички форматлари - хусусий. Мульдатлар базаларининг ички шакли - Net Base. Интерфейс таърифи ва тизимнинг очиқлиги. Фойдаланиш интерфейси - стандарт Windows мухитига ўхшаш. Дастурлаш ички тили - Net Script. Рус тилидаги версияси бор. Хужжатлари - фойдаланувчига раҳбарий кўрсатмалар, гиперматнли қўллашмалар, контекстли мульдатномали библиотека, мантли файллар ва бошқалар мавжуд. Тизимнинг афзалликлари. Кагта ўлчамли (400 Мб дан ортиқ) растрлар билан амалдаги вақтда, юкори даражада сифатли ишлаш; векторловчи СУБД Net Base; мультимодел ва унга ўрнатилган электрон жадвал; электронли жадвалнинг функцияларини кенгайтириш учун DLL-кутубхоналарини кўшиш имконияти ва бошқалар.

Geo DRAW

Хужжатли мульдатлари: Ишлаб чиқарувчи - Россия ФА сининг География институти Геоахборот тадқиқотлари маркази - РФА ГИ ГАТМ (русча ЦГИ ИГ РАН). Дастилки версияни ишга туширишга жорий этиш санаси - 1991 йил. Жорий версиянинг тартиб рақами - 1.14. Келтириб бериш бошланганидаги инсталляциялар сони - 2900 та дастур. Охирги версияси Windows 98, NT, 2000 платформаларида амал қиласди. Тизим ҳакида умумий мульдатлар. Максад - рақамли карталарни компьютер хотирасига киритиш ва таҳрир қиласи тизимини яратишидир. Кўлланиладиган соҳалари: геология ва ер ости бойликларидан фойдаланишда, умумдавлат ва вилоят давлат бошқарув органларида, шаҳар хўжалигида, экология ва табиатдан фойдаланишда, Ер тузиш ва ўрмон хўжалигида, сув ресурслари ва улардан фойдаланишда, транспорт ва алоқада, тижорат ва рекламада, геодезия ва картографияда, таълим тизимида ва бошқаларда.

Тизимдан фойдаланиш хакида маълумотлар. Графикли маълумотларнинг ички форматлари - Geo DWG, растрли (JPEG, PCX, TIFF, BMP ва бошқалар), ҳаммаси бўлиб 30 дан ортиқ формати мавжуд. Маълумотлар базасининг ички шакли - 6BASE, Paradox. Умуман тизим амалда исталган формат билан иштасига юдир, чунки унга кириш драйвери тузилган. Драйверлар барча стандартларда таржалган маълумотлар базасини бошқариш тизимларида (МББТ ёки рус тилида СУБД) учрайди, жумладан, мижоз - сервер мухитида иштаси ҳам мумкин (Oracle, Informix, MS, SQL, Server ва бошқалар). Интерфейс таърифи ва тизимнинг очиғитиги. Фойдаланиш интерфейси Windows даги менюга, унинг фойдаланиш куролларига, "кайнок" тууңчаларига, диалогларига ва бошқаларга ўхшаш, бошка ГАТ дастурлари билан DDE бўйича алоқа юлиш, маълумотлар алмашиш имкони яратилган. Рус тилидаги версияси ва хужжатлари мавжуд.

Тизим афзаликлари. Тўликлиги, ўрганишга осонлиги, унча киммат өмаслиги, турли форматдаги маълумотлар билан алоқа килишлиги, фазовий маълумотларнинг типологик таркиблари билан иштай олишилиги билан бошка ГАТлардан ажфалиб туради.

1.4. Геоахборот тизимларининг бошка фанлар билан алокадорлиги

ГАТ асосий илм ва технологияларга асосланади ва бундай соҳалар фанлари билан яқин алоқада бўлади, жумладан: география, картография, изроюсмик методлар, геодезия, фотограмметрия, информатика, математика, статистика ва бошқалар.

География:

➤ ГАТ асосида география табиий ва ижтимоий-иктисодий ҳодисаларни, уларнинг келиб чиқишини, ўзаро боғликларини ва ер юзида таркалиши мөхиятини тушунтиради;

➤ узок даврли фазовий таҳлил тажрибасига эга, уларни олиб бориш методларини амалга ошириш имкони яратилади;

➤ хар қандай тадқиқот ва карашларга ГАТ фазовий ёндашиш көрсеткіштің тасвирлалығын берилади.

➤ ГАТ дан фойдаланында география фаны олдида турған вазифаларини ечиш учун жуда зарур бўлган кучли методик куролга эга бўлади.

Картография:

➤ ҳозирги вактда ГАТ га киритилаётган асосий манбалар карталар ва ГАТ да тасвириланаадиган асосий маълумотлар ҳам карталар бўлиб хисобланади;

➤ компьютер графикаси ва картографияси эса картографик манбаларни ракамли баён этишга ўз усуларини тақдим этади;

➤ картография ГАТ дан фойдаланиш мобайнида ихтиёрий картографик маҳсулотларни яратиш учун күчли восита ва жуда катта ҳажмидаги курилмаларга эга бўлади.

Масофадан туриб зондлаш:

➤ самолёт ёки бошқа воситалардан олинган расмлар ГАТ учун асосий географик маълумотлар манбаи бўлиб хисобланади.

➤ масофадан туриб олинган зондлаш материаллари дешифровка килингач, ГАТ никк бошқа турдаги маълумотлари катяамлари билан осонгина бирлаштирилиши мумкин.

➤ кўплаб ГАТ лар расмларда таҳлил ишларини олиб борадиган ўта мураккаб аналитик функцияларига эга.

Геодезия:

➤ Ерда олиб борилган план олиш натижасидан юкори аникликдаги топографик карта, у асосида эса кўплаб мавзули карталарни тузиш имкони яратилади;

➤ Ернинг ва бошқа планеталарнинг шакли ва ўлчамлари хакида сифатли маълумотлар олишни, ер юзасидаги таянч нуқталарни аныкташ методларини ишлаб чиқиши, ерлардан фойдаланишда экин турлари чегараларини аник белгилашни тъминлайди;

➢ -срларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш карта ва планларни ГПС ва шектрон тахсометрларни юллаш асосида тузиш методлари ва услубларини ўрганади.

Фотограмметрия:

➢ ер юзасида жойлашган обектларнинг ўрни, ўлчами ва шаклини фотографик тасвирлар орқали аникташ методларини ишлаб чиқади, булар эса поро ва космик фотосуратларни қайта ишлаш технологик жарабёйининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади.

Информатика:

➢ автоматик лойихалаш (САПР) маълумотларни киритиш, тасвирлаш ва узалиш ишларига анча таъсир этади, бу эса уч ўлчами обектларга алоҳида аҳамият каоб этади;

➢ компьютер графикисида эришилган югулар графикли обектларни қайта ишлашда, намойиш этишда, айни кса воситаларида кенг ишлатилмоқда;

➢ маълумотлар базасини бошқариш тизими (СУБД) маълумотларни ракамли кўрсатишда, катта ҳажмли ахборотларни тизимини ҷратишда ва қайта ишлашда, уларга мурожаат қилишда, саклашда ва янтилашда етарли даражада усувлар билан таъминламоқда;

Математика ва статистика:

➢ ГАТ да математиканинг турли соҳалари, геометрия, шаклар назарияси, маълумотлар базаси назарияси, бошқаришни оптималлаштириш, статистика ва бошқариш тизимларини лойихалашда, фазовий маълумотларни таҳлил қилишда ва моделлаштиришда кенг кўлланилмоқда.

Хозирда ГАТ ер юзасининг миллионлаб одамлари хизмат қилаётган соҳа. Улар ГАТ ни турли соҳаларда кўллямокдалар – глобал муаммоларни очишда (худудлар ифлосланиши, юшлок хўжалигини қайта ташкил этишда, табиий оғасларни ўрганишда ва х.к.), ёки амалий масалаларни очишда (пунклар орасидаги масофаларни аниклашда, янги ахоли пунктларини оптимал жойлаштиришда, трубали ва электр энергияси тармоқларини ўтказишда,

маҳалий бошқариш ташкилоттарининг ер муносабатлари масалаларини очишда ва х.к.).

Таянч сўз ва иборалар: ГАТ, ахборот, туризм, эҳм, ривожланиш, тарих, ДИМЕ, Тизорат ГАТИ, картография материалари, компьютер графикиси, компьютер хариталаш, сканерлаш, периметр, обект, геодезия, картография, кадастр, фазо, фазовий обект, ракамли кўриниш, география, картография, масофадан туриб зондлаш, геодезия, фотограмметрия, информатика, математика, статистика.

Мавзуга донир савол ва топшириклар:

1. ГАТ хақида тушунча бўрини:
2. Бир неча тасвирларни компьютер ёрдамида бирлаштириш тояси қай тарзда ва ким томонидан кашф қилинган?
3. ГАТ нинг компьютер графикиси тизимидан фарқи?
4. Нима учун ГАТ га эътибор тобора ортиб бормоқда?
5. ГАТ нинг ривожланиш тарихи хақида тушунчаберинг
6. Йирик ГЕО-лойиҳаларни жорий килиш даври хақида юскакча маълумот беринг.
7. Нима учун очик дастурий махсулотлар фойдаланиш клублари ва конференсиялар ташкил қилинмоқда?
8. Ентузиаст фойдаланувчилар кимлар ва улар ГАТ технологиясининг афзаллик томонларига қандай фикр билдирганлар?

1-мавзу бўйича ямалий топширик:

Геоахборот тизимларини ўрганиб чиқиш. Ҳозирда қандай ГАТлардан фойдаланилмоқда, ГАТларга мисоллар келтиринг.

2-МАВЗУ: ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАШ

Режа:

- 2.1. Геоахборот тизимларига қўйиладиган талаблар
- 2.2. Геоахборот тизимларининг асосий йўналишлари
- 2.3. Геоахборот тизимларининг туризм соҳасидаги ўрни

2.1. Геоахборот тизимларига қўйиладиган талаблар

ГАТ қўйидагиларни тъминлаши зарур:

- дигитайзер, сканер, ракамли фотокамера, сичонча ёрдамида картографик ахборотларни киритиш, бошка тизимлар файлларидан фойдаланиш;
- растрли тасвирларни ярим автоматик ва автоматик йўллар билан ракамлаш;
- картографик маълумотлар базасини бошкариш (маълумотлар базасининг архитектурасини шакллантириш, картографик обектлар ва фактографик маълумотлар базалари жадваллари каторлари орасидаги анонсаларни тахлил килиш, маълумотларни янгилаш, кидириш, танлаш), вектор ва растр ахборот катламларининг, уч ўлчовли обектлар ва юзали катламларнинг турли тизимларда ишлашини тъминлаш;

Тизимнинг ички дастурлаш тилининг мавжудлиги фойдаланувчига қўйидаги имкониятларни беради:

- тизим фаолияти ичидаги хисоблаш дастурлари ва бошка фойдаланувчилар учун иловаларини яратиш;
- маълумотлар катламининг янги турларини яратиш, бошка маълумотлар базасига ва ГАТларига осон киришни тъминлаш, фойдаланиш интерфейси тизимига ўзгартериш ва тўлдиришлар киритиш;

- координаталар тизимини ўзгартыриш хамда эллипсоид ва шарда картографик лойихаларни бир масштабга көлтириш;
- узунлик, юза, периметрларни хисоблаш, обектни бошқа тасифтарни ўз ичита олу вчи метрик мөлдөмнөлдерни бажариш;
- мәліум шарт-шароитларни каноаплантирувчи узоқтыкда юзалар куриш, яқын құшии полигонларни қидириш;
- күпгина картографик обекттер үстидан мөлдөмнөлдерни жесиш, бирлаштириш, үчириш тири олиб бориши;
- тармоқтардан мөлдөмнөлдер, оптималь маршруттарни таңлаш;
- таянч нұкталарнинг бөшкәрілгеніндең ғана башкарылмайдыган тармоғыда юзаларни куриш ва уларни тақтасынан көрүш;
- Күпгина худудлар, хар бири ўзиннегіндең координаталар тизиміндең ага бўлиши, келишилган ишни бажариш имконига эга бўйиган виртуал бирикиш режимида картографик мәлумотлар билан ишлаш;
- Йирик масштабда тасвирланган картографик обектдан янги худудга ўтишга имкон берувчи худудларнинг бир-бирини ичине кўп марта киритиладиган мәлумотлар базаси курилишини архитектуралари;
- мос дастроурий таъминот мавжуд бўйиган раками фотограмметрия ва стереотасвирларга РС да ишлов бериш усулларидан фойдаланиш;
- тушунтириш матнлари, чизма элементлари ва бошқалар бўйиган оқкора ва рангли карталар, шактни безатиш, монтаж килиш, кирқим-карталар ва дарчаларни яратишдан иборат хисобот шаклларни генерализация килиш имкониятларига эга бўлиши керак.

Арқынфу ва МГЕ мураккаб ихтисослашган юп модулли ГАТларга, хатто нархи қиммат бўлсада, кент спектрдаги ишларни хал этишга мўлжалланғанынни хисобга олиб, айнан уларга, яъни карта яратиш, таҳлил

житилиш ва таҳрир юлиш учун энг кўп имконияти бўлғанидан уларга қизиқали олиқод кучлироқдир. Бундай ГАТлар билан ишташ маҳсус ўқитишсиз мураккаб ва хатто иложисизdir. Шунинг учун ҳамма ташкилотлар ҳам ўзида чидан фойдаланиш имконини топмайдилар. Мамлакатимизда уй ГАТларидан МашИнфо ва АркВизв кенг тарқалган. Юкорида айтилган ГАТларда барча шифтларни улар тўла юникитиради, чунки уй ГАТларининг имкониятлари их исослашган ГАТларга қараганда кичик бўлишига қарамай, уларда мавзули сирта яратиш куроллари осонгина тахлил ва таҳрир воситаларига эгадир.

2.2. Геоахборот тизимларининг асосий йўналишлари

ГАТ ер юзасини ўрганишда ажралмас восита ҳамда ер ости, ер усти ва срағрофидаги жисмларни ўрганишда жуда муҳимдир.

Геоахборот тизимининг ишлатиш кўлами кенгайиб бормоқда. Шунинг учун барча соҳалардаги ГАТ нинг ўрнини билиш осон эмас. Уларнинг имкониятлари деярли чексиз. ГАТ кўч мас мулкка эга бўлган жисмоний шахсга (Х ва Й) координаталар ажратилиш имкони бор.

Мисол тарикасида, ер маълум бир ер кўч мас мулк сифатида тасвирланади ва шу ернинг эгасига номига ягона давлат реестрида рўйхатига олинади. Йер ва унинг майдони чегаралари юкори аниқтиқдаги геодезик усуслари билан аниқланади. ГАТ ёрдамида ернинг сентройд координатлари, яъни ернинг маркази ҳисоблаб берилади. Шундай юлиб, кўч мас мулк эгасига маълум бир координаталар ажратилади ва шу маълумотлар ёрдамида кўч мас мулк ҳамда унинг эгасини топпиш имконияти туғилади. ГАТ глобал ахборот жамияти ташабларига жавоб беради. Улар маъмурий экологик, ижгиомий, иқтисодий ва башка муаммоларни маълум турли даражада кўрсатади:

- Глобал, Россияни бутун дунё ва Евроосиё даражасида кўрсатади (1:45 000 000 - 1:100 000 000 кўламли).
- Бутун Россия бўйлаб, бутун мамлакатни кўрсатган чегара худуд лифраксида (1:2 500 000 - 1:20 000 000 кўламли).

- Регионал даражасида, асосий иктисодий вилоятлар кўрсатилади (1 500 000 - 1 40 000 000 кўламли).

- Махаллий, алоҳида вилоятларни, мунтака ёки майдонларни кўрсташда (куламли 1 50 000-1:1 000 000).

- Муниципал, шаҳар чегараларини, маъмурий туман ва шаҳар четидаги худудлар (: 50 000 1:10 000 -1 кўлами) барпо этиш мўлжалланган.

Ташки ва махаллий тажриба шуни кўрсатадики, ахборот базис жараёнида устувор ва сифатли тизимлар сақтаб қолинади: хукумат барча даражадаги карорларни кабул килиш; бир илмий асосланган узок муддатли ва аҳоли пунктларининг ва уларнинг худудларни оператив режалаштириш; саноат ва фуқаро фойдаланиш оптимал лойихалаш; шаҳар бош режасини ва унинг бажарилишини назорат килиш ишлаб чиқиш; ҳолатини текшириб, экологик ижтимоий-иктисодий, худудларни ва уларнинг иктисодий баҳолаш, табиий ресурс шартлари; Бухгалтерия вазифаларини ва шаҳар ер ва кўчмас мулк (бинолар ва иншоотлар) оқилона фойдаланиш такомиллаштириш; жойлашган ва муҳандислик шаҳар коммунал хизматлар тармоғлари фойдаланишга ҳакида ишончли маълумотларни олиш; баркарор солиққа тортилишига, атроф-мухит, табиий ресурслар ва кўчмас мулк ифлосланиши учун тўловвларни йигиш амалга ошириш; кўчмас мулк ва турли табиий ресурсларга мулк хукуктарини химоя килиш.

Атрофни муҳофаза килиш ташкилотлари биринчилардан бўлиб ГАТни фойдаланувилиари бўлишган. Махаллий хукумат, шунинг учун узок масофани ва кузатиш, масалан автомобиль учун, ГАТ таҳлил мулк давлатларни ишлатилади. Д. Бироқ, асосий ГАТ тайинлаш ҳали амалий муаммоларни хал этиш учун улардан фойдаланиш максадида Йер юзасида содир бўлаётган жараёнлар ва ходисаларни билим хосил сифатида каралиши лозим. Шундай килиб, ГАТ ҳозирда инсон фаолиятининг турли соҳаларида ишлатиладиган интеграциялашган ахборот тизимининг замонавий тури бор:

ГАТ асосий йўналишлари:

- Илмий-тадқиқот ташкилотлари
- Бошкарувчи органлар
- Хуқуқ-тартибот органлари ва ДАН (Давлат автомобил назорати)
- Куролли кучлари
- Кўчмас мулк кадастри
- Ташкилотни куткариш хизмати
- Тезкор ёрдам хизмати
- Ёнғиндан химоя килиш
- Солик текширувлари
- Хусусий ташюлотлар
- Махаллий коммунал хўжалиги
- Екология
- Тълим муассасалари
- Тадбир юрлик транспорт коммуникация адреслари билан боғланган бўлиб, юқори сифатдаги иш тартибини талаб килади.

Илмий тадқиқот ташкилотлари ГАТ ёрдамида вилоятлар бўйлаб савдо бозорларини ўрганишлари мумкин. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш стратегиясини ишлаб чиқиш, маркетинг ва reklama компаниялари учун маълағларни оқилона тақсимлаш имконияти мавжуд. Бундан ташқари ГАТижорат фаолиятини соҳасини ривожлантиришда иштирок этадиган транспорт йўнлашлари репефининг моделини тузишини имконини ҳратди. ГАТ шаҳарсозлик нормалари ва қондалари талабларини инобатта олган ходабошларув органлар ҳодимлари учун ривожланиш жараёнларини режалаштириш ва тартибга солиш учун зарурдир.

Кишлоқ ва шаҳар маъмурияти ГАТ нинг энг йирик фойдаланувчиларидан шири ҳисобланишади. Улар ерни ўрганиш жараёнида маълумотларни тўплаш, унарни тайёрлаш ҳамда фойдаланиш усулларини таҳлил килиш ва келажакда ривожланиш режаларини тузиш учун ишлатилиши мумкин. Махаллий

хокимият органлари мулкни (кўчмас мулк), йўллар ва коммунал хизматларни таърифлаш учун ГАТдан фойдаланишлари, атроф мухитни ифлосланишини мониторинг қилиш бўйича материалларни таҳлил қилишлари му мкин.

Анъанавий равишда бошқариладиган бошқару вазифаларидан ташкари, ГАТнинг аналитик имкониятлари саломатлик соҳасида, хусусан, йўллардаги мавжуд вазиятни хисобга олган ҳолда, киска масофани, масалан, тез тиббий ёрдам станицисидан беморга аниқлаш учун қўлланилиши мумкин. ГАТ эпидемиологик вазиятни таҳлил қилиш, турли қасалликларининг тарқалиши ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш жараёнида ҳам қўлланилиши му мкин.

Тижоратда кўчмас мулкни сотиш ҳажми, истемол товарлари, юкларни хисобга олиш, бозор иштироқнинг мағзиллари рўйхатига доир катта ҳажмдаги маълумотлар жалб қилинган. Барча көраоти маълумотлар электрон харитада тақдим этилиши мумкин. Шундай килиб, ГАТ жадваллардаги аник кўрсатилмайдиган ўзаро бояганишларни аниқлаб бериши тъминлайди, масалан, маълум маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиси яқинидаги аҳоли сони ва бошқалар маълумотлар.

2.3. Геоахборот тизимларининг туризм соҳасидаги ўрни

XX асрнинг 70-80 йилларида дунё жамияти ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйди, яъни жамият ҳаётида маълумотнинг ўрнини қай даражада мухимлигини ҳал қилувчи ахборот жараёнига қадам қўйди. Туризм соҳаси ҳам буидан мустано эмас. Бугунги кунда туризм маҳсулотларини шакллантириш ва сотиш учунетарли ахбороцизамалга ошириб бўлмайди. Туризмни бошқариш органлари ва сайёхлик фирмалари ўз фаолиятларида доимий равишда ахборот технологияларини ўзлаштириш муаммоларига дуч келадилар, бу эса сайёхлик бизнесининг ахборот билан тўлдирилган соҳа сифатида ҳалқаро бирлашув учун зарурӣ шарт хисобланади. Географик ахборот тизимлари - географик ахборотнинг барча

турларини жорий этиш, саклаш, янгилаш, манипуляция қилиш, таҳлил қилиш ва намойиш этишга қодир бўлган дастурий-техник мажмуа." (Геоинформатика асослари, 2004 йил). ГАТ бу каби фазовий хусусиятларга эга; тузилган маълумотлар; муаммоли-амалий йўналиш; геосистемаларни геологик ўрганиш ва хариталашга юмлек комплекс ва тизимли ёндашуви тъминлаш; мослашувчаник ва мултивариаслик масалаларини ҳал қилиш, геосистемаларни тавсифловчи мухим параметрларни биргаликда таҳлил қилиш имконияти ва ҳоказолардан иборатдир.

ГАТ маълум худуддаги юзага келадиган ҳар кандай вазиятга зудлик билан жавоб беришга имкон беради, бу ҳакда барча кераюти картографик ва тематик маълумотларни олиш имконияти ҳам мавжуд. Ҳар кандай хариталар, режалар ва схемаларни бир вактнинг ўзида қуриш билан бирга картометрик тақкилотларни ҳам амалга оширади. ГАТ га асосланиб, сиз турли жараёнларни, ходисаларни симуляция қила оласиз ва вакт ичидаги уларнинг ҳолатини ўрганишингиз муъмин.

ГАТ структураси ўз ичига тўртта кичик гурухни камраб олади:

- Маълумотларни киритиш; турли манбалярдан (харита) маълумотларни кайта ишлаб чикиш;
- Маълумотларни саклаш ҳамда излаш имконияти; Юкори тезликлда маълумотларни излаш ҳамса тўғирлаш;
- Параметрларни баҳолашга, хисоб-китоб ва аналитик муаммоларни ҳал қилишга имкон берувчи таҳлил;
- турли шакллардаги маълумотларни (хариталар, жадваллар, блок диаграммалар, ракамли эр моделлари) тақдим этиш.

Объектларнинг ГАТда бир-бирига нисбатан яқинлигини тахлил қилиш учун буферлаш деб аталадиган жараён ишлатилади. У қуйидаги саволларга жавоб беришга ёрдам беради: Бу уйнинг 100 м атрофида қанча уйлар мавжуд? Ушбу дўкон яқинида қанча харидор яшашади? Шаҳар ҳазинаси бўлган соҳибли бир қисмидатуризам бизнесининг даромадлари қандай? Хизмат томонидан етарли даражада тъминланмаган дам олиш жойлари мавжудми? Турли хил аник катламлардаги маълумотларни интеграциялашиши ўз ичига олади. Энг оддий ҳолатда, бу ҳариталаш жараёни бўлиб, бир катор аналитик операцияларда турли катламлардан олинган маълумотлар физик жиҳатдан бирлаштирилади.

Кўплаб операциялар учун, натижга маълумот ҳаритаси ёки график шаклида тақдим этилиши. Ҳарита географик маълумотни саклаш, тақдим этиш

ва тарқатишининг жуда самарали ва информацион усули хисобланади. Илгари карталарбир неча асрлар давомида яратилган. ГАТ картография санъатини ва илмий асосларини кенгайтириш ва ривожлантириш учун янги ажойиб воситаларни тақдим этади. Унинг ёрдами билан, карточкаларнинг осонлик билан ўзларини кўришлари, уч ўлчамли тасвирлар, графикалар, жадваллар, диаграммалар, фотосуратлар ва бошқа воситалар билан тўлдирилиши мумкин.

ГАТ бир қатор бошқа ахборот тизимлари билан чамбарчас боғлиқдир. Унинг асосий фарқи барча маълумотларни тахлил килиш ва уни бошқариш қобилиятидир. Ахборот тизимларининг умумеътироф этилган ягона таснифига эга бўлмаса-да, куйидаги тавсиф КБСни иш столи хариталаш тизимлари, САЛР тизимлари, масофадан зондлаш, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари (ДБМС ёки Десктоп маппинг маълумотлар тизимлари) билан фойдаланувчи харакатларини тартибга солиш учун картография ваколатини ишлатади. Бундай тизимларда харита асосида тузилган, харитада маълумотлар базаси мавжуд. Иш столи хариталаш тизимларининг аксарияти чекланган маълумотларни бошқариш қобилиятига эга. ГАТни пакетлар компьютерларнинг иш столида - ПК, Макинтош ва УНИХ иш станцияларининг кичик моделларида ишлади.

Бугунги кунга келиб, Россия сайёхлик бизнесининг бу соҳада катта муваффакиятга эришгани йўқ, факатгина энг катта шаҳарлар муваффакиятга эришди: Москва ва Санкт-Петербург. Кейинчалик маълумот бир йўналишда - электрон харитада тақдим этилади (масалан, Москва <http://map.obninsk.ru>), абу катта театрда бугунги томошалар рўйхатини, фасаднинг расмини ёзи, хеч бўлмаганда, унинг расмий веб-сайтига алоқадор.

Ушбу соҳанинг энг ююри чўқисида дунёдаги этакчи ЭСРИ компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ГАТ технологиясига асосланган "Евенинг Лондон" сайти бундай имкониятлар тақдим этади ва тадбирлар ҳакидаги маълумот бу гунги кунга тўғри келади.

Бундай имкониятлар дархол намоён бўлмагани, ушбу лойиҳани амалга оширишда кандай воситалар мавжудлигини тасаввур қилиш кийин эмас, лекин кўп холларда бундай ҳажмга эҳтиёж йўқ.

У маълумотлар билан таъминлаш компанияси бу худудларни, бинолар, хизмат маълумотлар сифатини, хона, саёхларни расмларини, оригинал маҳаллий овқатлар ранг-баранг таомлар ва ҳоказо номларини жорий этиш, энг йирик дам олиш жойлари ҳам белгиланган тартибда ГАТ харитада ичига кўниш кийин эмас Бундай ГАТ саёҳати компаниясига ёки дам олиш масканига Інтернет орқали юриш бундай хизматнинг бошқа сотувчилариға нисбатан китта афзалликларга эга бўлади, чунки ГАТ интерактив технология бўлиб, фойдаланувчи сўровларига деярли жавоб беради.

Аммо ГАТга харитани киритиш кийин эмас, чунки бу компания билан ҳамкорлик қилган энг йирик дам олиш жойларини харитада кўрсатиш, ушбу худудлар учун режалар, биноларнинг хизмат кўрсатиш сифати тўғрисидаги, хоналарнинг фотосуратлари, саёхларни жалб қилиш, маҳаллий рангли ошхонмаълумотларини кўрсатади.

Бундай ГАТ саёҳати компаниясига ёки қурорт шаҳрига интернет орқали киришни таъминлаш ушбу хизмат турининг бошқа сотувчилариға нисбатан китта афзалликларга эга бўлади, чунки ГАТ интерактив технологиядир, фойдаланувчи сўровларига деярли жавоб беради, фойдаланувчи қулайрок хис килади. Спрингфиэлд (АКШ) Университетининг талабалари томонидан яратилган Нью-Йорк Паркининг сайти шу тарзда амалга оширилди.

Бугунги кунда иккита сунъий йўлдош тизими мавжуд: Американинг "Навстар" (Навигация тизими), бизга ГПС (Глобал Поситионинг Систем) ва маҳаллий "ГЛОНАСС" деб ном берилган. Ушбу тизимларни ташкил этадиган сунъий йўлдошларнинг асосий вазифаси ердаги (самолёт, кема, автомашиналар, кўлда ва бошқалар) кабул қилувчилар томонидан олинган үзинштарнинг доимий узатилишин хисобланади. Ушбу тизимлар кабул кишуичи бир вактнинг ўзида бир неча сунъий йўлдошни "кўради". Турли

сунъий йўлдошлардан келган сигналларнинг кечикишларидан фаркли равишда, қабул юлгич ўзи масофани хисоблаб, кейин унинг координаталарини аниглаш учун тенгламалар тизимини ечади.

Навигацияларни ҳар бир киши ҳар доим керакли деб давво қилмоқда. Авиация, денгиз ва автотранспорт, диспетчерлик ва геоинформацион тизимлар, дизайн ва қуриш, куткарув хизматлари, сайёхлик, овчилик, балик овлаш ва х. Координаталарини билишнинг имкони йўқ бўлган жойлар учун сунъий йўлдош навигацияси орқали талаб қилинади.

Навигация алгоритмига эга бўлганингизда сиз координаталарини, ҳаракатиниң тезлигини ва ҳаракат йўналишини бир неча метр аниклиги билан танлашингиз мумкин. Жойлашувнинг электрон харитаси (ГАТ) ва уяли аюла билан биргаликда диспетчерлик тизимларини яратиш учун энг ючли восита қўлга киритилди. Уйдагиларни навигация қилиш имкониятларини биринчи марта фуқаролар бандар томонидан баҳоламоқда: пул кийматларини ташиб учун мониторинг тизимлари яратилди. Шу каби тизимлар "фавқулодда вазиятлар" хизматлари учун, чет элларда экстремал туристик сайёхлик операторлари учун ишлаб чиқилмоқда.

Россия худудида бундай технологиялардан фойдаланмаслик керак.

Холбуки, Россия конунчилигига кўра, 30 м ва ундан юқори аниклиқдаги координаталар тўғрисидаги маълумотлар давлат сирита киради.

30-100м гача аниклиқдаги координаталар факат чекланган таксимот хакидаги маълумотларга йўналтирилади, факат федерал хукумат органлари вакилларига мурожаат қилинади. Ички навигация килувчилар аниклиги, одатда, хеч кандай ёмон 50 м, ва бир нуктада узок вакт колища, улар шунингдек 10 м координаталарини аниглаш имкониятига эга бўлди -. навигация қабул фойдаланиш учун тегишли рухсатномалар ноқунний, лекин карор факат ташкилот олинган лицензияга боғлик бўлиши мумкин Россия Федерацияси худудида топографик фаoliятни амалга ошириш хукукига эга.

Шундай килиб, биз турли ўлчамдаги ГАТнинг туғилиши ва ривожтанишига гуох бўламиз: мегапхонлар - Москва, Санкт-Петербург, минтакавий шаҳар.

ГАТ технологиясини қўллаш, экскурсияларни ташкил қилиш ва ўтказиш, шунингдек, уларга тегишли хизматлар мълумотлари саёҳатчилар учун катта ёрдамдир.

ГАТ "Саратов вилоятида дам олиш ва сайёхлик" Саратов давлат университети география факултетида Урбоэкология ва Геоинформатика лабораторияларида Саратов вилояти худудининг юзлаб рақамли хариталари сўнгги йилларда турли ўлчамдаги ва аник таркибга солинган. Ҳар хил резолюцияларнинг юсмик ва ҳаводаги фотосуратларини автомат тарзда талкин юлиш усуллари ишлаб чиқилди. Кўпгина тематик мълумотлар базалари тўпланди. Балаково шаҳридаги коммунал хизматлари, энергетика бошкармалари, атроф-мухитни муҳофаза қилиш идоралари, илмий ва лойиҳалаш институтлари учун муаммоли-ГАТ ва уларнинг алоҳида элементлари (електрон хариталар, биринчирилган мълумотлар базалари ва автоматлаштирилган иш жойлари шаклида) яратилди, рақамли хариталар ва ГАТ мутахассиси, турли мазмун мавжуд картография ва аникловчи мълумотлар базасини яратиш университет лабораторияларида тўпланган тажриба, бу соҳада янги мутахассислик талабалар мавжуддир. (Макаров вз "Саратов вилоятида Дам олиш ва туризм" яратиш ва ГАТ янада ривожлантириш учун савол кўйиш, (Пролеткин ИВ, Чумаченко АН, Федоров АВ), ГАТли идоралар, Саратов вилоятида табиий ресурс бошкариш тузилмасининг бир элементи сифатида талкин килинади

Тавсия этилган тизим минтакада дам олиш ва сайёхлик фаoliyati учун самарали бошкарув воситаси бўлиб хизмат қилиши керак. Самарали тарзда бошкариш:

* таҳлил ва прогнозга асосланган ҳолда муайян вазиятда юзага келадиган муаммоларни тез ва мақбул ҳал этиш. Шунинг учун КБСда тезкор

ва узок муддатли карорлар кабул килиш учун асосий (узок муддатли) ва тезкор ўзгаришан маълумотларнинг комбинацияси талаб этилади. Бундай ахборотни янгилаб, ишончли, мазмунли ва ҳар хил тематик катламлардан иборат бўлиши керак. Бундан ташкири, рефреацион ГАТда зарур функциялар тўплами бўлиши керак:

- картография ва атрибутив маълумотларга тез ва бўлинмаларни тарқатиш;
- ахборотни янгиланиши ва янгилаш имконияти;
- моделлаштириш, таҳлил ва баҳолаш функцияларининг мавжудлиги.

5.2. ГАТ ва ВЕБ технологиялар

Юкори технологияларни ривожлантириш билан бизнинг қундалик хаётимизда тезкор ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўн беш ўн йил олдин ким мобил алоқа орқали жамоатчиликка айланиши му мкин деб ўйлаши му мкин эди?

Юкори технологияларни ривожлантириш билан бизнинг қундалик хаётимизда тезкор ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўн беш ўн йил олдин ким мобил алоқа орқали жамоатчиликка айланиши му мкин деб ўйлаши му мкин эди?

Кандай қилиб сизга бирон-бир ҳариталар ёки ер режаларини тақдим этишини эмас, шунингдек, сизнинг манзилингиз ва саёҳат йўналишини белгилайдиган ГАТ йўлларининг атласини эмас, электрон жадвалини ёқтирасиз? Ундан фойдаланиб, қизиқишининг "манзили" га кандай эришиш му мкинлигини аниқлаб олишингиз му мкин?

Бугунги қунда иккита сунъий йўлдош тизими мавжуд - Америка Навстар ва маҳаллий. Уларнинг ишлаш тамойиллари кўп жиҳатдан ўхшашдир. Ушбу тизимларни ташкил этадиган сунъий йўлдошларнинг асосий вазифаси ердан кабул килувчилар томонидан олинган сигналларнинг доимий узатилиши. Ушбу тизимлар кабул килувчубир вактнинг ўзида бир нечта сунъий йўлдошга эга бўлиши учун тузилган. Бугунги қунда геоинформатика технологиялари Ўзбекистон бозорини аста-секин эгаллаб келмоқда. Йер

қиқастрини яратиш унинг хариталари асосида бошка мавзуларга йўналтирилган хариталар яратиш ва уларни ГАТни атрибутив таркиб билан ўлдириш имконини беради. Туристик йўналтирилган ГАТни яратиш учун барча манфаатдор томонларнинг сай-харакатларини бирлаштириш зарур, бу маълумотлар базаларининг ахборот мазмунини яратиш, унинг долзарблиги ва долзарблигини тъминлаш учун зарурдир. Бундан ташкири, ГАТ нойхаларининг юкори харажатлари хисобига давлатдан молиявий ва қонуний куллаб-куватлаш талаб этилади.

Таяич сўз ва иборалар: Туристик ВЕБ, ахборот компоненти, туристик монзиллар, ArcSIS, ArcMS, ArcGIS, ESRI.

Мавзуга доир савол ва топшириқлар:

1. Замонавий туризм сектори ҳакида маълумот беринг.
2. Космик тасвирлардан фойдаланишининг афзаллик томонларини санаб ўтинг
3. Тизим кандай даражалардан иборат
4. Барча туристик жойлар кандай таснифланади?
5. Сайёхлик соҳасида ГАТнинг истиқболли варианtlари
6. ГАТ кандай жиҳатлари геоинформатика бўйича ўрганилади?
7. ГАТ нечта асосий маълумотлар билан ишлаши му мкин?
8. Замонавий ГАТни таҳлил килиниш учун қандай воситалар мавжуд?
9. ГАТ кандай АТлари билан чамбарчас боғлик?
10. Чет элларда экстремал туристик сайёхлик операторлари ва ФВ хизматлари учун қандай тизимлар ишлаб чиқилмоқда?

5-мавзу бўйича амалий топшириқ:

Онлайн навигация тизимига эга бўлган мобил хариталарга мисоллар келининг ҳамда хариталардан биридан фойдаланиш бўйича амалий қўнижмаларни шакллантиринг.

6-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИОН САЛОҲИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМИНИ ШАКЛАНТИРИШ

Режа:

- 6.1. Туристик-рекреацион салоҳиятни ривожлантиришнинг минтақавиий геоахборот тизимининг ўрни**
- 6.2. Туризм соҳасини бошқаришдаги геоахборот тизимини шакллантиришнинг вазифалари**
- 6.3. Минтақавиий ГАТлардан фойдаланган ҳолда туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари**

6.1. Туристик-рекреацион салоҳиятни ривожлантиришнинг минтақавиий геоахборот тизимининг ўрни

Хозирги вактда мос равишдаги ахборот тъминотисиз туристик маҳсулотни шакллантириш, силжитиш ва реализация килиш мумкин эмас. Туризмни бошқариш ташкилотлари ва туристик фирмалар ўз ишида доимо ахборот технологияларини ўзлаштириш муаммосига дуч келмоқда. Ахборот технологиялари- туризм бизнесининг халқаро интеграциясини ахборот билан тўйинган соҳаси сифатидаги зарурий шарт-шароитлари ҳисобланади. Худуднинг туристик салоҳиятини тадқик этишда ва уларнинг дастурларини ишлаб чикиш ҳамда ўзлаштиришда мутахассислар маконнинг турли томонларини ифодаловчи кўпгина ахборотларга тўқнаш келадилар. Бундай турдаги ахборотларга ишлов беришнинг алмаштириб бўлмайдиган воситаси бу тути кунда геоахборот тизимлари бўлиб ҳисобланади (ГАТ).

Умумий маънода ГАТ – маюнда мувофиқлаштирилган маълумотларни йигиши, саюлашуларга ишлов бериш, кириш, уларни акс этириш ва кенг тарқатиш каби амалларни бажарувчи ахборот тизими бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда ягона туристик геоахборот тизимини ишлаб чиқиш бир вактнинг ўзида туристик ресурслар ва объектлар тўғрисидаги ахборотларни йигиши хамда таҳлил килиш, ягона усул асосида туризмни ривожлантиришнинг минтақавий ГАТ ларини шакллантириш билан амалга оширилиши зарур бўлмоқда.

Геоахборот тизимининг хусусиятларини ва тарқибини батафсил кўриб чиқамиз. ГАТ таркиби юнага кўра кўйидаги тўртта мажбурий тизимостиларни ўз ичига олишини қайд килишимиз зарур:

- ахборотларни киритишда турли манбалардан олинган мавхум малумоларга ишлов бериш ва уларни киритиш учун хизмат килади (харита ва х.к.);
- ахборотларни саклаш ва кидиришда таҳлил килиш, долзарблаштириш ва тузатишлар киритиш максадида оператив маълумотларни олиш учун хизмат килади;
- ахборотларга ишлов бериш ва таҳлил килишда хисоб-китобли анализик вазифаларни ечиш кўрсаткичларни баҳолаш учун хизмат килади;
- турли кўринишдаги ахборотларни тақдим этиш (хариталар, жадваллар, блок-диаграммалар, худуднинг ракамли моделлари ва х.к.)
- ГАТ худуд тўғрисида барча зарурий картографик ва мавзули ахборотларни олиш орқали, худудда юз берадиган ҳар кандай вазиятта оператив жавоб бериш имконини беради. У исталган ҳарита, режа ва схемаларни бир вактнинг ўзида тузиш билан картометрик тадқиқотлар ўтказишдан иборат.

ГАТ асосида турли жараёнларни, ҳодисаларни моделлаштириш ва вакт лавомида уларнинг ҳолатини ўзгаришини ўрганиш мумкин. Масалан, экологик вазиятни ўзгаришини, табиий оғатларнинг ўзгаришини ва х.к. ГАТ таркиби ва уни тўлдириш ечиладиган илмий ва амалий вазифалар билан аниктанади. Уларнинг ичига энг муҳим вазифалар сифатида ресурслар инвентаризацияси (қасаслар), таҳлил килиш, баҳолаш, мониторинг ўтказиш, бошқариш ва

режалаштириш, кабул юлингган карорларни кўллаб қувватлаш хисобланади. Интеграциялашган ГАТ, ИГАТ (интегратед ГАТ, ИГАТ) ракамли ишлов берилган тъсвири (масофали зондлаш ахбороттарини) тизими ГАТнинг функционал имкониятлари интеграциялашган мухитга мос келади [2]. Шуни кайд юлиш керакки, ГАТ хариталарини визуаллаштириш ҳисбот хужжатлари, уч ўлчамли тъсвирлар, графикилар, жадваллар, диаграммалар, суратлар ва мультимедиа воситалари билан тўлдирилиши мумкин. Бу элементларнинг барчасидан ГАТ ёрдамида турмаксулотни силжитишда кенг фойдаланиш зарур, чунки улар унинг интерфаоллигини ва жозибадорлигини оширади.

Бугунги кунда туризм геоахборот технологиялари қўлланиладиган одатий соҳа бўлиб хисобланади. Бизнинг мамлакатимизда уларни одатда туристик хариталар, буклетлар ва ичнга харита хамда схемалар кирадиган бошка электрон, нашрли маҳсулотларни тайёрлаш учун фойдаланилмоқда. Хозирги пайтда ўзида бой тарихий-маданий мөрростга, ноёб табиий салоҳиятта эга бўлган минтакалар учун қуйидаги вазифаларни ечишга ёрдам берувчи кенг профилдаги амалий геоахборот тизимини шакллантириш зарур бўлмоқда: худуднинг табиий ва тарихий-маданий ёдгорликтарини, туризмга хизмат кўрсатувчи корхоналарни ва туризм йўналишларини хисобга олиш; туристлар оқимини таҳлил қилиш; худуднинг ривожташини режалаштириш ва х.к. Туристик ГАТ ларни яратиш ва ундан фойдаланиш афзалликларига карамасдан, уларни ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва ундан фойдаланишнинг бир канча: ахборот, техник ва молиявий муаммолари мавжуд. Туристик ресурслар тўғрисидаги маълумотларни йигиш мураккаб ва кўп меҳнатни талаб қиласиган хамда катта молиявий маблагларни талаб қиласиган жараён бўлиб хисобланади. ГАТ нинг тарқибини ишлаб чиқиш, уни тўлдириш ва фойдаланишга чиқариш, кўп йиллар давомида амалга ошириладиган ишлар хисобланади. Сўнг ГАТ ни қузатиш ишлари-маълумотларни долзарблаштириш, ахборотларни кўшиш, техник кўмакташиш ва х.клар

шамалга оширилади. Шуни кайд қилиш керакки, Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг ягона геоахборот тизимини яратиш ишлари олдин ошиланган, бирок уни ишлаб чикиш турли ташкилот, тармок ва муҳими давлат томонидан хамкорликдаги жараёнини талаб этмоқда. Туризмни ривожлантиришнинг минтакавий геоахборот тизимларини шакллантириш кўпина вазифаларни очишга имкон беради.

6.2. Туризм соҳасини бошқаришдаги геоахборот тизимини шакллантиришнинг вазифалари

Туризм соҳасини бошқаришдаги геоахборот тизимини шакллантиришнинг ўта муҳим хисобланган вазифаларини батафсил кўриб чиқамиз.

ГАТ ни шакллантиришнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб, минтака туристик-реkreацион салоҳияти тўғрисидаги ахборотларни йигиш ва уни тақдим этиш хисобланади. [6]. Шуни кайд қилиш керакки, хозирги вактда туристик ресурсларни баҳолаш ва ахборотларни йигишнинг услубий базаси энди шакллантирилмоқда.

Ахборотларни йигиш, туристик ресурслар ва объектларни баҳолаш

Туристик ГАТ ни услубий таъминоти туристик ресурслар ва уларни баҳолаш тўғрисида, минтақаларнинг туристик-реkreацион салоҳиятининг таркибий юсми бўлган туристик ресурсларни ва уларнинг шартшароитларини мажмуали баҳолаш ҳамда ахборотлар йигишнинг стандарт услубларини аниқлаш билан бөглиқ. Албатта, туристик ресурсларни баҳолашнинг универсал усулини ишлаб чиқиш етарли даражада мураккаб иш хисобланади, бирок баҳолашнинг мажмуали ёндашувидан фойдаланиш керак, яни туристик ресурсларнинг ҳамма гурухларини интеграл баҳолаш зарур (табиий-иклим, тарихий-маданий, ва минтақа иқтисодиётининг ҳолати ва туризм инфраузилмасини киритган ҳолда туристик ресурслар).

Бу борада 4.1 параграфда ишлаб чиқилган туристик-рекреацион салоҳиятни интеграт баҳолаш оптимал вариант хисобланади, чунки, Самарканд вилоятидаги туристик ресурсларни баҳолашнинг меъзонлар тўплами мавқур ҳудуднинг иқтисодий-географик шарт-шароитларига мос келади.

Туристик районлаштириши

Ҳудудни туристик районлаштириш туристик ГАТ ни шакллантиришнинг дастлабки босқичида амалга оширилади, чунки туманлар ва минтакалар чегарасини аниқ белгилаб олиш зарур бўлади. Бъизда маъмурий чегаралар туристик минтаканинг табиий чегаралари билан мос келмайди. Хариталарда Ўзбекистон ҳудудларининг бўлининин икки хия ёндашувидан фойдаланиш тавсия этилади: туристик ҳудудни маъмурий чегаралари бўйича ва ҳақиқий чегаралари бўйича бўлиш (ГАТ да икката ёндашуидан ҳам фойдаланилади, бирок Ўз.Р ҳудудини маъмурий бўлиш асосий хисобланади). Демак, туристик – рекреацион салоҳиятни мажмууали баҳолаш ҳудуднинг маъмурий чегаралари бўйича амалга ошириш лозим эканлиги маълум бўлди. (4.1 параграф). Мамлакат ҳудудини бундай бўлиш минтакада туризмни бошкарувчилар ва туризмни ривожлантириш дастурини ишлаб чиинш билан шугулланувчи давлат органлари учун зарур хисобланади. Туризм бозорини субъектлари учун ва туризм хизматларининг сўнги истеъмолчилари учун туризм минтакаларининг ҳақиқий чегаралари бўйича баҳолашни ўтказиш максадга мувофиқдир.

Минтақа туристик ресурсларининг таҳлил натижалари асосида уларни рейтинг бўйича баҳолаш амалга оширилади. Бу минтақадаги туристик – рекреацион салоҳиятни тақроғлаш ўсули билан амалга ошириллади (агар балли шкаладан фойдаланилса, унда олинган балл микдорига кўра туристик – рекреацион мажмуалар ҳалқаро, республика, минтакавий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлади, ҳамда минтақани ўзлаштириш учун истиқболли ва кийин бориладиган ҳудудларга бўлинади). Самарканд вилоятининг

ту манларидаги туристик-рекреацион фаолият объектарининг мавжудлиги бўйича салоҳиятига караб баҳолаш 4.1. параграф 4 – жадвал маълумотларида келтирилган. Натижада Самарқанд вилоятининг туристик-рекреацион салоҳияти ва шу билан изоҳланадиган вилоят туманларида ижтимоий-иктисодий ривожланиш имкониятлари аниқланди.

Туристик-рекреацион хизматлар соҳасини паспортлаштириши

Диссертациянинг 3.4. параграфда юайд қилинганидек, Самарқанд вилоятидаги туристик-рекреацион хизматлар соҳасининг корхоналари тўғрисидаги багафил маълумотларни олиш ва паспортлаштиришни ўтказиш корхоналарни ишлаб чиқариш, хўжалик ва ижтимоий фаолиятини шакллантириш учун зарурӣ ресурс салоҳиятини бошқаришнинг ахборот аналитик тизими учун пойдеворни яратишга имкон берди.

Самарқанд вилоятининг туристик-рекреацион хизматлари соҳасидаги корхоналарни паспортлаштиришнинг асосий бўлимлари 3.4. параграфда ажратиб кўрсатилган, кўшимча килиб туризм худудлари бўйича қўйидагиларни юритиш мумкин:

- мазкур худуднинг номи;
- худуднинг жойлашув ўрни, майдони ва чегараларининг търифи;
- худуднинг режаси;
- алоҳида қўриклиданадиган табиий худуд участкаларининг рўйхати ва бошка маълумотлар;
- ГАТ ахборотлар базасига киритиладиган барча туристик ресурслар ва объектларнинг паспортини яратиш.

Маълумотлар базаси ва банкини шакллантириши.

Тарихий-маданий объектларнинг, туристик маршрусларнинг, туризм инфраструктузилмаси объектларини маълумотлар базасини ва банкини шакллантириш яратиладиган туризм ГАТ ининг зарурӣ элементи бўлиб чиқобланади.

Туризм ахборотларини айнан мана шундай саклаш асосида ва аналитик инструментлар ёрдамида туристик ГАТ ўзининг кимматлилигини қасб этади ҳамда интерактив бўлади. У туристик маршрутларни мустақил лойиҳалаштириш, шинамлик бўйича жойлаштириш воситаларини тақюслаш, кўшимча хизматлар тўпламини танлаш ва х.клар имконини беради. Ресурс маълумотлари банкини ва базасини яратиш республика ва минтақалар реестрлари, расмий манбатар асосида шакллантирилади, лекин, лойиҳалаштириладиган ГАТ ларда туризм индустряси ташқилотларининг ва минтақаларининг мустақил ташқил қўлган сайтлари ҳамда ҳаволалари бўлиши керак.

Туризм ГАТ ида янада кенг имкониятлари геомакон маълумотларидан фойдаланиш учун туризм обьектларининг суръатини, видеороликтарни, аудио ёзувларни, ЗД – таъсирларини ва х.кларни жойлаштириш мақсадга мувоғик бўлади. ГАТ ёрдамида агар веб-камералар кўйилган бўлса ва сервер билан алоқалар таъминланса, воқеали туризм тадбирларини Онлайн орқали трансляция килиш мумкин бўдади.

Интегралашган ГАТ, ИГАТ (интегратед ГАТ, ИГАТ) ГАТ нинг функционал имкониятини ва ягона интегрирлашган мухитда таъсирларнинг раками тизимда ишлшини тўлдиради. Шуни кайд ютиш керакки, ГАТ карталарини визуаллаштириш (кўз билан чамалаш) ҳисобот хужожатлари, уч ўлчамли таъсирлар, графикилар, жадваллар, диаграммалар, суратлар ва бошка, мультимедиа воситалари билан осон кўшимча килиш мумкин. Бу элементларнинг барчасидан ГАТ ёрдамида турмаж сultonни силжитишда кенг фойдаланиш зарур, чунки улар ГАТ нинг интерфаоллигини ва жозибадорлигини таъминлайди.

Худуднинг туризмга ихтиослашувини аниклаш.

Худуднинг туризмга ихтиослашувини аниклаш, мавзули карталар ва иловаларни яратиш бу туристик ресурслар таҳлили ва ГАТнинг техник амалга ошиш натижасидир. Алоҳида турархдаги ресурслар холати минтақаларнинг

туризмга ихтисослашуви ни белгилайди (масалан, шинам иклам шароитлари ва бой табиний ресурслари, даволаниш ҳамда рекреацион туризмни ривожтанишига, ҳудудда маданий ресурсларнинг кўплиги танишу в туризмини ривожлантиришга имкон беради.). Минтакалар йўналишлари бўйича кам ихтисослаштирилган ёки кўп профилли бўлиши мумкин. Одатда туристик фаолиятга ихтисослашу в мавзули картография материалларида акс утириллади.

Шуни кайд килиш керакки, Ўзбекистон ҳукуматининг кўмаги билан замонавий картография асосида туристик ГАТ туристик ресурслар кадастри тизимини яратиш учун платформа бўлиб хизмат килади.

Туристик-рекреацион ресурслар холатини тизимли тарзда ҳисобга олишни ва минтакада туризмни ривожлантиришнинг аҳамиятини аниклашни факатгина туристик-рекреацион кадастр тизимини юритиш орқали эришиш мумкин. И.С.Тухлиевнинг туризм терминлари лўтатида туристик ресурслар кадастри – бу умумлашган иктисадий ёки экологик туристик ресурсларни иштеймол кийматини балли баҳолашдир дейилган. Кадастри ташкил килишдан асосий максад, турли минтакаларда туризмни ривожлантиришнинг барча омиллари ва шарт-шароитларидан янада самарали фойдаланиш йўлларини аниклашдан иборат¹. Бунинг учун кадастр барча туризм ресурслари мажмуули тавсифидан иборат бўлиши керак, унга батафсил ҳисобга олинганиликни ва туристик-рекреацион ресурслар таснифини, ўзлаштиришнинг иктисадий самарадорлигини сифат ва миқдор жиҳатини баҳолашни, ундан фойдаланишини ва асосий истиқболларини таҳлил килишни, ҳамда туристик-рекреацион ресурслар муҳофазаси бўйича ўtkaziladigан муҳим тадбирларни ишритиш керак. Бу туристик-рекреацион ресурсларни тўлик тавсифини кўзда қутади, яъни уларнинг аттрактивлигини миқдор жиҳатдан баҳолаш, кўриш шакти, майдони, сифати, ўзлаштириш ёки ишга тушириш шарт-шароитлари,

¹Словарь современных терминов в сфере туризма: Справочно-методическое пособие / Авт. Сост. Е.В. Гольшева, Н.В. Ивонина, И.С. Тухлиев, А.П. Темирходжаев. – Самаркан: „Зарофшон“, 2018. – 407 с.

туристик ресурс тугамасдан ва экологик мувазанат бузилмасдан вақт бирлигидан ундан фойдаланадиган туристлар (рекреантлар) сони.

Худудни хўжалик жиҳатдан ўзлаштиришда туризм ва рекреация ролининг ошишида баҳолаш масалалари биринчи даражали аҳамият каоб этади. Туристик-рекреацион ресурсларни баҳолаш жараёнининг ўзи қўйидаги боскичлардан иборат бўлади: баҳолаш обьектини ажратиб кўрсатиш; баҳолашни олиб борадиган субъектни ажратиб кўрсатиш; баҳолаш мезониларини қайд килиш; баҳоловчи шкала кўрсаткичларини ишлаб чикиш.

Минтақавий туристик ГАТ (геопортал кўринишида бўлиши зарур) ҳамма учун очик ва интерактив бўлиши керак, яъни амал қиласидаган ҳаволалар ахборотларни оператив равишда алмаштириш ва аналитик функцияларни бажариши керак. Минтақавий ГАТнинг интерактив ҳаритасида туризмга ихтиослашган, туризмни ривожлантириш учун устувор туристик районлар акс эттирилиши мумкин.

Минтақада туризмни бошқарув соҳасидаги қарорларни қўллаб-куватлаш.

Минтақада туризмни бошқариш соҳасидаги қарорларни қўллаб қувватлаш – ундан фойдаланиш самарадорлигини белгиловчи, туризмда ГАТ ларни қўллашнинг муҳим соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Оддий фойдаланувчилар учун минтақавий ГАТларни катор обьектларининг бальзи функциялари ва маълумотлари ёлик бўлиши мумкин, бироқ туризмни бошқариш соҳасидаги давлат хукуматининг расмий органлари ва илмий таълим муассасаларининг талаби бўлганида зарурӣ ахборотларга кирни имконига эга бўлиши керак. Юкоридагиларни ҳисобга олиб, шу нарсани қайд килиш мумкинки ГАТ ишининг ташаббусюри ва мувофикаштирувчиси Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитасиси бўлиши лозим. Ягона туристик ГАТнинг ҳакикий фойдаланувчиларини шартли равиша кўйидаги гурухларга бўлишимиз мумкин:

- минтақаларда туризмни ривожтандыру үчи республика субъектлари мәмурлары (вазирилдіктер, құмиталар, департаментлер, бүлімдер ж.б.);
- турмашсулотни ишлаб чикиш билан шүғуллану үчи туризм бозори субъектлари (туроператорлар, экскурсия фирмалари, турфирмалар ж.б.);
- инвесторлар (барча мулк шактида);
- илмий – тәғдим мұассасалари;
- туризм хизмети истем мөлчилари-туристлар ва саёхатчилар.

Портал туристлар оқынини шаклдантиради.

Мамлекеттік амалиёттің туризмнің шаклдантириш бүйінша тәжіриба унчалық катта бүлмаса ҳам, бирок хорижда мұваффакияттың лойихалар мавжуд. Жұмладан туризмнің сайты, ГАТтар, Россиядегі бәзі минтақаларнинг геопорталлари, үзігінде мухофаза қилинадиган ҳудудларнинг ГАТтары, туризм корхоналарнинг, алохидан туризмнің ГАТлари мұваффакияттың күрсатмоқта. Москва, Санкт-Петербург, Саратов, Нижегородский сингари шахарларнинг катор университеттер факультеттерінде үз минтақаларында туризмнің жараёнлар бошқарувини тақомиллаштырып максады «Рекреация және туризм» ГАТарини яратып бүйінша бир неча иллар давомында ишлар олиб борилмоқда.

Бошқарувининг ҳудудий ташкилоттарында фойдалаңышта мүлжалланған туризмнің ГАТтары ташкил қилиш учун интеграциялашып дастурий тиғизмдерни ишлаб чикиш давом этмоқда. Минтақавий ГАТ нің жорий қилиш самарадорлығы құйындағына иғодаланади:

- туризм бозори субъектлари учун минтақа туризмнің ресурсларини жаһорот очыттығын тағминалыш (давлат органдары, туроператорлар, турагентлар, туристлар, мулкдорлар ж.б. учун);
- минтақаниң яхши туризмнің миджини шаклдантириш;

— туризм бозори иштироқчилари фаоллигини ошириш(митакада туристик фаолиятнинг мультиплексатив самарадорлигини яратишга имкон берувчи туристлар оқимини кўпайтиришга эришиш).

6.3. Минтакавий ГАТлардан фойдаланган ҳолда туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

ГАТнинг ахборотлар базасини излаб топиш ва макон бўйича сўровларни амалга ошириш юбилияти юўпгина чет эл компанияларига миллионлаб доялар ишлаб топишга имкон бермоқда. Ундан ташқари, ГАТ минжозларнинг сўровларига жавоб олиш учун вактни кискартиришта, талаб килинадиган тадбирлар учун мос келадиган худудларни аниқлашга,туризмдаги ГАТ технологиялари билан интернет лойихаларини амалга оширишга имкон беради.

Минтакавий ГАТлардан фойдаланган ҳолда туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Туристик салоҳиятдан фойдала нишининг самарадорлигини ошириш йўналишлари	Муаммони ечиш билан шуғулланадиган ташкилот номи.	Амиятлилик даражаси.
1. Туристик ресурслар ва объектлар бўйича ахборотлар йиғиш усулини такомиллаштириш.	Илмий тадқиқот ўтказувчи ташкилотлар.	Давлат аҳамиятига молик
2. Худудни туристик салоҳиятидан фойдаланишин янада ҳаконий баҳолаш (ВТО талабларини ҳисобга олгин ҳолда) учун зарур бўлган мажбурий кенг камровли ҳисоботларни юритиш.	Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат Кўмитаси, турли вазирликлар ва идоралар.	Давлат аҳамиятига молик

<p>3. Минтакада туризмни бошқариш бўйича давлат ташкилотлари, туризм индустрияси объектлари ва туристик ресурсларнинг мажбурий реестрини юритиш.</p>	<p>Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси субъектларини тартибга солувчи ташкило тлар .</p>	<p>Давлат ва минтака ахамиятига молик</p>
<p>4. Минтака туризм индустриясининг туристик ресурслари ва объектлари ахборотлари банкини шаҳалантириш.</p>	<p>Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг минтакавий бўлималари ва бюоролари.</p>	<p>минтака ахамиятига молик</p>
<p>5. Туризмни ривожлантиришнинг минтакавий геоахборот тизимини ишлаб чиқиш.</p>	<p>ишлаб чиқувчи ва илмий-тадқиқот ўтказувчи ташкилотлар.</p>	<p>минтака ахамиятига молик</p>
<p>6. Ўз.Р. минтакаларининг иктисодий-географик шарт-шароитларини ва унинг худудларини ихтиослигига боғлик равишда уни тузатиш коэффициентларини хисобга олуви, туристик ресурсларни ягона баҳолаш усулини такомиллаштириш.</p>	<p>Илмий-тадқиқот ўтказувчи ташкилотлар ва Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси .</p>	<p>Давлат ахамиятига молик</p>
<p>7. Минтақа туристик ресурсларини мажмууали баҳолаш</p>	<p>Илмий-тадқиқот ўтказувчи ташкилотлар ва Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси .</p>	<p>Давлат ва минтака ахамиятига молик</p>
<p>8. Туризмни ривожлантириш дастурини асослашда ва ҳудудни туристик ривожлантириш бўйича карорлар кабул юлиш учун геопортал ахборотларидан фойдаланиш.</p>	<p>Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг туризмни ривожлантириш бўйича органлари.</p>	<p>минтака ахамиятига молик</p>

9. Минтақани ва минтақавий тур маҳсулотни туризм бозорига силжитиши, худуднинг туристик имиджини шакллантириш.	Маҳаллий туроператорлар ва бошқа минтақанинг туроператорлари Ўзбекистонда туризмни ривожтандириш давлат кўмитаси туризмни ривожтандириш бўйича ташкilotлари, геопортал ни ишлаб чикувчилар.	халкаро минтақаларро маҳаллий ахамиятга молик
10. Туристик оқимни кўпайиши.	Туроператорлар, Ўзбекистонда туризмни ривожтандириш давлат кўмитаси туризмни ривожтандириш бўйича ташкilotлари, геопортални ишлаб чикувчилар.	минтақа ахамиятига молик

Масалан, Пинава шаҳрида ва уни ўраб турган худудда (Канада) туризмга йўналтирилган геоахборот тизимини жорий килиш уч йил ичida харажатлар \$825,000 ни ташкил қилган бўлса, бу эса хар йили \$5000000 даромад олиб келишни тамиnlади.[8].

Хар бир туристик кластерда ҳамкорлик қилаётган туристик фирмалар, худудлар ва бинонинг режасини жорий килишни, хизмат кўrsatiш сифати тўғрисидаги маълумотларни, хоналар ва дам олиш жойлар расмини ва х.к.ахборотларни ГАТ харитасига жойлаштириш мумкин. ГАТ технологияси асосида бажарилган сайт аниқ вакт билан боғлиқ бўлади, унда ресторани топиш ва бир вактнинг ўзида унинг бугунги таомнома рўйхатини олиш, маҳаллий ошхонанинг ҳақиқий таомлар номи ва улар технологиясини, интерьерлар расмини, унинг олд кисмини ва расмий сайтига ҳавола(ссылка) бериш ва х.к.ни жойлаштириш мумкин. Бу каби ГАТ интернетта киришни таъминлаб, турфирма бундай турдаги хизматларни бошка сотувчиларга

шисбатан бир қанча катта афзаликларга эга бўлади, чунки ГАТ – интерактив технология хисобланиб, истеъмолчи сўровларига тезда жавоб беради.

Шуни қайд қилиш керакки, минтақавий туристик ГАТ ни жорий қилиш биринчи наебатда ижтимоий лойиха бўлиб хисобланади, бирок ГАТ истиқболда минтақадаги туристлар оқимини 2-3 марта гўпайтириш имюнитини беради. Минтақавий туристик геоахборот тизимини Самарқанд вилоятида жорий қилишдан олинадиган иктисадий самараадорлик лойиханинг биринчи йилнида 10% ни ташкил қиласа, узоқ муддатли истиқболда эса бу кўрсаткич янада юкори бўлиши мумкин.

Туристик-рекреацион ресурслардан самарали фойдаланишини ошириш максадида Самарқанд вилоятининг минтақавий туристик геоахборот портални туристик-рекреацион ресурслар тўғрисида ҳакқоний, тўлик ва ишончли ахборотларни кўнг тарқатиш манбаси бўлиб хисобланади. Геоахборот портал Самарқанд вилоятида туризмни бошкаришнинг кўпгина вазифаларини самарали ечишга имкон беради, туризмнинг рақабатбардошлигини оширади ва бошқа минтақалардан ҳамда чет эл туристлари оқимини кўпайтиришга имкон беради.

Таянч сўз ва иборалар:ИГАТ, мажбурий тизимости, туризмда баҳолаш, туристик раёнлаштириш, маълумотлар базаси ва банки, ихтиослашув.

Мавзуга доир савол ва топшириклиар:

1. ГАТ қандай мажбурий тизимостиларни ўз ичига олади?
2. ГАТ асосида қандай асосий вазифалар бажарилади?
3. Интегратсиялашган ГАТ (ИГАТ) қандай хусусиятларни ўз ичига олади ва унинг ўзига хослиги нимадфан иборат?
4. ГАТни яратишдаги асосий муяммолар нималардан иборат?
5. ГАТнинг туристик раёнлаштиришдаги асосий функционал вазифалари хўслила тўхталиб ўтсангиз?

6. Туристик рекреатсиян хизматтар соҳасини паспортлаштириш тушуనчасини ёритиб беринг.

6-мавзу бўйича амалий топширик:

Ўзбекистоннинг туристик харитасини ўрганиб чиқинг. Электрон ГА Тлардан асосий фарқлари тўғрисида таҳлил ўтказинг.

7-МАВЗУ: АХБОРТЛАРНИ ЙИГИШ, ТУРИСТИК РЕСУРСЛАР ВА ОБЪЕКТЛАРНИ БАҲОЛАШ

Режа:

7.1.Туристик-рекреацион салоҳиятини объектив баҳолашга имкон берувчи асосий тамойилар

7.2.Туристик ресурслари кадастрини ишлаб чикиш

7.3.Туризмни ривожлантириш учун замин яратиш ва шарт-шароитларнинг барча тӯпламини интеграл баҳолаш

7.1.Туристик-рекреацион салоҳиятини объектив баҳолашга имкон берувчи асосий тамойилар

Худудий объектнинг туристик-рекреацион салоҳиятини объектив баҳолашга имкон берувчи асосий тамойилар сифатида, мазкур тадқиқот ишида ташлаб олинган кўйидагилар ҳисобланади:

- рекреацион-ресурс салоҳиятини мажмуали баҳолаш, яъни худуднинг мумкин бўлган барча мавжуд рекреацион ва туристик ресурслар жозибадорлигини ўрганиш ва баҳолаш;
- мазкур жойда туризмни ривожлантириш учун имкон берувчи ёки тўсик бўлувчи ва худудга туристлар оқимиини микдор тавсифига таъсир кўрсатувчи гашқи мухит омилларини ҳисобга олиш;

- туристлар учун янада кизиқарли бўлган туристик-рекреацион объектларни аниклашда мазкур ахборотни навбатдаги туристик фаолиятни ишқил этишда у ёки бу туризм турига йўналтириш, туристик маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш;

- мазкур худудда мавжуд туристик-рекреацион ресурслардан келиб чиқиб, туризмни ривожлантиришга имкон берувчи туризмнинг устувор турларини олчаб кўрсатиш;

- туристик-рекреацион ресурсларни юкори микдорини баҳолаш, яъни интурсийнинг аник туридан фойдаланиш чегарасини аниклаш;

• худудий объектнинг ресурслар имкониятларидан фойдаланиш даражасига таъсир этувчи туристларни қабул қилиш салоҳиятини албатта эътиборга олиш зарур бўлади. Худуднинг қабул қилиш салоҳияти – бу маҳаллий ресурсларга жиддий зарар кўрсатмасдан ҳамда саёҳатдан салбий таъсуротларсиз ва маҳаллий ахолига ижтимоий-иктисодий муаммолар келтирмайдиган ҳолатда объектнинг юкори даражада бардош бера оладиган максимал юкламасига айтилади.

Туристларни қабул қилиш салоҳиятини учта асосий гурухга бўлишимиз мумкин:

1. Экологик қабул қилиш салоҳияти – бу обьект ёки жойнинг туристларни шундай қабул қилиш даражасики, туристларнинг ташриф буюриш даражаси ошиб кетса ёки мақбул бўлмайдиган экологик оқибатларга(ёки хаёт фаолиятининг табиий жараёнлари натижасида) ёки туризмга хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг амал қилиши натижасида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

2. Худуд туристик ижтимоий қабул қилиш салоҳияти – туристлар ташриф буюриш даражаси ортиб кетса, бундай обьект ёки жойдан туристларнинг салбий хулосалар билан қайтиши кузатилади.

3. Маҳаллий ижтимоий қабул қилиш салоҳияти –туристларни ташриф буюриш даражаси ортиб кетса маҳаллий маданият учун ва туристлар билан маҳаллий ахолининг ўзаро муносабатларини ёмонлашуви натижасида салбий оқибатларга олиб келади.

Шундай қилиб, қабул қилиш салоҳияти туристик обьект ёки жойнинг сакланиши, унинг табиий хусусиятларини саклаб колиш ва қайта тиклаш нуткаи назаридан, худуднинг ресурс салоҳиятидан фойдаланишининг йўл кўйиладиган даражасини чеклайди.

Худуднинг ресурс салоҳияти – бу жамиятдаги хаёт фаолиятининг барча мажмуасини камраб олувчи,кўп қиррали тушунча бўлиб хисобланади. Уни аниқлашда иқтисодий, экологик ва ижтимоий жиҳатларини ўрганиш зарур бўлади. Улардан бир кисми худуднинг туристик ресурсларига бевосита

тегишли, бошка омиллар эса минтақада туризмни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар бўлиб хисобланади.

Туризм учун туристик – рекреацион ресурслар биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, айнан улар туристик бизнесни мувафакиятли ривожлантириш жараёнининг пойдевори бўлиб хисобланади. Туристик – рекреацион ресурслар туристик маҳсулотни яратиш учун тайёр бўлган, табиий ёки инсон томонидан яратилган сунъий обьектлар йиғиндиси сифатида аникланади.

Туристик ресурслар минтақада туризмни ривожлантиришнинг ўзига хос ҳусусиятини аниклайди, минтақада инвестицион сиёсатнинг устувор йўналишларини режалаштиришда, туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун гаянч базиси бўлиб хисобланади. Туристик худуднинг ресурс ва кабул килиш салоҳиятини баҳолаш учун талаб қилинадиган компонентларнинг катта тўплами хамда мураккаблигига ва уларнинг худудий фарқланишига эътибор бериш керак.

7.2.Туристик ресурслари кадастрини ишлаб чиқиши

Кўрсатилган салоҳиятнинг баззи услубий ёндашувларини кўриб чиқамиз. Улардан биринчиси бўлиб, худуднинг туристик ресурслари кадастрини ишлаб чиқиши хисобланади. Мазкур кадастрии яратишдан асосий мақсад – турли минтақаларда туризмни ривожлантиришнинг самарали йўлларини аниклаб, ундан фойдаланишдан иборат. Бунинг учун кадастрда туристик ресурсларнинг мажмуали тавсифномаси бўлиши керак, унда ҳар бир омил иккى – чикиригача хисобта олиниши, таснифи, ўзлаштириш иқтисодий самарадорлигини сифат ва миқдор жиҳатини баҳолаш, ундан фойдаланишни таҳлил қилиш ва унинг асосий истиқболлари, хамда туристик – рекреацион обьект муҳофазаси бўйича муҳим тадбирлар бўлиши шарт.

Кадастри тузишда уни ишлаб чиқиши умумий тоамойиларига яхлитлик, обьективлик, узлуксизлик ва кўргазмалиликга риоя қилиниши зарур бўлади. Кадастр яхлитлиги уни ишлаб чиқишида қўлтаниладиган услуг билин

таъминланади. Унинг объективигини таъминлаш учун барча кадастр маълумотларини тўлиқ ишончлилиги ва асосланганлиги талаб этилади.

Узлуксизликка уларни доимий янгилаб туриш, аниқлик киритиш ва қўшимчалар киритиш ҳисобидан эришилади, қўргазмалик-янада аҳамиятли бўлган кўрсаткичлар, уларни тизимлаштириш, материалларни график ва картографик расмийлаштириш ҳисобидан эришилади.

Замонавий шароитда туристик-рекреацион ресурслар кадастрини тузиш айниқса долзарб ҳисобланади. Бирок, бу масалани ечиш туристик ресурсларни ва айниқса рекреацион ресурсларни баҳолаш масалаларини етарли даражада ўрганилмаганлиги натижасида мураккаб холат вужудга келади, бу эса қўпгина қийин шакллантириладиган омилларни баҳолашни амалга ошириш зарурияти билан бўглик.

Худудни ресурс салоҳиятини баҳолашнинг самарали усули бўлиб, жаҳон амалиётида туристик ресурслар мониторинг үтказилади, бундай турдаги мониторинг үтказиш учун юмъютерли геоахборот тизимларидан фойдаланилади. Мазкур геоахборот тизимга мувоғик худуднинг ракамли ҳаритасига турли маълумотлар катлами жойлаштирилади, жумладан: табиий, географик маълумотлар; тарих ва архитектура ёдгорликлари; минтака инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар; иктисодий, экологик ва ижтимоий маълумотлар; минтакадаги туристик ресурслар ва уларнинг иктисодий самарадорлиги тўғрисидаги маълумотлар; туристик ресурслардан фойдаланиш ва уларга таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисидаги маълумотлар.

Олинган маълумотлар туристик ресурсларни ўзаро алокаларини миқдор жиҳатдан баҳолашга, у ёки бу омилларни уларга таъсирини, у ёки бу карорларни қабул килишга ва моделлаштиришга, синовдан үтказишга, мавжуд ресурслардан оптимал фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга, туризм индустрясини ривожлантиришга, минтақавий ва давлат даражасида қабул килинадиган карорлар ижросини кузатишга имкон беради. Бирок бир неча маълумотлар катламини кенг камровли ва тезлик билан таҳлил килиш дастурий ва тизимили воситалардан кенг кўллашдагина мумкин бўлади.

Туристик ресурслар тўғрисидаги маълумотларни мониторингини ўтқазиш, ахборотларни йигиши матьсул шахсни, шунга ўхшаш маълумотларни олишдан манфаатдор бўлган ва сервер ташкилоти фойдаланувчиларни бирлаштирувчи ягона локал тармоғини ташкил қилиш зарур бўлади.

Бу каби локал тармоқ “Самарқанд вилояти туристик-рекреацион ресурсларнинг геоахборотли тизими” маълумотлар базаси асосида таклиф килинаётган «Узбектуризм» МК Самарқанд вилоят бошқарувининг Ягона аналитик марказида ташкил этилиши мумкин.

Мазкур муаммо бўйича илмий адабиётлар кўриб чиқилганда минтақа туристик-рекреацион салоҳиятини баҳолашнинг яна бир усули бу худуд маркетинг концепциясини ташкил этилиши хисобланади. Мазкур услубий ёндашувнинг ўзига хос хусусияти туристик ресурслар, ички ва ташқи бозорга туристик хизматлар мажмуасини силжитишнинг мумкин бўлган инструментлари билан биргаликда кўриб чиқилади. Бошқача сўз билан айтганда, худуд маркетинги ҳозирги вактда ишлаб чиқиладиган туристик хизматларни силжитишнинг юзага келган ҳамда ишлаб чиқиладиган шакллари ва усулларини таҳлил қилиш, баҳолашни кўзда тутади, туристик кўргазмалар, фестиваллар, семинарлар, симпозиумлар; худуднинг туристик ресурсларига бағишиланган ихтисослаштирилган оммавий ахборот воситалари ёки махсус радио ва телевидение дастурларининг мавжудлиги; туризм бозорининг турли субъектлари ўртасида (мехмонхоналар, туристик фирмалар, транспорт ташкилотлари, ахборот агентликлари, бронлаш тармоқлари ва х.к.) туристик альянсларнинг мавжудлиги ва бошка тадбирларни кўзда тутади. Шу тарзда худуд маркетинги доирасида нафакат туристик ресурслар балки, уларни мувафакиятли силжитиш ва реализация қилишнинг потенциал имкониятлари хам баҳоланади.

Туристик-рекреацион фаолиятни самаралн ривожлантириш нуктаи-назаридан худудни баҳолашнинг янада кенг муаммоларини тушуниш, минтақа туристик мажмуасини ривожлантиришнинг махсус дастурларини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чикаради. Бутун минтақада, туристик-

рекреацион салоҳиятни тадқиқ килиш даражасига боғлиқ равишда, янада мълумот кўп бўлган услубий ёндашувларга ургу бериб, юкорида қайд килинган ёндашувлардан барчасидан фойдаланиш максадга мувофиқдир

Тадқиқ килинадиган Самарқанд вилоятида мазкур жараённи олиб бориш катор қийинчиликлар билан бажарилди, жумладан: зарурӣ міқдордаги мълумотларнинг мавжуд эмаслиги ва уларни етарли даражада тизимлаштирилмаганлиги, бу эса ўз навбатида рекреацион тизими етарли даражада ривожтанмаганлиги билан боғлиқ эканлиги аникланди. Бу вилоятдаги катор рекреацион обьектларнинг тавсифини баҳолаш учун имкониятларни чеклайди. Худуд туристик-рекреацион салоҳиятини синтетик баҳолаш мақсадида битта рекреацион обьектга бояланган гетероген кўрсаткичларни ўрганиш кўп ўлчовли гетероген таснифни ўрганиш заруриятини келтириб чиқарди.

7.3. Туризмни ривожлантириш учун замин яратиш ва шартшароитларнинг барча тўпламини интеграл баҳолаш

Туристик-рекреацион ресурсларни баҳолаш бир неча жараёнларда ёки кўрсаткичларнинг бир неча блокларида олиб борилди. Шунга қарамасдан, салоҳиятнинг барча таркибий қисмларини міқдор жиҳатдан баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун якуний жаъмланма баҳолашда сифат баҳолашни міқдор баҳолашга ўтказиб оламиз. Сифат шкаласининг чегаралари одатда куйидагича бўлади: «-ўта паст,-паст,-ўртача,-юкори,-ўта юкори». Сўнг сифат шкаласини беш балли тизимга келтириб оламиз. Кейин балларни оддий кўшиб жаъмланма баллни чиқариб олиш амалга оширилади.

Ҳар кандай обьект ёки худуднинг туристик-рекреацион салоҳиятини интеграл баҳолаш нисбий бўлиб хисобланади, чунки, у сифат кўрсаткичларни ўзида жамтайди ва бошқа обьектнинг салоҳияти билан таққослаш натижасида фикрлаб талқин килиниши мумкин бўлади.

Туризми ривожлантириш учун замин яратиш ва шарт-шароитларнинг барча тўпламини интеграл баҳолаш табиий ва ижтимоий-иктисодий таркибий кисмларни баҳолаш йигиндисидан ташкил топади.

Мазкур тадқиқот ишида туризм соҳаси ташкилотчилари нуқтаи-назаридан, технологик жиҳатлари колиб, туристик-рекреацион хизматларнинг бевосита истеъмолчиси нуқтаи-назаридан худудни баҳолаш амалга оширилган.

Хозирги вақтда катор сабаблар туфайли алохида олинган худуднинг туристик-рекреацион соҳа ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг назарий рўйхатини куйидаги блокларга бирлаштириш мумкин:

- транспорт кўлайликнинг ҳолати;
- туристик-рекреацион инфратизмнинг ҳолати;
- экологик жиҳатдан қулай бўлган худуд;
- худудда туристик-рекреацион фаолият объектининг мавжудлиги;
- худуднинг ижтимоий-иктисодий ҳолати.

Шу тарзда, аник худуддаги туристик-рекреацион шарт-шароитларини баҳолашнинг интеграл кўрсаткичи (О)ни куйидаги формула билан хисобланди: $O = T + I + E + X + II$, (8)

бу ерда:

T – транспорт кўлайликнинг ҳолати

I – туристик-рекреацион инфратизмнинг ҳолати

E – экологик жиҳатдан қулай бўлган худуд

X - худудлардаги туристик- рекреацион фаолият объектларнинг мавжудлиги бўйича уларни салоҳиятнiga қараб баҳолаш

II – худуднинг ижтимоий-иктисодий ҳолати.

Кўрсаткичлар параметрларини саралаб олишда муҳим ўринни иктисодий вазифаларни очишда кабул қилинадиган, уларнинг хар бирининг нисбий аҳамиятини аниқташ лозим бўлади. Бироқ, шуни кайд қилиш керакки, саралаб олинган омилларнинг турли хил таъсири натижасида улар етарли бўлмаслиги мумкин, шунинг учун баҳолашда турли кўрсаткичлардан ёки аҳамиятлилик

даражаси бўйича коэффициентлардан фойдаланиш заруряти туғилади. Шу максадларда хар бир блокдаги кўрсаткичлар учун мос равишда ахамиятлилик коэффициентидан фойдаланамиз. Ахамиятлилик коэффициенти таққослаб баҳоланадиган худуднинг танлаб олинган у ёки бу кўрсаткичининг муҳиммилик даражасидан келиб чиқиб, эксперт сўров усули билан аниқланди. Эксперт сифатида «Узбектуризм» МК нинг туризм бўйича Самарқанд вилояти бошқарув ходимлари ва вилоят ҳоқимиятининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича бўлинма мутахассислари катнашдилар. Эксперт баҳолаш натижалари кўйидаги жадвалда келтирилган.

7.3.1-жадвал

Таққослашни амалга оширадиган кўрсаткичларни ахамиятлилик коэффициентини экспертлар томонидан баҳолаш

Экспертлар номери	Кўрсаткичлар						Сумма $K=1$
	Транспорт кулайликнинг холати	Туристик-рекреацион инфраструктурунинг холати	Экологик жижхатданкулай бўлганинг ху- дул	Худудлардаги рекреа- цион-турнистик фараоли ят объектларнинг мавжуд лиги	Худуднинг ижтимоий- иктисолий холати		
	K_t	K_u	K_e	K_x	K_{ii}		
1	0,15	0,15	0,05	0,55	0,1	1	
2	0,05	0,35	0,05	0,5	0,05	1	
3	0,05	0,2	0,05	0,55	0,15	1	
4	0,2	0,3	0,05	0,4	0,05	1	
5	0,05	0,25	0,05	0,5	0,1	1	
Ўртача киймати	0,1	0,25	0,05	0,5	0,1	1	

Аҳамиятлилик коэффициенти формуласини хисобга олган ҳолда, аниқ ҳудуднинг туристик-рекреацион салоҳиятини баҳолаш(О)нинг интеграл кўрсаткичини аниқлаш қўйидагича амалга оширилди:

$$O = T_{K_r} + I_{K_u} + EK_e + XK_x + IIK_{uu} \quad (9)$$

Қайд килинган формуладан (9) ҳар бир кўрсаткич учун ҳисоб-китобларни амалга оширамиз. Транспорт кўлайлик ҳолатини (T) иккита қўрсаткич бўйича вилоят туманларига тавсиф бериш мумкин:

- вилоят марказидан узок-яқинлиги;
- ҳалқаро аҳамиятдаги умумфойдаланиладиган автомобил йўлларнинг узунлиги.

Вилоят марказидан узоклик қўрсаткичи туристик-рекреацион фаолият ривожланишини лимитловчи омили бўлиб хисобланади, шу туфайли вилоят марказидан анча узок бўлган Пахтачи, Кўшработ туманларга 1-баллдан, ва аксинча вилоят марказига якин бўлган туманларга Самарканд, Тайлок, Булунғур, Жомбой туманларга 5 баллдан берилди.

Ҳалқаро аҳамиятдаги умумфойдаланиладиган автомобил йўлларнинг узунлиги туристларнинг туристик-рекреацион объектларни бориб кўра олиш имконияти бўлган қўрсаткич билан белгиланади. Шу туфайли ҳалқаро аҳамиятдаги йўлларни баҳолашда сифати бўйича узунлиги юкори бўлган Самарканд, Оқдарё туманларга 5 баллдан берилди, узунлиги ўртacha бўлган Булунғур, Иштихон, Нарпай, Нуробод, Пахтачи, Ургут ва Тайлок туманларга 3 баллдан берилди ҳамда узунлиги кам бўлган Жомбойга 2 балл, Каттакўргон ва Пастдарғом туманларига 1 баллдан берилди.

Транспорт кўлайлик ҳолати қўрсаттичининг ҳисоб-китоблари (T) 1-жадвалда келтирилган.

Транспорт кўлайлик холати кўрсатгичининг хисоб-китоби

Самаркан д вилояти туманлари	Вилоят марказидан узекиги (км)*	Баҳолаш шқаласи		Халикого аҳамиятдағи умумифойдалана ни ладиган автомобил йўлларининг узун лигин (км)	Баҳолаш шқаласи		Транспорт кўлай ликхолати(4важ каторлар)	Ўргача баҳолаш балл.
		Сифати бўйича	Баллаш		Сифати бўйича	Баллаш		
1	2	3	4	6	7	8	9	10
Булунгур	28*	яқин	5	24	ўртacha	3	8	4
Жомбой	13	яқин	5	19	узунли ги кам	2	7	3,5
Иштихон	68	ўртacha	3	24	ўртacha	3	6	3
Каттақўрғо н	100	узок	1	9	узунли ги кам	1	2	1
Нарпай	110	узок	1	33	ўртacha	3	4	2
Нуробод	65	ўртacha	3	40	ўртacha	3	6	3
Оқдарё	36	ўртacha	4	48	ююри	5	9	4,5
Пайарик	45	ўртacha	3	йўқ	йўқ	0	3	1,5
Пастдарғом	24	ўртacha	4	3	узунли ги кам	1	5	2,5
Пахтаки	130	анча узок	1	30	ўртacha	3	4	2
Самарқанд	10	яқин	5	65	ююри	5	10	5
Тайлок	10	яқин	5	25	ўртacha	3	8	4
Ургут	35	ўртacha	4	42	ўртacha	3	7	3,5
Кўшробод	100	анча узок	1	йўқ	йўқ	0	1	1

*Самарқанд вилоят паспорти 2016 й. "Самарқандавтойўл" ХИФТ корхонаси маълумотларига асосан хисобланди.

Таянч сўз ва иборалар: салоҳият, баҳолаш, ижтимоий имконият, ресурс салоҳияти, кўрсатиочлар блоки, миждорий баҳолаш, тақкослаш.

Мавзуга доир савол ва топшириклар:

1. Туристик-рекреатсион худудларни асосли баҳолашда кандай омилларга таянилади?
2. Туристларни кабул милиш салохиятини кандай гурӯҳларга изфатиш мумкин?
3. Узлуксизлик тущунчаси кандай изохланниши мумкин?
4. Туристик худуднинг ресурс салохиятини аниқлашда кандай самаралин услублардан фойдаланилади?
5. Туристик-рекреатсион худуднинг салохиятини баҳолашдаги асосий кўрсаткичларни кандай блоклардабирлаштиришмумкин?

7-мавзу бўйича амалий топширик:

Ўзингиз истиқомат киладиган маҳалла ёки қишлоқни берилган тавсиялар асосида туристик салохиятини баҳоланг.

8-МАВЗУ: ТУРИСТИК САЛОХИЯТНИ РАЙОНЛАШТИРИШ

Режа:

- 8.1. Туристик салохиятни районлаштириш хусусиятлари
- 8.2. Вилоятдаги туманларни туристик-рекреацион фаолият объектларининг мавжудлиги бўйича баҳолаш ва районлаштириш

8.1. Туристик салохиятни районлаштириш хусусиятлари

Туристик-рекреацион инфратизмнинг холати уч хил кўрсаткич билан баҳоланади: жойлаштириш воситаларининг бир вактнинг ўзидаги сифими; ахоли жон бошига умумий овқатланиш корхоналарининг айланмаси; кўнгилочар объектлар сони.

Мехмонхона фондининг сифими бўйича Самарканд вилоят паспортининг 2016 йилдаги маълумоти асосида, вилоятда атиги битта Пахтачи туманида меҳмонхона мавжуд бўлиб, унга 5 балл берилди, вилоятнинг колган туманларида меҳмонхона йўклиги аниқланди. Умумий овқатланиш корхоналари фаолиятининг кўрсаткичи бўйича шундай холосага келиш мумкин, Каттақўргон, Ургут, Тайлок, Самарканд туманларига 5 - баллдан, ахоли жон бошига умумий овқатланиш корхоналарининг фаолияти бўйича шаст баллдан Кўшработ, Пайарик, Нуробод туманларига 1 – баллдан берилди. Вилоят туманлардаги кўнгилочар объектлар сони туристларнинг бўш вактларини бекор ўтказмасликни ифодалайди. Кўнгилочар корхоналар сони кўп бўлган туманларга Ургут, Булунғур, Самарканд – 5 баллдан, кам бўлган туманларга Иштиҳон, Нарпай, Кўшработ, Пайарик туманларига 1 баллдан берилди.

Худуднинг экологик қулайлигини баҳолаш учта таркибий қисм ёрдамида хисоблаб топилади:

- туман худудида йирик корхоналарнинг мавжудлиги;
- табиатни муҳофаза қилишдаги сарф-харажатлар;

- Ўрмон ва төғ ресурсларининг зичлиги;

Туман ҳудудида йирик саноат корхонасининг мавжудлик кўрсаткичи экологик мухитга салбий таъсир килишини ифодалайди ва рекреацион фаолиятнинг ривожланишига тусқинлик қилувчи омил бўлиб хисобланади, шунинг учун Пастдарғом, Самарқанд, Ургут туманлардаги фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарнинг сони юкори бўлгани учун бу туманлар 1 баллдан баҳоланди, аксинча саноат корхоналарнинг сони кам бўлган Булунғур, Каттакўрғон, Нуробод, Пайарик, Пахтачи, Кўшробод туманларга 5 баллдан берилади.

Самарқанд вилоятида табиатни муҳофаза килишдаги сарф-харажатлари энг юкори бўлган Пастдарғом (4735496 минг сўм) ва Нуробод(1736400 минг сўм) туманларига 5 баллдан берилди, чунки Пастдарғом туманида мукобил, экологик тоза электор энергияси олиш максадида Самарқанд МЭС корхонаси томонидан 100МВт куёш электор станцияси куриш ва Нуробод шаҳарида канализация ишлари амалга оширилмоқда. Табиатни муҳофаза килишдаги сарф-харажатлари кам бўлган Тайлок, Булунғур, Самарқанд ва Кўшробод туманларга 1 баллдан берилди.

Ўрмон ва төғ ресурслари зичлиги энг юкори район бу Ургут райони бўлиб хисобланади ~ 5 балл, зичлиги энг кам бўлган районлар бу Пайарик, Пастдарғом, Оқдарё, Иштиҳон туманлариидир – 1-балл Наибольшая плотность лесных и горных ресурсов у Ургутского района - 5 баллов, наименьшая (Пайарыкский, Пастдаргомский, Оқдарё, Иштиҳон) - 1 балл.

Худуднинг экологик қулайлик кўрсаткичини ҳисоблаш 8.1.1-жадвал маълумотларида келтирилган.

Самарқанд вилояти туманларининг экологик кулайлик кўрсаткичини хисоблаш

Самарқанд вилояти туманлари	Фаоийят кўрсатаётган саноат конкретикасони²	Бахолаш шкаласи		Табиатни муҳофаза ки лишидаги сарф-харажат лар	Бахолаш шкаласи		Үрмон ва тоз ресурслари нинг умумий майдони	Бахолаш шкаласи		Экологик қулай худуд (7 ва 10 каторлар)	Ўртача бахолаш ,Балл.
		Сифати бўйича	Баллаш		Сифати бўйича	Баллаш		Сифати бўйича	Баллаш		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Булунур	68*	кам	5	7000	кам	1					
Жомбой	115	ўртacha	3	46000	ўртacha	4					
Иштихон	154	ўртacha	3	17300	ўртacha	3					
Катта кўргон	76	кам	4	13300	ўртacha	3					
Нарпай	100	ўртacha	3	47237	ўртacha	4					
Нуробод	58	кам	5	17364 00	юкори	5					
Оқдарё	115	ўртacha	3	82900	ўртacha	4					
Пайарик	76	кам	4	18000	ўртacha	3					
Пастдарғом	226	юкори	2	47354 96	юкори	5					
Пахтаки	55	кам	5	23520	ўртacha	3					
Самарқанд	322	юкори	1	8000	кам	1					

²Самарқанд вилояттабиатни муҳофаза килиш кумитасининг 2016 й. маълумотлари асосида хисобланди.

Самарқанд вилоят паспорти 2016 й. маълумотлари асосида хисобланди.

д											
Тайлоқ	90	үртама	3	9000	кам	1					
Ургут	313	юкори	1	39933	ююр	4					
Күшробод	78	кам	4	6000	кам	1					

Вилоятдаги туманларни салохиятига қараб баҳолаш заминнда улардаги туристик-рекреацион фаолият объектларнинг мавжудлиги бүйича туристик-рекреацион фаолиятнинг структура күриниши ифодаланган (Х). Замонавий ёндашувларда салохиятига қараб баҳолаш турист томонидан амаяга ошириладиган саёхатнинг бош мақсадига боғлик равища кўриб чиқилади. Рекреация мақсадидан келиб чиқиб, туристик-рекреацион фаолиятнинг турлари ажратиб кўрсатилиши мумкин, уларнинг ҳар бирига ўз тавсифномаси ва баҳоловчи меъзонлари мавжуд (8.1.2-жадвал).

8.1.2-жадвал

Минтақалардаги туристик – рекреацион фаолият турлари.

Туристик - рекреацион фаолият тури	Тавсифи	Баҳолаш меъзони
Маданий – танишув туризми	Тарихий-маданий ва архитектурали диккатга сазовор жойлар билан танишиш мақсадида саёхат.	Ноёб тарихий-маданий ва архитектура объектлари хамда инсоннинг бу қадриятларга бўлган қизиқиши.
Даволаниш- согломлаштириш туризми	Дам олиш, согломлаштириш ва даволаниш мақсадидаги туризм.	Дам олиш ва ва даволаниш учун шарт-шароитлар (географик, иклиний ва юкори малакали хизмат кўрсатиш). Гидроминерал ресурсларнинг мавжудлиги.

Экологик туризм	Табиий ландшафтлар, хушманзара жойлар ва табиат ёдгорликлари билан танишиш мақсадида саёҳатни амалга ошириш.	Ноёб табиий объектлар ва экологик тоза табиат зоналарининг мавжудлиги.
Ишга доир туризм	Бизнесменларни иш мақсадлари билан илмий конференциялар ва семинарларга ташриф буориши.	Ишга доир ва илмий ҳамкорлик килиш объектларининг мавжудлиги.
Зиёрат туризми	Диний мақсадлари ва мотивациялари мавжуд саёҳатлар	Зиёратчилар учун куттуғ, муқаддас, улуғ, илоҳий, азиз (диний маросимларни амалга ошириш учун) жойларнинг мавжудлиги.
Воксални туризм	Жойлардаги йирик тадбирларга иштирок этиш мақсадида туристларнинг ташрифи.	Турли тадбирларни ташкил этиш(наврӯз, ковун ва нон сайли,турли фестиваллар)
Спорт туризми	Спорт мусобақаларига иштирок этиш ва дам олиш мақсадида саёҳатни амалга ошириш.	Спорт объектлари ва курилмаларининг мавжудлиги.
Кишлөк туризми	Кишлөк шароитлари билан танишиш ва кишлөк жойларда дам олиш мақсадида саёҳатни амалга ошириш.	Кишлөк уйларига шахар фуқароларининг дам олиш мақсадидаги ташрифи ва уердаги шарт-шароитларнинг мавжудлиги.

8.2. Вилоятдаги туманларни туристик-рекреацион фаолият объектларининг мавжудлиги бўйича баҳолаш ва районлаштириш

Вилоят туманларида туристик-рекреацион фаолият объектларининг мавжудлиги бўйича бажарилган туманлар таснифига таяниб, худуднинг туристик-рекреацион салоҳиятини ва вилоят туманларини ижтимоий-

негисодий ривожланиш имкониятларини белгиловчи кўрсаткичларни аниклаймиз. Вилоят туманларида туристик-рекреацион фаолият объектларининг мавжудлигини салоҳиятига караб баҳолаш 8.2.1 – жадвал маълумотларида келтирилган.

8.2.1 -жадвал

Вилоят туманларидаги туристик-рекреацион объектларининг мавжудлиги бўйича салоҳиятига караб баҳолаш(Х)

Самарқанд вилояти туманлари	Туристик – рекреацион фаолият турлари бўйича объектларининг мавжудлиги:						Салоҳиятига караб баҳолаш шкаласи	
	Маданий-танишув туризми	Даволаниш-согломлаштириш туризма	Экологик туризм	Ишга доир туризм	Зиёрат туризм и	Сифати бўйича	Баллар	
Булунгур	+			+	+	Ўртача	3	
Жомбой			+		+	Паст	2	
Иштихон	+			+	+	Ўртача	2	
Каттакўргон	+	+	+	+		Юқорий	4	
Нарпай			+		+	Паст	2	
Нуробод	+	+	+		+	Юқори	4	
Оқдарё		+			+	Паст	2	
Пайарик			+	+	+	Ўртача	3	

Пастдарғом	+			+		Паст	2
Пахтани	+				+	Паст	2
Самарқанд	+	+	+	+	+	Жуда ююри	5
Тайлок	+		+	+	+	Ююр и	4
Ургут	+	+	+	+	+	Жуда ююри	5
Кўшробод			+		+	Паст	2

Минтакани ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини битта кўрсаткичда бевосита ўлчаш мумкин эмас(ИИ). Методологик ёндашувлардан бирни асосида амалга ошириладиган иктиносидий ўлчаш бу интеграл (жамланма) ижтимоий – иктиносидий индикаторни тузишдан иборат.

Вилоят туманларини ижтимоий- иктиносидий ривожланиш даражаси бўйича меъзонлар сифатида турлар бўйича гурухлаш учун назарий томондан асосланган ва амалий жиҳатдан тасдиқланган қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир (38): Иктиносидий ривожланиш даражасини баҳолаш учун:

- ахоли жон бошига саноат маҳсулотларининг ҳажми (сўм)
- ахоли жон бошига кишлук хўжалик ялпи маҳсулотнинг ҳажми(сўм)
- асосий маблагдаги инвестициялар ҳажми(сўм)

Ижтимоий ривожланиш даражасини баҳолаш учун:

- энг кам иш ҳаки (сўм) ;
- иктиносидётда банд бўлган ахоли сони (киши);
- чакана савдо айланмаси (сўм)
- яшаш учун турар жойларнинг жорий қилиниши (m^3)

Интеграл кўрсаткични жорий килиш ёрдамида кайд қилинган тавсифлар биттага бирлаштирилади. Натижада вилоят туманларидаги туристик-рекреацион шарт- шаронтларни интеграл баҳолаш балларда хисоб китоб килинади.(8.2.2-жадвал)

8.2.2-жадвал

Ижтимоий – иктиносий ривожланиш даражаси бўйича Самарқанд вилояти туманларини ажратиш

Ижтимоий – иктиносий ривожланиш даражаси	Туманларни балли баҳолаш	Вилоят туманлари
Уровень выше среднего Ўртачадан ююри даражаси	5 баллов 5 балл	
Уровень средний Ўртача даражаси	3 3 балла 3 балл	
Уровень ниже среднего Ўртачадан паст даражаси	2 балл 1 балл	

Шундай килиб, биз томонимиздан ўтказилган мажмуали баҳолаш натижасида куйидагилар аниқланди: туристик – рекреацион фаолиятни ривожлантириш учун табиий ва ижтимоий - иктиносий шарт шаронтлар даражаси кулай бўлган учта туманлар гурухни аниқланди. (8.2.3-жадвал)

8.2.3-жадвал

Ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси бўйича Самарканд вилояти туманларининг фарқланиши

Ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси	Туманларни балли баҳолаш	Вилоят туманлари
Ўртачадан юкори даражаси	5 балл	Ургут, Самарканд, Пастдаргом, Тайлок, Булунғур, Пайарик
Ўртча даражаси	3 балл	Иштихон, Каттакўрғон, Жомбай
Ўртачадан паст даражаси	2 балл	Қўшрабод, Нуробод, Нарпай, Пахтачи, Оқдарё

Иктисолий-географик районлаштиришининг танилаб олинган интеграл мезонлар базаси асосида бажарилган тадқиқот иши туристик-рекреацион хизмат кўрсатишнинг юзага келган тизимини объектив баҳолашга имкон берди.

Туристик оқимларни қўлайтириш учун туристик-рекреацион салоҳият даражаси юкори бўлган туманлар ва худудий объектлардаги шартшароитлари куляй бўлган худудий объектлар категориясига Самарканд, Ургут, Каттакўрғон, Нуробод, Тайлок туманларининг кириши аниқланди.

8.2.4 -жадвал

Самарканд вилояти туманларидаги туристик-рекреацион салоҳиятни баҳолаш

Туманларнинг туристик-рекреацион салоҳияти даражаси			
Ўта юкори	Юкори	Ўртча	Ўртачадан паст даражаси
Самарканд Ургут	Каттакўрғон Нуробод Тайлок	Булунғур Иштихон Пайарик	Жомбай Нарпай Оқдарё Пастдаргом Пахтачи Қўшрабод

Ушбу категориядаги туманларда туристик-рекреацион инфрализимни ривожлантириш учун биринчи галда ҳар бир туманинг туризмни ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш лозим бўлади ва вилоят ташқилотлари, туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг ёрдамида хорижий инвесторларни жалб қилиш ҳамда маҳаллий тадбиркорларга туризм соҳасидан олинадиган даромадларига солик имтиёzlари берилишини амалга ошириш мақсадга мувофик.


Электрон харитадан кўриниб турибди, минтақа худудининг каттагина кисми туризмни истиқболда ривожлантириш зонасида жойлашган бўлиб, бўлажак асосий тадбирлар инфратузилмани ривожлантириш хисобидан туристик хизматлар ҳажмини изчил ошириш, меҳмонхоналар ва бошка жойлаштириш корхоналари курилиши, овқатлантириш хизматини кенгайтириш, туристларга хизмат кўрсатиш ва х.к. хисобидан туристлар оқимини кўпайтиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Turizm turlari:

- MADANIY-TANISHUV TURIZMI
- DAYOLANISH-SOG-LOSHINISH TURIZMI
- ISHCA DOIR TURIZM
- EKOLOGIK TURIZM
- DUYORAT TURIZMI

Turistik-rekreasion salohiyat daражаси:

- JUDA YUQORI
- YUQORI
- OXTASHA
- PAST



8.2.1-расм. Самарқанд вилояти туманларининг туризм турлари ва туристик-рекреацион салоҳият даражаси бўйича дифференциацияси.

Таянч сўз ва иборалар: инфратузилма, салоҳият, холаг, туристик имконият, экологик қулайлик, ижтимоий иқтисадий ривожтаниш.

Мавзуга доир савол ва топшириклар:

1. Туристик-рекреатсион салоҳият неча тур кўроаткич билан баҳоланади?
2. Туристик-рекреатсион худуд имкониятлари кандай мезонлар асосида баҳоланиши мумкин? Мисоллар билан тушунтиринг.
3. Минтақалардаги туристик-рекреатсион фаолият турларини тушунтириб беринг.
4. Ижтимоий-иқтисадий ривожтаниш кандай баҳоланади?
5. Самарқади вилояти туманларини комплекс баҳолашни тавғифланг.

8-мавзу бўйича амалий топширик:

Тегишли туман ёки шахарда махаллалар/кишлоқтар бўйича раёнлаштириш таҳлилини ўтказинг. Натижаларни берилган тавсиялар асосида гурӯхланг.

9-МАВЗУ: ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИОН ХИЗМАТЛАР СОХАСИНИ ПАСПОРТЛАШТИРИШ

Режа:

- 9.1.Туристик-рекреацион хизматлар соҳасида (ТРХС) ресурслар салоҳиятини паспортлаштириш хусусиялари**
- 9.2.Геомаълумотлар тизимидан (ГМТ) фойдаланиш истиқболлари**
- 9.3.Корхоналарнинг паспортлаштиришини амалга оширишда тўпландиган маълумотларидан фойдаланиш имкониятлари**

9.1.Туристик-рекреацион хизматлар соҳасида (ТРХС) ресурслар салоҳиятини паспортлаштириш хусусиялари

Самарканд вилоятидаги туристик-рекреацион хизматлар соҳасида моддий-техникавий ҳолатни баҳолаш ҳамда молиявий ва меҳнат салоҳиятини мажмуали таҳлили ундан фойдаланиш самараодорлигига тўсқинлик килувчи куйидаги асосий сабабларни аниқлашга имкон берди: норационал ҳудудий жойлашув, туристик-рекреацион хизматлар соҳасида (ТРХС) ресурслар салоҳияти ҳолати тўғрисида тўлик ва ишончли маълумотларнинг мавжуд эмаслиги, инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганинги, туристик-рекреацион хизматлар соҳасида ресурс салоҳияти ривожланишини прогноз(башорат) килишга имкон берувчи илмий маълумотларнинг мавжуд эмаслиги, ТРХС ресурслари ҳолати ва ривожланишнинг ўзгариб турувчи салоҳиятини баҳолаш шулар жумласига киради. Юқорида кайд килинган шартийлар мазкур соҳада ресурслар салоҳиятини бошқариш тизимини тақомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу нуткан назардан, илмий тадқиқот ишимизнинг устувор йўналиши бўлиб туристик-рекреацион жарабйининг барча босқичлари ва даражасини ҳамда муликчилик шаклидан, соҳа ташкилий тузулмасидаги ролидан юзий назар унинг барча субъектарини камраб олуви ТРХС ни ягона акборот – аналитик бошқарув

тизимини яратиш бўлиб хисобланади. Бунинг учун куйидаги масалаларни амалга ошириш зарур деб хисоблаймиз:

- туристик-рекреацион корхоналар фаолияти статистикиси ва мониторингининг автоматлаштирилган минтақавий туристик-рекреацион ахборот тизимини ишлаб чиқиш;

- ТРХС корхоналарини рўйхатдан ўтказиб кайд килиш йўли(паспортлаштириш) билан БТТ талабларига жавоб берувни статистик хисоботни боскичма-боскич юритиш учун ташкилий-иктисодий ва илмий-методик шарт-шароитларни яратиш (бу эса нафакатгина ТРХС иктисодий фаолият натижаларини баҳолашга балки, ўз вактида ҳаконий бошқарув карорларини кабул килишга ҳамда олинган маълумотларни ҳалқаро ҳамжамият маълумотлари билан тақюслашга имкон беради);

- туристик-рекреацион ресурслар кадастрларининг ахборот тизимларини ташкил этиш (табиий, тарихий-маданий, ижтимоий-маданий ёшгорликтар), муҳандислик инфраструктураси, ер, ўрмон, сув, шаҳарсозлик кадастри ҳамда минтақадаги бошқа экологик мониторинг тизимлари билан методик ва технологик жиҳатдан мослигини аниқташ;

- Интернет тармоғида маълумотлар портали тизимини яратиш, турли нашр килинадиган маҳсулотлар хилма-хиллигини кенгайтириш ва уларнинг сифатини янада яхшилаш, чет эп оммавий ахборот воситаларида минтақанинг жозибадор нуфузи ректамасини ташкил этиш асосида минтақавий туристик-рекреацион хизматларни ҳалқаро бозорга силжитишни фаоллаштириш;

- фуқароларга ва юртимиз меҳмонларига ҳавфсиз рефеацион фаолиятни ташкил этишнинг барча масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида тизими тарғибот ишларини фаоллаштириш, профилактика ишларини амалга ошириш ҳамда мос равишдаги реклама маҳсулотларини тайёрлаш ва жойлаштириш орқали ахборотлар етказиш даражасини янада ошириш.

Туристик-рекреацион хизматлар соҳасини самарали ва узлуклиз ривожлантириш мазкур соҳадаги мавжуд ресурслар салоҳиятининг ҳолати, унинг

хўжалик юритувчи субъекти, инвестицион салоҳияти, юрхона иқтисодиётидаги тенденциялар ва хўжалик фаолиятининг шартлари тўғрисида етарли даражадаги тўлик ҳамда ишончли маълумотларга асосланиши зарур бўлади. Бу ТРҲСни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг ишончли прогнозарини ишлаб чиқишига, ҳукумат органлари харакатларини режалаштиришига, туристик-реkreацион салоҳиятини самарали ҳамда оқилона бошқаришига имён беради.

Туристик-реkreацион хизматлар соҳасида ресурслар салоҳиятининг ягона ахборот-аналитик бошқариш тизмини шакллантириш мониторинг, маркетинг, прогнозлаш, моделлаштириш, стратегик режалаштириш сингари функцияларни назарда тутади. ТРҲС нинг ресурс салоҳиятини бошқариш Самарқанд вилоятидаги молиявий, меҳнат, табиий ресурслар салоҳияти ва унинг моддий-техника базаси холати тўғрисидаги маълумотлар базаси мавжудлигини талаб үтади. Мавжуд маълумотлар танислиги қондага кўра, мониторинг тадқиқотлари ўтказиш орқали бартараф этилади.

Мониторинг тушунчасини икки хил йўнапища кўриб чиқиши мумкин: биринчидан, маълум жараённинг боришини кутилаётган напижага ёки бошлантич таҳминга унинг мослигни аниқлаш максадида устидан доимий кузатиш; иккинчидан, инсоннинг хўжалик фаолияти билан боғлик атроф мухит холатини кузатиш, баҳолаш ва прогноз қилиш. Минтақадаги реkreацион фаолият хўжалик юритувчи ва мулк субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятлари оқибатларини бартараф этиш билан узвий боғлиқ, шу сабабли мазкур жараёнда мониторинг бизнинг тадқиқотлар учун ўта муҳим бўлиб хисобланади.

Минтақадаги табиий ресурслар салоҳияти ва экологик вазиятни бошқаришнинг зарурий шарти бўлиб, атрофимиздаги табиий мухит холати ва унинг ўзгариш тенденциялари тўғрисидаги тезкор маълумотларнинг мавжудлиги хисобланади. Атрофимиздаги табиий мухитнинг экологик мониторингини ўтказиш реkreацион фаолият ҳамда худуднинг манбаатдорлигидаги долзарб илмий-амалий соҳалардан опри бўлиб хисобланади. Минтақадаги экологик мониторингининг амалий аҳамияти ишқиар юзори эканлигига қарамасдан, хозирга кадар у кўп холларда дектаратив

тавсифга эга бўлмоқда.

Экологик ризк назариясининг дунёда тан олинган назариясига мувоғик, минтақада унинг туристик-рефреацион салоҳиятдан фойдаланишнинг чегаравий, мөърий даражаси аниқланган бўлиши зарур. Мазкур вазифаларни ижобий ениш ҳамда ҳал этиш фақаттана мониторинг тадқиқотларини тўғри ташкия этиш орқалини амалга оширилади. Минтақа (атрофи)даги табиий мухитни экологик мониторингидаги асосий эътибор мониторингнинг мавзули соҳалари ўртасида аналитик-мальумотлар алмашинувини ташкил этишга берилади. Бунда энг аввало, республикамида ва минтақалардаги экологик хизматларнинг мавжуд ҳамда режалаштирилгётган илмий-услубий базасини ишлаб чиқиш талабларига жавоб берадиган ўлчов жиҳозлари маъмуасини яратиш кўзда тутилади. Шунинг учун, минтақа бошқарув мъъмуряти ижтимоий-иктисодий жаҳаёнларнинг мониторинг тадқиқотлари сингари технологиялардан фойдаланиши зарур бўлади. Бу эса минтақадаги мавжуд иктиносидий ҳолатни тезкор ва пролозни бақолашга ҳамда тўғри ва асосланган бошқарув қарорларини кабул килиш учун мониторинг индикаторларини излаш, уларни гурухлаш ҳамда маъмуали ишлов бериш имконини беради.

Ижтимоий-иктисодий вазият устидан назоратни ушлаб туриш ва минтақани тезда ўзгариб турувчи ташкия мухитда умумий ривожланиш тенденциясини сактаб колниш заруряти, мониторингни тезкор жорий назорат сингари ташкил этишини талаб этмоқда. Ижтимоий-иктисодий мониторинг тизими минтақани ривожлантиришнинг барча асосий мақроиктисодий юрсаткичларини ўз ичига олади: минтақадаги умумий маҳсулотлар хажми, жумладан, йирик ва қичик корхоналар бўйича; товар ва хизматларга бўлган истеъмол нарх ва тарифлар индекси, ўртача хисобланган иш хақи ва х.к.

Назарий ва амалий тадқиқотлар таҳлили қуйидаги хуносаларни олишга имкон берди, минтақавий мониторинг: худудий бошқарувнинг ўзига хос специфик инструменти бўлиб хисобланади; минтақада ички ва ташки ижтимоий-иктисодий мақонни шакллантириш юнуниятлари тўғрисидаги билимларни тўплашнинг

усулидир; вазиятларни мөърида ривожтаниши, унинг четланиш сабабларини аниқлаш, ҳамда прогнозлаш, дастурлаш ва режагаштириш учун асос бўлиб хисобланади.

Туристик-рекреацион хизматлар соҳасининг ресурслар салоҳиятини бошқариш тизимида мазкур методни самарали қўллаш учун жамиятни мазкур хизматларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш зарур бўлди. Шу мақсадларда хизмат кўрсатиш ёки янги фаолиятни прогноз килишда жонон амалиётида кўп йиллардан бери ҳулланиб келинаётган минтақавий маркетингдан фойдаланиш мақсадга мувоғидир. Мазкур холатда минтақавий маркетинг куйидаги тадбирларни амалга оширишга имкон беради:

минтақада туристик-рекреацион салоҳиятни максадга йўналтирилган таркибий қайта қуришни;

мулкчиликкунг республика, минтақавий ва маҳаллий шаклларини қайта тақсимлаш (хусусийлаштириш), ҳамда мулкчиликни оқилона таркибини шакллантириш;

минтақавий даражада хўжалик юритишни ва иқтисодиётни турли секторларида, жумладан давлат секторида ва давлат муслимда бошқарувнинг янада илгор шаклларини жорий этиш.

Маҳаллий минтақавий маркетинг мутахассисларининг таъкидлашича, “Утиш лаврида минтақавий маркетинг концепциясининг глобал максадини куйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин; минтақа иқтисодиётини таркибий қайта қуришни таъминлаш, минтақа аҳолисининг турмуш даражаси, шакллантириладиган бозорлар ҳолати ва ўзгариш суръатини чуқур ўрганиш, ҳамда уни таҳлил қилиш асосида иқтисодиётни аралаш ижтимоий йўналтирилган моделини шакллантириш”⁴

Бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон аҳолисининг минтақаларда туристик-рекреацион фаолиятларга: туризм, союломлаштириш, шаҳар ташқарисида кам олишга бўлган талаби сакланиб юлмоқда, катор холатларда бу талаб ўсиб юрмоқда. Бунга фуқароларнинг чет зл туризмiga бўлган кизиқишлиарининг ўсиб

⁴ Головин А.М., Сулини Б.К. Редуктивное моделирование экономических региональных аспектов - 4.2.-Региональный маркетинг и тенденции его развития - Кемерово: «КУЗБАССВУЗИДАТ», 2006 - С. 138.

боришини мисол сифатида кеттириш мумкин. Бахолаш натижасида чикуви туризм Ўзбекистон фуқароларининг туристик истаклари географиясининг кенгайганидан далолат бермоқда, унга юра туристик мақсадларда чет элга 2016 йилда жами чиқиб кетганлар сонида (294625 киши) Ўзбекистон фуқароларининг МДХ мамлакатларига кетганлар бўйича тақсимотида, биринчи ўринда Россияни танлашмоқда 15,9% (46889 киши), иккинчи ўринда Крзогистон 12,9% (38284 киши), учунчи ўринда Озарбайжон 2,5% (3395 киши).

Юкоридаги ракамлардан шундай хулоса килиш мумкини, хар йили мамлакатдан катта миқдордаги валютанинг оқиб кетиши кузатилмоқда. Агар туризм ва дам олишга янада диккат эътиборлироқ бўлганимизда мазкур валюталар Республикаимиз ва унинг минтакаларининг моддий-техникавий ва молиявий базасини мустаҳкамлашта сарфланиши мумкин эди. Ўзбекистон ахолисининг рекреацион эҳтиёжтарини аниқлаш учун, истемоли минтақада туристик-рекреацион соҳани ривожланиш даражасини белгилайдиган туристик-рекреацион хизматларга бўлган талаб минтақани бошқаришда маркетинг технологияларидан фойдаланишни кўзда тулади.

9.2. Геомаълумотлар тизимидан (ГМТ) фойдаланиш истиқболлари

Минтақа ТРҲС ресурслар салоҳиятини бошқаришда геомаълумотлар тизимидан (ГМТ) фойдаланиш янги истиқболларни очиб бермоқда. Мониторингли ва маркетинг тадқиқотлари Самарқанд вилоятининг муаллиф томонидан ишлаб чиқилган электрон хараси ёрдамида олиб борилди. Бу минтақавий ривожлантиришнинг барча йўналишлари бўйича минтақанинг замон ва маён маълумотлар базасини яратишга имкон беради. Минтақада ГМТни кепажакда ривожлантириш ундан манбаатдор бўлган барча минтақавий тузилмаларини унинг маълумотлар маённита киритиш билан бевосита боғлиқбўлади.

Хозирги вактда туристик-рекреацион хизматлар соҳасида ресурслар салоҳиятининг ягона ахборот-аналитик бошқариш тизимини ТРҲС

корхоналарини рўйхатдан ўтказиб кайд килиш, яни паспортлаштириш йўли оркали шакллантириш му мкин бўлади.

Бизнинг фикримизча, ТРХС корхоналари паспорти корхонанинг моддий-техникавий базасининг ҳолати, унинг молиявий ҳолатини, меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва уларнинг малакавий дараёласини ўз ичига олуви, хамда ќўшимма маълумотларни олишга имкон берувни бўлимлардан иборат бўлиши керак (2-илова). ТРХС корхонаси паспортининг асосий бўлимларига куйидагиларни жиритиш му мкин:

- корхонанинг умумий тавсифомаси;
- корхонанинг моддий-техникавий базаси ҳолатининг маълумотлари;
- молиявий ресурсларининг тавсифи;
- меҳнат ресурсларининг тавсифи;
- корхонанинг суғурталангани тўғрисидаги маълумотлар;
- хамюрлик тўғрисидаги таклифлар;
- ќўшимча маълумотлар.

ТРХС корхоналарини хужжатлаштириб рўйхатдан ўтказиши(паспортлаштириши) мазкур корхонанинг ҳолати тўғрисида янада тўлиғрок маълумотлар олиш корхонанинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва ижтимоий фволиятини шакллантиришда зарур бўлган ресурслар салоҳиятини ахборот-аналитик бошариш тизими учун замин яратишига имкон беради. Корхона ва бирлашмаларининг кўпгина стратегик ва жорий вазифаларини паспортлаштиришини амалга оширишда яратиладиган ва долзарб маълумотлар базасига таяниб сифат жихатдан янги усулда синш му мкин бўлади.

9.3. Корхоналарнинг паспортлаштиришини амалга оширишда тўпланадиган маълумотларидан фойдаланиш имкониятлари

Корхоналарнинг паспортлаштиришини амалга оширишда тўпланадиган маълумотларни куйидаги ҳолатларда фойдаланиш му мкин:

- Самарқанд вилоятида ТРХС ни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва

прогнозларини ишлаб чиқишида;

- Самарқанд вилоятида ТРХС нинг фаоллигини ва инвестицион жозибадорлигини таҳлил қилишида;
- минтакавий дастурлар, лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун, хўжалик механизмини такомиллаштириш, минтакаларо ва ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантиришида;
- Самарқанд вилоятидаги ТРХС ни ва алохидаги юрхоналарни Ўзбекистон худудида ва хорижда тарқалиладиган глобал ахборотлар тизимида, каталогларда тақдим этишида;
- туристик-рекреацион хизматлар ҳамда товарларни, инвестицион лойиҳалар, ва тақтифларни ички ва ташки бозорга силжитиш ҳамда таваккални баҳолаш максадида.

ТРХС юрхоналарини паспортлаштиришида маълумотларни йигиши, уларни саклаш ва ишлов бериш учун қуийидаги талабларни кондиришга имкон берувчи ахборотлар тизимини яратиш зарур бўлади, жумладан: катта ахборотлар оқамини йигиши, сакташ ва уларга тезкор ишлов бериш имкониятини тъминлаш; мижоз-сервис янги технологияларида ишлаб чиқилган ахборотлар-бошқарув тизимини ва қудратли геоахборотлар тизими билан (ГАТ) интеграциялашувини амалга ошириш; маълумотлар базаси тарқибига ўзгартирислар киритиш имконини олдиндан кўзда тутиб, мослашувчан, ўзгарадиган, кенгаядиган тизимни яратиш

Минтақа бошқарув органларини ахборотлар билан тъминлаш бошқарув хуҷожатларини ягона маълумотлар базасида ташкил этиш бўйича минтақа даражасида кабул қилишни, ахборотлар узатишни ягона стандартларини ишлаб чиқишни, ахборот хавфсизлигини тъминлашни ва бир вактнинг ўзида маълумотлар базасидаги ахборотларнинг ошкоралиги ва очиқигини талаб этади. ТРХС ресурслар салоҳияти тўғрисидаги умуммитакавий маълумотлар базасини яратишида муҳим бўлиб, мазкур базаларга мулкчилик ва маълумотларга кимнинг кириш хукуни тўғрисидаги масала долзарб бўлиб

хисобланади.

Бизнинг фикримизча, ўз таркибига ягона ахборот- аналитик марказни олувни “Узбектуризм” МК Самарканд вилояти бошкармаси мазкур мълумотлар базасининг монопол хўжайини бўлиши мумкин. Минтака туристик-реекреацион хизматлар соҳасида ресурс салоҳиятининг ягона ахборот-аналитик бошқариш тизимини шакллантиришда хисоб-статистик масалалардан ахборот-прогнозли масалаларга ўткизиш муҳим бўлиб хисобланади. Ягона ахборот-аналитик бошқарув тизимини мълумотлар ресурсидан тўлаконли фойдаланиш учун минтакани бошқаришда унинг тахлил ва прогнозлаш, карорлар кабул килиш, уларни бажарилишини ташкил этиш ва натижаларни назорат килиш каби барча функцияларини хисобга олсагина самарадорликка эришиш мумкин.

Бу йўналишда “Узбектуризм” МК Самарканд вилоят минтакавий бошкармаси иш тажрибасидан фойдаланиб, қуйидаги босқичларни амалга ошириш зарур деб хисоблаймиз:

- минтакавий мувофиқлаштирувчи ахборот берувчи ташкилотни шакллантириш;
- минтаканинг ягона ахборот-аналитик маконини шакллантириш концепциясини ишлаб чикиш;
- минтакада ахборот тарқатиш дастурини шакллантириш ва тасдиқлаш;
- ахборотларни йигиш, саклаш ва уларга ишлов берининг ягона стандартларини ишлаб чикиш;
- ахборот хавфсизлигини тъминлаш ва бир вактнинг ўзида минтака мълумотлар базаси ахборотларининг ошкоралиги хамда очикларини тъминлаш.

Бизнинг фикримизча, реекреацион минтакалардаги макроикисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини тъминлаш учун давлат томонидан ривожланиш чора-тадбирларини белгилаб олиш ва ривожланиш стратегиясини ишлаб чикишга тизимли ёндашув талаб этилади.

Минтақавий даражада халк хўжалигини ривожлантириш умумий тенгликини саолаш зарурияти билан боғлиқдир, бу эса ўз навбатида талаб ва тақлифнинг муофиклигида ўз аксини топади.

Бозор иқтисодиёти шароитида пропорционалликни саклаб колиш умумтан олинган методи бўлиб, республика даражасида, ҳам вилоят даражасида кабул килинадиган максадли режалаштириш дастурларининг ишлаб чиқишини ҳисобланади. Тадқиқотимиз предметига боғлик равишда биз бундай дастурларга қўйидагиларни киритишимиз мумкин: минтақавий сиёсатнинг умумий максадларига эришишга имкон берувчи, аниқ минтақанинг муаммоларини ечишга мўлжалланган минтақавий ахамиятга молик бўлган республиканинг максадли дастурлари. Ҳозирги вактда Самарқанд вилояти худудида қўйидаги максадли дастурлар амал қилмоқда: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан тасдиқланган 2011 йил 18 октябрда “Программа адресных мероприятий по развитию сферы туризма и увеличению экспортного потенциала туристических услуг по Самаркандской областина период 2011-2012 годы» дастури кабул килинган.

Самарқанд вилоят ҳокимияти ва “Ўзбектуризм” МК тамонидан 2010 йил 29 декабрда “ 2011-2015 йилга қадар Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантириш, туристик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва йўналишларини кентайтиришга қаратилган дастур” кабул килинди ва унинг ижроси амалга оширилмоқда.

Туристик-реkreацион хизматлар соҳасини ривожланиш тезлиги ва самараадорлиги турли манбаатдор бўлган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларни минтақанинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурини амалга оширишга жалб килинганлик кўламига боғликбўлади.

Прогнозлаштиришнинг ҳар бир ҳолати истиқболга мўлжалланган аниқ белгиланган мижорий максадли кўрсатмаларни ўз таркибига оладиулар каторида устувор ўрин ҳар бир санаторияни ва дам олиш мажмуасини алоҳида гидроминерал ва бошқа балчик билан даволаш ресурсларга

мүлжалланганлиги, ҳамда улардаги сиғим күрсакчилари сонига берилиши мүмкин. У мұмдәвлег эктиёжарини хисобға олған холда барча ресурслар санаториялар сиғими динамикаси ва улар тақдим этадын түристик-реkreацион хизметтер түпламини прогнозлаш чөгәраси бўлиб хизмат килади. Прогнозлашда ресурсларнинг кайта тиқтаниши, уларнинг экстимолли динамикаси(ўсиш ёки камайиш суръати)нинг хисобға олиниши, ҳамда бу тармоқтарнинг ичида хўжалик тармоқлари ўртасида мос равишдаги пропорцияларни оптималлаштириш заруритини хисобға олған холда уларнинг эктиёжини ўрганиш зарур.

Бизнинг фикримизча, прогнозларни ишлаб чиқиша прогносташнинг генетик усулидан фойдаланган холда амалга оширилиши керак, мазкур усул ресурслардан, жумтадан экологик ресурслардан ҳам фойдаланишининг оптимал меъёрларига йўналтирилган ва кутилаётган натижага эришишда юзага келадиган тенденциялар ва меъёрий-максадли усулларга таянади.

Буларнинг барчаси минтака туристик-реkreацион прогнозига айлантирилиб, берилган даврда ТРҲС ресурслар салоҳиятини ривожлантириш сифат тавсифи учун база бўлиб хисобланади. Бизнинг фикримизча, Ягона ахборот-аналитик маркази куйидаги бўлимлардан ташкил толиши керак: мониторинг бўлими, маркетинг бўлими, иқтисодиёт ва прогнозлаштириш бўлимот, минтакани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши стратегик режалаштириш бўлими. Юкорида кайд килинган бўлимлар ўз вазифаларини бажарадилар (I жадвал)

Бўлимлар	Вазифалари
Мониторинг бўлими	- ТРХС табиий ресурслар салоҳияти ижтимоий-иктисодий холатини доимий харакатдаги мониторингини амалга ошириш, минтақада рекреацион фаолиятни ривожлантириш.
Маркетинг бўлими	- ТРХС бозорини ривожтанишига кўмаклашиш; - минтақадаги хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ижтимоий институтларни бошқа минтақалар ва уларнинг бозор субъектлари билан хукумат муассасалари орқали ўзаро бозор алокалари самарадорлигини ошириш; - минтақа нуфузини, унинг обруйини, ишчанлик ва ижтимоий ракобатбардошлигини шакллантириш ва уни янада яхшилаш; - минтақа ва унинг субъектларини халкаро, минтақавий дастурлардаги иштирокини кенгайтириш; - худудга давлат ва бошқа ташки буюртмаларни жалб килиш; - ташки молиявий ресурсларни минтақага жалб килишни янада ошириш; - минтақавий ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган маҳсулотларни нотижорат маркетингини шакллантириш ва ривожлантириш; - жамоат тартибини муҳофаза килиш, соғлиқни саклаш, таълим, ижтимоий ҳимоя бўйича хизматлар;
Иқтисолидётни прогнозлаш бўлими	- мос равишдаги хизмат марказлари тақдим этадиган минтақавий мониторинг ва минтақавий маркетинг маълумотлари асосида прогнозларни ишлаб чикиш, минтақани ижтимоий-иктисодий ривожтанишишнинг киска муддатли режаларини ишлаб чикиш; - мониторинг ва маркетинг хизматлари тақдим этадиган ишнати жаларини маҳсус юмпьютер технологиялари ёрдамида ишлов бериш ва интеграциялаш;
Режалаштириш бўлими	- минтақа ТРХС ларида мавжуд бўлган барча ресурсларни сафарбар килиш; - минтақани ижтимоий-иктисодий ривожтанишишнинг стратегик режаларини ишлаб чикиш.

Муаллиф томонидан “Узбектуризм” МК Самарканд вилояти бошқаруви билан ҳамкорлиядда ишлаб чиқилди.

Диссертация ишида ТРХС ресурслар салоҳияти тузилмаси таҳлилини хисобга олиб, минтақада ресурслар салоҳиятини бошқаришининг концептуал асослари ишлаб чиқилди. Унга кўра миссияси-минтақадаги мавжуд туристиқ-рекреацион салоҳият асосида тиббий-соғломлаштириш, даволаш-профилактика ва туристиқ-экскурсия хизматларини тақдим этишининг ноёб имкониятларини намойиш қилиш бўлади. Бошқаришининг стратегик мақсадлари эса туристиқ-рекреацион салоҳиятта эга минтақани республика ва бутунжоҳон аҳамиятига молик туристиқ-рекреацион хизматлар соҳасига айлантиришдан иборат бўлади. Бошқариш функциялари-ташкилий, иқтисодий, маркетинг, ижтимоий ҳамда минтақани ривожлантиришни режалаштириш ва прогнозлаш функцияларини ўз ичига камраб олади.

“Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси” Самарканд вилояти минтақавий бўлими келажакда ўз таркибига мониторинг хизмати, маркетинг хизмати, иқтисодиёт ва прогнозлаш хизмати, стратегик ижтимоий-иктисодий режалаштириш хизматларини олувчи Ягона ахборот-шалитик марказни ташкил этишини хисобга олса мақсадга мувоғинк бўлади.

Шундай қилиб, туристиқ-рекреацион хизматлар соҳасида ресурс салоҳиятини бошқаришининг тақтиф қилинган янги шакли ва усуллари минтақада ресурслар салоҳиятини ўзаро функционал алоқаларини тъминлашга, ижтимоий-иктисодий фаoliyatning умумий йўналишларини белгилашга, ҳамда мазкур минтақада туристиқ-рекреацион хизматлар соҳасида баркарор ривожланишни кафолатлашга имкон беради.

Таянч сўз ва иборалар: ТРХС, БТТ рўйхати, экологик риск, минтақавий маркетинг, ГМТ

Мавзуга доир савол ва топшириқлар:

1. Туристик-реkreатсion ресурслардан самарали фойдаланишда қандай түсніліктер мавжуд?
2. Ягона ахборот-аналитик тизимини яратыш масаласы қандай муаммоларни ҳал этишда ақамиятлы ҳисобланади?
3. Минтақадаги табиий ресурслар салоҳияти ва экологик холатни бошкаришнинг зарурый шарттарни нималардан иборат?
4. Назарий ва амалий тәдқиқтлар натижасига күра минтақавий мониторинг қандай натижаларни тақдим этади?
5. ТРХС корхоналарнинг паспорти асосий бўлмарига нималар киради?

9-мавзу бўйича амалий топширик:

Паспортлаштириш ишларининг афзаллиятари ва ахмиятини ёритиб берувчи худудий паспортизатсиya сулларига наъмуналар келтиринг.

10-МАВЗУ: ҲУДУДНИНГ ТУРИЗМГА ИХТИСОСЛАШУВИНИ АНИҚЛАШ

Режа:

10.1. Ҳудуднинг туризмга ихтинослашувини хусусиятлари. Самарқанд вилоятида жойлашган туристик-рекреацион объектларнинг электрон харитаси

10.2. Самарқанд вилоятида жойлашган туристик-рекреацион объектлар электрон харитасининг шархи

10.1. Ҳудуднинг туризмга ихтинослашувини хусусиятлари.

Самарқанд вилоятида жойлашган туристик-рекреацион объектларнинг электрон харитаси

Ўзбекистоннинг энг истиғболли ҳудадларидан бири хисобланган Самарқанд вилояти ўзининг дастлабки кўринишими саклаб юлган обидалар, бетакор тарихий ва табиий шароитга эга бўлиб, бу эса қадимдан ахоли яшайдиган, ахолининг юкори зичлигига эга бўлган ҳудудлар учун жуда камёб ходиса хисобланади ҳамда туризм, дам олиш ва соғломлаштиришини ривожлантириш учун кенг имкониятларнинг мавжудлигини акс эттиради. Туристик-рекреацион хизматларни ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб килиш учун юкори инвестицион рейтингга эга бўлиб, бугун 226та хорижий сармоя иштироқидаги корхоналар вилоят иктисодиётининг турли соҳаларида фаолият олиб боришимоқда. Хозирги пайтда Ўзбекистон туристик-рекреацион хизматларини ривожлантириш нуткаи назаридан Самарқанд вилояти қўйидаги асосий омиллар билан белгланади:

- Ўзбекистоннинг барча туристик ресурсларининг 37,7 фоизи Самарқанд вилоятида жойлашган;
- Самарқанд мегаполиси ва юкори тўлов салоҳиятига эга яхин ҳулудларнинг мавжудлиги;

- кулай табиий-иқтимий ресурслар;
- хайвонот ва ўсимликлар дунёсининг бойлиги ва турли хиллиги;
- тарихий-маданий мерос обидапарининг салмоқли миқдори;
- вилоятда 11 та музей ва 17 та декоратив-амалий санъат мэъросларнинг борлиги;
- муҳим туристик ресурслардан бири хисобланган халқ хунармандчилигининг 25та корхонасиning борлиги (миллий хунармандларнинг Самарқанд вилояти бўйича 1138 сони, шаҳар бўйича 320 хунармандлар);
- замонавий халқаро аэропорт ва темир йўл воюзалининг мавжудлиги;
- яхши ривожланган йўл-транспорт тизими;
- пансионатлар, дам олиш уйлари ва санаторийларни хисобга олганда рекреация обьектларининг ривожланган тизими;
- турли даражадаги халқаро спорт мусобакаларини ўтказиш имконини берувчи замонавий спорт муассасаларининг мавжудлиги.
- туризм ва дам олишнинг моддий базасини ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш учун ююри инвестицион рейтингга эга эканлиги;
- тадбиркорлик туризмини ривожлантириш истиқболларини белгиловчи йирик саноат корхоналари ва илмий муассасаларнинг мавжудлиги.


Ўзбекистон Республикаси аҳолисига туризм ва меҳмонхона хизматларини⁵ кўрсатиш бўйича жами хизматлар хажмида Самарқанд вилоятининг улуши 2015 йилда 9,9 0% (44,9 млрд.сўм) ни ташкил килмоқда. Ушбу кўрсатилган хизматлар республика миқёсида карайдиган бўлсак бу кўрсаткич 451,4 млрд.сўмни ташкил қилиб, Самарқанд вилояти бошқа вилоятлар каторида Тошкент шаҳри (232,2 млрд.сўм.) ва Тошкент вилоятидан (66,5 млрд.сўм.) кейин учунчи ўринни эгаллаб турибди. Аммо

⁵ туроператорлар, туристик агентлар ва меҳмонхона хизматларини ўчишга олади.

Самарқанд вилояти 2015 йилда туризм ва меҳмонхона хизматларини кўрсатишдаги ўсиш сўръати бўйича республикада биринчи ўринда келмоқда.

Кулай ландшафт иклим шароити, рельефининг турли-туманлиги ва табиий ўсимликтарга бойлиги Самарқанд вилоятида ююри самарали туристик-рекреацион тизимни яратишга имкон беради. Минтақанинг туристик-рекреацион салоҳияти рекреацион ресурсларнинг географик табиий жойлашувига боғлиқ бўлади. Туристик-рекреацион хизматларни ривожлантиришда мавжуд минтақа имкониятларини аниқлаш мақсадида

Самарқанд вилоятида жойлашган туристик-рекреацион объектларнинг электрон харитаси ишлаб чиқфиди




10.1.1-расм: Макромедиа Флаш 8 дастуриёрдамида яратилган

Самарқад вилояти электронхаритаси дастурининг гумумий модели

Электрон харитада тарихий зиёрат объектлари, дам олиш ва союзомлаштириш масканлари, арт галерия ва музейлар, спорт иншоатлари, шеббиёт масканлари, ўзга конфессияларнинг тарихий обидалари

фойдаланувчига тушунарли бўлиши учун алоҳида белгилар билан ажратилган. Ҳар бир туристик-рекреацион объектлар хакидаги маълумотлар .свФ форматда сакланган. Харитани ишга тушириш учун аторун.ехе файлини йўқлаш кифоя.




10.1.2-расм: Электрон хаританинг объектлари хакида маълумот олиш жараёни

Электрон харитада ҳар бир объект хакида тўлик маълумотни ўкиш жараёнида куйидаги имкониятларга эга бўлиш мумкин:

- объект хакида тўлик маълумот олиш;
- объект расмларини кўриш;
- расмларни тўлик экран режимида кўриш;
- маълумотларни смартфонга кўчириш ва жўнатиш;
- оркага кайтиш.

Электрон харитада **Самарқанд тугмасини туристлар томонидан босилганида Самарқанд шаҳрининг электрон харитаси янги ойнада пайдо бўлади.**



10.1.3-расм: Самарқанд шаҳрининг электрон харитаси

Макромдеси Флаш 8, Адобе Пхотошоп ҳамда КорелДрав дастурлари

Ёрдамида яратилган электрон харитада:

- Тарихий зиёрат объектлари
- Дам олиш ва соғломлаштириш масканлари
- Арт галерия ва музейлар
- Спорт иншоотлари
- Тиббиёт масканлари
- Ўзга конфессиялларнинг тарихий обидалари

Алоҳида белгилар билан ажратилган бу объектлар ҳакида туристлар тўлиқ маълумот олишлари мумкин. Самарқанд шаҳрининг электрон харитасида туристлар Самарқанд вилояти тугмасини босганида Самарқанд юилойтининг электрон харитасини кўришлари мумкин.

Ушбу муаллиф томонидан ишлаб чиқилган электрон харита худуднинг туристик-рекреацион объектлари хашида ахборат олишда туристларнинг эҳтиёжини тўлиқ кондириш имкониятини яратади. Ундан миллый ва хорижий туристлар электрон вариантда ва буклет кўриннишида Он-лайн режимида фойдаланишлари мумкин.

Электрон хаританинг Синтект Серна Фреे 4.4.0 дастуридаги кўринниши ва Синтект Серна Фрее 4.4.0 дастури ёрдамида хаританинг схематик боғланиши илова килинади.

10.2. Самарқанд вилоятида жойлашган туристик-рекреацион объектлар электрон харитасининг шарҳи.

Хаританинг марказида жойлашган Каттакургон туманида “Марварид” санаторийсида даволаш асосан махаллий минерал сув ёрдамида амалга оширилади ва 25 турдаги хар хил физиотерапия, парафин, балчик ва игна билан даволаш усуллари кўрсатилади. Каттакургондаги Эргаш Ота хусусий соғломлаштириш тиббиёт маркази жигар ва ўт кассалликларини, тошли холецистит, чаңдик коплаши, сурункали панкреатит, ошкозон ва ун икки бормоқли ичак кассалликларни даволайди. Бунда ноанъанавий услубда беморларга ташхис кўйиш, bemorlarни шарқона услубда гиёхлар, ноёб малхамлар, шарбатлар билан даволанади. Барча турдаги ички хасталикларни профилактика йул билан олдини олиш ва даволаш жараёни амалга оширилади.

Вилоятнинг шарқий-шимолий кисмида жойлашган Оқдарё туманидаги янги “Устоз” соғломлаштириш мажмуаси ички туризм бозорининг максадли сегментларидан бири бўлиб, асосан Самарқанд вилоят халқ таълими соҳаси ходимларига даволаниш, дам олиш хизматларини кўрсатишга ихтиослашган мажмуадир. Соғломлаштириш мажмуасида бир вақтнинг ўзида 200 кишигача дам олиб ўз саломатлигини тиқташи мумкин.

Вилоятнинг жанубида Нуробод туманидаги Нагорний худудида жойлашган «Абу Али Ибн Сино» санаторийси асаб тизими, юрак-кон томир,

таянч ҳаракат, тери касалликтарини даволайди. Санаторийнинг асосий хосияти родонли суви бўлиб, термал, таркиби табиий родонли (20-25 мКи./л), хлорид-сульфат, натрийли, кам ишкорли (рН-8.1) ва азот газли сувлардан иборат. Сувларнинг хусусияти бўйича машхур Кавказдаги Цхалтуба сувларидан юлишмайди. Нуробод туманидаги бўғин, оёқ отриги касалликтарини табиий сув асосида даволайдиган Абдусалом МЧЖ санаторияси, «Нурбулук балнеологик даволаш муассасаси», «Саратон маъданли суви» сихатгоҳлари сувларнинг таркиби ҳам шулар каторига киради.

Вилоятнинг шарқий-жанубида жойлашган Самарқанд туманидаги Оғалик кишлогидаги “Оғалик” дам олиш уйи Самарқанд шахрининг марказидан 25 км да гарбий Тянь-Шянь тоги этагида ўсимлик дунёсига бой қисмida жойлашган. Таббий омиллар ва иктиим хусусиятлари туристларни даволашга кенг имконият яратиб беради . Бу сихатгоҳ 250 ўринга мўлжалланган бўлиб, юрак-қон томир касалликлари, нафас олиш йуллари касалликлари, асаб тизимининг функционал бузилишлари касалликтарини даволашга қаратилган. Даволаш жараёнида Нурободдаги хлорли сульфат натрийга ўхшаш минерал суви ишлатилмоқда. Бундан ташкари Оғалик кишлогида 2-сон Самарқанд вилоят болалар силга карши курашиб санаторияси жойлашган. Сихатгоҳда болаларнинг даволаниши ва тъйлим олиши учун ҳамма шартъ шароитлар яратилган бўлиб, асосий эътибор таббий омилларга қаратилмоқда.

Соёломлаштириш муассасалари сифатида Самарқанд шахрида жойлашган “Панорама Гранд” меҳмонхонаси асосан ички маҳаллий туристларга, шунингдек хорижий туристларга хизмат қўрсатиб келмоқда. Асосий максадли бозори бу соғломлаштириш, ўз соглигини тикташ ҳамда даволаниш истагида бўлган истеъмолчиларга хизмат қўрсатади. Шунингдек мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан хисобланган Кашқадарё “Шуртан-газ” унитар корхонаси, “Навоий-азот” ОАЖ “Навоий-цемент” ОАЖ кабилар билан тузилган шартномага кўра корхоналарнинг ишчи ходимларини дам олиши, соглигини тикташи максадида 10 кунга 100 кишилик гурух килиб

истемолчилар кабул қилинади. Ююри мавсум хисобланган апрел, май, август, сентябр, октябр ойларида хорижий туристлар ҳам кабул қилинади. Хорижий туристларни кабул қилишда асосан “Централ Асиан Стар”, “СогдаТур”, “Шехерезаде Воягес” каби туристик фирмалар билан ишлайди. Хорижий туристлар эса асосан жойлаштириш хизматларидан сотиб олинган турпакетлари хисобидан меҳмонхона хизматларидан фойдаланишиди. Бундан ташкири кўшни Тоҷикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоқистон давлатларидан ҳам якка ва оиласвий бўлиб меҳмонхонанинг санатория-даволаниш хизматларидан фойдаланмоқда.

Шунингдек бевосита Самарқанд шаҳрида жойлашган соғломлаштириш муассасалари сифатида ахолига ва туристларга хизмат кўрсатиб турган куйидаги обьектларни келтириш мумкин: Хуршида Насимова А. (А.Гемур кучаси), Доктор, Зармед (Исаева кучаси), Сангизар (Сиёб бозори ёнида), Бионур (кавровый комбинат), Доктор М, Дағдир шифо Саттепа масканида, Доктор Кан Владимир, Евромедик клиникаси, Азия Медик Ноо, Гавҳар кўз клиникаси ва бошқалар.

Шаҳар чегарасида жойлашган “Зарафшон” санаторияси 110 ўринга мўлжалланган бўлиб, таянч-ҳаракат тизими касалликлари, юрак-кон томир касалликлари, нафас олиш йуллари касалликлари, асаб тизимининг функционал бузилишлари касалликларини даволашга қаратилган. Охирги йилларда санатория янги тиббий даволаниш ва диагностик аппаратлар билан тъминланди. Сихатгоҳ булогидан чиқарилган хлор-натрийли гидрокарбонат кучизланган минерал сув - даволашнинг асосий манбаи бўлиб хисобланади.

Ушбу туристик-рекреацион муассасаларининг асосий мақсадли бозори бу соғломлаштириш, ўз соғлигини тиқлаш ҳамда даволаниш истагида бўлган истемолчиларга хизмат кўрсатишдан иборат бўлмоқда.

Республикамиз бўйича 35 та ноёб тоғ ўрмонзорлари муҳофаза килинмоқда. Шулардан бири Самарқанд шаҳридан 40 км жануби-ғарбida, яни Зарафшон тизмасининг ғарбидаги Омонқўтон тоғ ўрмонидир. Омонқўтон

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар кандай ташкилотнинг самарали фаолияти мижозлар ва ҳамюрлар учун жозибадор имиж яратишидир. Илмий ташкилотларда мазкур масала янада муҳим, чунки фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланадиган ташкилотлар илм-фан ривожланишининг янги денденцияларига ўтиши щубхасиз. Бунда ахборотларни тақдим килиш даражаси энг юкори даражада бўлиши керак. Бу замонавий компьютер мультимедиа технологияларидан фойдаланиш хисобланади. Тавсия этилаётган технологияларнинг янгилиг ва афзаллиги замонавий шаклда презентациялар оркали мультимедиали компьютерлар оркали намойиш килинади. Бу айниқса бошка реклама воситаларни ахборотларни намойиш килиш ва тақдим килиш имконини бермаганда айниқса самаралидир.

Реклама ва имижни оширишга йўналтирилган тақдимот ва намойишдан ташқари презентациялар ташкилот учун ходимларнинг билим ва малакасини ошириш ва текшириш, ҳамюрлар ёки истеъмолчилар маҳсулотини намойиш килиш, меъёрий-техник хужжатлар, методик материалларни тарқатиш учун ҳам кўлланилади [4].

Тақдимот турлари

Тақдимотлар пухта тайёрланган ахборотларнинг жозибадорлигини ошириш сифатида куйидаги мақсадларда фойдаланилади:

1. Электрон тақдимот ва реклама роликлари. Бу холатда реклама роликлари реклама максадларида, яни савдо маркаси ва корхона номини силжигтиш; компания хакида ахборот таркетиш; имижнинг нуфузи ва таниклигигини ошириш, бир-бирини тўлдирувчи ва ўрнини босувчи товарлар рекламаси реклами, мазкур мавзу бўйича ахборот ресурсларини тўлдириш максадида фойдаланилади. Ролик презентациядан ахборотларни фойдаланувчи иштирокнисиз узатувчи восита бўлиб, бунда фойдаланувчилар факатгина томошабин ролини бажаради. Электрон презентациялар ва реклама роликлари—илмий ташкилот, унинг ҳамкорларни ва вакиллари томонидан ўюштирилган товар ва хизматлар кўргазмаси ҳамда семинари иштирокчиларининг эътиборини жалб этиш учун самарали ва камхаражат талаб этадиган воситадир.

Бу каби презентациялардан фойдаланишинг яна бир жиҳати—совга ва сувенир маҳсулоти эканлигидир. Дискларда компания ютуклари, ишлаб чиқариш тавсифи, маҳсулот ва хизматлар, жамоанинг эришган ютуклари, ўтказилган тадбирлар, ривожтаниш дастурлари ва тенденциялари, ходимларнинг фото суратлари, раҳбарият табриги ҳамкорлар ва меҳмонлар учун нафакат ноёб совга, балки ўз компаниясининг бозордаги мавкен ҳамдир. Презентациялар кўргазма стендларида, конференция ва семинарларда,офис ва савдо залларидан намойиш қилинади.

2. Электрон каталоглар. Бундай презентациялар товарлар ва хизматлар катаологи сифатида фойдаланилиши мумкин. Савдо вакиллари ва менежерлар ушбу материаллардан тўлалигича ёки зарур қисмларидан фойдаланишлари мумкин. Бутун дунёда кўпгина нашриёт ва компаниялар доимий равишда оммавий реклама каталоглари ва бошқа нашр маҳсулотларидан нисбатан самарали ва тежамли бўлган мультимедиали CD-ROMларга ўтмоқда. Бу уларга катта ҳажмдаги ахборотларни тез, сифатли ва самарали узатиш шиконини бермоқда. Бундан презентациялар орқали менежерлар мижозлар

билин алоқа ўрнатиши хам мүмкін. Қунки презентациялардаги барча ахбороттар тизимлаштирилген ва маҳсус түзилмаган зға бўлади.

3. Таълимий ва синов дастурлари. Бундай презентациялар ёрдамида ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш, семинар тингловчиларига билим бериш мүмкін. Бундай презентациямуракқаб ва илмталаб маҳсулотларга техник илова бўлиши мүмкін. Улар нафакат таълимий, балки тингловчилар ва ходимларнинг билимини назорат килишда хам кўлланилиши мүмкін.

4. Мельерий-техник хужжатлар, методик ва турдош кўлганма. Презентациялар дан ахборотларга рухсат олиш ва фойдаланишда ўзига хос коридор вазифасини ўташи мүмкін. Бундай презентациялар тури чизмалар, техник паспорт, фойдаланиш бўйича йўрикнома ва шу кабиларни ўз ичига олади. Бу ҳолда презентациялар нафакат ахборотлардан фойдаланиш учун коридор вазифасини ўтайди, балки катта ҳажмдаги ахборотларни нашр килиш билан боғлиқ харажатларнинг тежалишини хам тъминлайди [2].

Таркатиш усуллари ва воситалари

Презентациялар бевосита реклама воситаси бўлиб, якуний истеъхмолчилик учун мўлжалланган. Уни почта орқали жўнатмалар, электрон ёки көз буқетлар, каталог ёки илова- ва рақаларга тенгаштириш мүмкін. Ишбилар монлик учрашувларида презентацияларни компакт-диск орқали совға сифатида иштироқчиларга таркатиш мүмкін. Презентациялар компакт-дискларда почта(директ-мейл), кўргазмалар, тақдимот маросимлари, банкетлар, реклама тадбирлари, семинарлар, маҳсулотга илова сифатида, босма нашрлар билан биргаликда ва шунга ўхшаҳ холатларда таркатилиши мүмкін. Презентацияларнинг соддалаштирилган нусхалари Интернет, хатто ки компания веб-сайтлари орқали хам таркатилиши мүмкін.

Презентацияларнинг яна бир афзаллик жиҳати нафакат уларнинг кам харажат ва кам харакат талаб этиши, балки хар бир фойдаланувчининг зарур бўлган холларда бошка ташкилотлар ва шахслар иштироқсиз ишталған ҳажмда ўзи мустакил равишда чоп этиши мүмкинилгидир[2].

Таъкидлаш жоизки, мультимедиа-презентацияларининг илмий ташкилотларда кенг кўлланилиши, айниқса матн ва шахслар орқали намойиш килинадиган визуал ахборотлар ишланманинг афзалигини намойиш юлиш ва кутилаётган хамкорларни кизиктириш учун кўлланилади.

Экран лавҳалари (скрин сейверлар)

Экранлавҳалари компания сайтидаёки компактдисклардасо вгатариқасидабе рилишму мөян. Мультимедиа-лавҳалари одатда ёкин ролик бўлиб биринчи навбатда ташриф буюрувчini сайт ёки тақдимотта жалб этиш, таништириш учун кўлланилади. Бирок мустақил тарқатиладиган реклама типидаги мультимедиа-иловалар, видео тақдимотлар бўлиши хам мумкин. Экранлавҳалари, коидага кўра, компания, унинг фаолияти, хизматлари тўгрисида киска маълумот беради. Одатда экран лавҳаларидан илмий-техник маҳсулот кўргазмасини ўтказиш, телевидения орқали трансляция килишда кўлланилади [3].

Мультимедияли каталоглар

Мультимедиа-каталог—компаниялар, брендлар, товар ва хизматларининг тартибга келтирилган интерактив рўйхатидир. Каталогда уларнинг афзалик жиҳатлари ва тавсифи кўргазмати воситалар билан берилади. Мультимедия каталоги ташкилот тоҷар ва хизматлари билан дастлабки танишув учун жуда кулай. Унинг яратилишида мультимедианинг барча имкониятлари: овозли ва видео, матн ва график ахборотлар, анимациялар, икки ва ұч ўлчамти графика, турли эффектлардан кенг фойдаланилади. Мультимедиа-каталогларидан кидирув тизимлари, навигация, интер фейсларда фойдаланилади. У мультимедиа-тақдимотининг бир қисми, шунингдек мустақил медиа лойиҳаси сифатида хам фойдаланилиши мумкин.

Мультимедиали каталоглар босма нашр маҳсулотларига караганда кўпроқ маълумотларни камраб олади. Кўпчилик ташкилотлар учун у мижозларнинг таклиф этилаётган маҳсулот (иш, хизмат)лар хақида хабардор этишга карағилган коммуникация вазифасини хам бажаради.

Мультимедиали каталогларнинг бошқа силжитиш воситаларидан асосий афзалиги куйидагилардан иборат:

- компания бизнеси ва имижини мустаҳкамлашда маркетинг амалиётининг юкори технологияли ва жозибадор воситалардан фойдаланиш орқали компания имижини мустаҳкамлаш;
- маҳсулот турлари бўйича сифатли иллюстрация ва фотосуратлар ёки уч ўлчамли моделлар;
- маҳсулотларнинг ҳар бир позицияси бўйича тўлик электрон базасини шакллантириш(сарапаш ва таъкослаш имконияти мавжуд бўлган ҳолда).

14.3. Маҳсулотнинг мультимедиа каталогини тўлдириш

Визуал қисми—иллюстрациялар,матн,фотосурат,видеороликлар ва хатто маҳсулотларнинг турли томонлама кўринишини тъминлайдиган уч ўлчамли моделлари.

Контент-каталог позициясининг тўлик тавсифини ўз ичига олиб, ишланма, сарфланган маълумотлар ва мослашуҷанлиги тўғрисида маълумотларни ўз ичига олади. Маълумотлар базаси талабномаларни расмийлаштириш, кидириб толиш ва саралашга имкон беради.

Бугуни кунда барча илмий фаолият билан шугулланувчи корхоналар ўз маҳсулотларининг электрон маълумотлар каталогини яратишган ва тарқатишмодда. Энг содда кўринишдаги каталоглар илмий ишланма хақидаги матнли маълумотларнинг CD-дискларда тарқатилишидир. Энг мураккаб кўринишда – бу илмий-техник маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича маълумотлар базаси шактидаги демо-роликлардир. Беларусь Республикасида ҳар йили турли соҳага тааллуқли бўлган илмий ташқилотларнинг энг янги илмий ишланмаларини ўз ичига олган каталоги нашр этилади ва семинар ва кўргазмаларда CD-дисклар орқали тарқатилади(12та шундай каталоглар тарқатилган){3}.

Бутунги кунда МДХ илмий ташкилотларида мультимедиа-технологияларини компакт диск(СD)ларда фойдаланиш оммалашган. Компакт-дисклар шу дараёжада оммалашдик, бу нафакат ахборот ташу вчиларнинг, балки уларга маълумот ёзиш курилмали (CD-RW)нархининг ҳам пасайишига олиб келди. Бундан ташкири компакт диск(СD)ларнинг бошка турларининг ҳам пайдо бўлишига олиб келди. Ахборотлар 3,5" ва 5,25" (120 ва 80мм) ўлчамдаги этилувчан дискларда, балки, анъянавий CD-дискларда,VCD-R(e-card), турли флеш-дисклар оркали тар катилмоқда⁶.

Илмий ташкилот илмий-техник иштанмаларни визуаллаштириш жараёнида қўйидагиларга зътибор қаратишлари лозим:

—мультимедиа-технологияларидан сайtlар оркали фойдаланиш. Мультимедиа тўлалигича кўриш, эшитиш каналлари оркали узатилади. Шунинг учун уларнинг жозибадорлиги жуда ююри ва кўп сонли фойдаланувчилар аудиториясини камраб олган;

—3D-визуализация—объектнинг уч ўлчамили тасвири бўлиб унинг ҳакиқий нусхасидан деярли фарқ килмайдиган, айрим ҳолларда эса ундан ҳам сифатлирок бўлган моделлардир. Бу усул архитектур, телевиденияда турли презентацияларда қўлланилади. 3D-визуализация Интернетда ҳам кенг қўлланилади. 3D-графика ва анимация ҳар кандай объектни ҳар кандай ранг ва шаклда моделлаштириш, коттеж, автомобиль, бино ва иншоотларнинг чизмаларни “жонлантириш” имкониятига эга.

3D-визуализацияни яратиш объект моделини яратиш, ёритиш усулини танлаш, видео ва фото элементлар қўшишни ўз ичига олади. Натижада танлаб олинган нарса, буюмнинг идеал тасвири, теварак атроф интеръерлари ва ландшафти хосил бўлади[3].

Шундай юлиб, мультимедиа технологияларининг қўлланилиши ҳамкорлар билан турли кўргазма ва семинарларда иштирок этиш, илмий

⁶“Магнит дискларнинг бутунги кунда 3,5" ва 5,25 ўлчамдаги ёнувчан турлари амалда қўлланолайди, яксоан флеш диск ва оптик дисклардан иборат

ташқилот ва илмий-техник ишланмалар ҳақидаги ахбороттарни батағсил, тизимили ва ортикча ҳатолијутарсиз намойиш кишиш имконини беради. Бу аньанавий босма нашрларга нисбатан содда ва арzon хисобланади. Шунингдек, ижобий жиҳати шундаки, ҳамкорлар ва иштироқилярнинг компанияга виртуал “тасриф буюриш”, илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш, меҳнат жамоаси билан танишиш имконини беради. мультимедиа-технологияларидан фойдаланиш орқали илмий ташқилот ишланмаларини намойиш кишиш, электрон хисбот тайёрлаш, объектларни уч ўлчамда моделлаштириш, келгуси ҳамкорлик учун кўшимча мижозларни жалб этиш имконини беради.

Таянч сўз ва иборалар: интернет технологиялари, мултимедия, интерактив усуllар, мултимедиа турлари, маълумотлар узатиш, тақдимотлар, электрон каталог, тарқатиш усуllари ва воситалари.

Мавзуга доир савол ва топшириклар:

1. Електрон хариталарни узатиш ва маълумотларни тўплашдаги асосий курилмалар ва воситалар нималардан иборат?
2. ГАТларда илмий ахборотлар тушунчаси ва уни яратиш долзарблиги.
3. Мултимедиа тушунчаси ва ГАТдаги ахамиятли тарафи.
4. Мултимедианинг қандай турлари мавжуд?
5. Електрон тақдимотлар ва уларни яратишдан кўзланган мақсад?

14-мавзу бўйича ямалий топширик:

Бирор туристик обьектнинг тақдимотини яратинг. Ушбу электрон тақдимотда интерактив мултимедиа усуllаридан фойдаланинг.

15-МАВЗУ: ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛИЗАЦИЯ ВА ҚАРОРЛАРНИ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Режа:

- 15.1. Сунъий интеллект технологияси
- 15.2. Эксперт тизимини базовий түзилмаси
- 15.3. "Туризмда ГАТ" модули

15.1. Сунъий интеллект технологияси

Тадқиғотчилар ўзлари учун ГАТ нинг асосий вазифаларидан бири қилиб – янги билимтарни, фазовий (мекансал) мәліумоттарнинг табиаты хакидаги гояларни олишни максад қилиб қўйишган. Шу билан бирга, фойдалануучилар, баъзан ушбу тизимлар тақдим этиши мүмкун бўлган карорларни кабул килишни қўллаб-қувватлаш учун ГАТнинг имкониятларини камдан-кам деб хисоблайдилар. ГАТ дастури карор кабул килиш ва уни қўллаб-қувватлаш тизимларида технологиялар асосидаги географик ахборотнингқўшилиши айниқса муҳим рол ўйнайди ва сунъий интеллект технологияси(СИ) - "информатика бўлими, усулларни ўрганиш, техника ва компьютер-ёрдамида инсон фаолиятини моделлаштириш ва қўпайтириш техникасини ўрганиш, муаммоларни ҳал килиш билан боғлик" [Матем., 1988].

Қадим замонлардан бери ҳайтнинг мураккаб муаммоларини ечиш ва сунъий интеллектини моделлаштириш учун инсон ақлининг сунъий ўхшашлигини яратиш гояси ҳавода учиб юрган. Биринчи марта ушбу холатни Р. Луллиус (такс минан 1235 - такс минан 1315) ифодалашга ҳаракат қилган, у XIV -асрда тушунчаларни универсал таснифлаш асосида турли муаммоларни ҳал килиш учун машинани яратишга ҳаракат килди.

XVII-асрда Г. Лейбниц (1646-1716) ва Декарт (1596-1650) бир-биридан мустакил равишда, барча фанлар учун универсал тил класификациясини

яратиш фикрни ишлаб чиқиши. Ушбу фикрлар Сини яратиш соҳасида назарий ривожланиш учун асос бўлди.

Сини илмий йўналиш сифатида ривожлантириш факат компьютерни яратгандан сўнг амалга ошиди. Бу XX асрнинг 40-йилларида содир бўлди. Шу билан бирга Н. Винер (1894-1964) янги фан - кибернетика бўйича асосий ишларни яратди.

"Сунъий интеллект" атамаси 1956 йили Стенфорд Университетида (АҚШ) худди шу номдаги семинарда тақтиф этилган. Семинар хисоблаш, мантикий вазифаларни ривожлантиришга бағишиланди.

Сунъий интеллект (СИ) технологияси - бу, компьютерда инсон учун "акли" ("мъяноли") кўринадиган ишларни бажариш имконини берувчи концепциялар хақидаги назариядир.

Лекин, инсон акли, интеллекти нимани билдиради ўзи? Бу - фикрлаш кобилиятими? Ёки, билимларга эга бўлиш ва уларни ишлата олиш кобилиятими? Йоки, гоялар устида ишлаш, янги гоя топиш ва уларни бошқаларга етказа билиш кобилиятими?

Албагта, буларнинг бари - интеллект деб аталмиш кобилиятнинг тарқибий қисмларидир. Амалда, интеллектни оддийгина търифлаш кийин. Лекин, асосийси, интеллект - мълумотларни қайта ишлай олиш, тушуниш ва умуглаштириш кобилиядидир.

Демак, Сининг асосий фаолияти шундан иборатки, у компьютерни янада фойдаларик ва аклиарик бўлишига, интеллект асосини ташкил этувчи принципларни аниқрок билишга ҳаракат қилишдайдир. СИ мутахассисларга, айниқса, мураккаб ахборотлар тизимлари яратувчилари ва фойдаланувчиларига ёрдам беради, кийин масалаларни ечишда кўмаклашади.

Биринчи навбатда, масалаларни машинада ечишнинг алоҳида усуслари эмас, инсон ва машинанинг ўзаро яқин мулоқотини тъминлайдиган воситаларни яратиш муҳим эканлиги мълум бўлиб борди. Бунда инсоннинг масалани счиш жараёнига тезкор аралашиш имконияти муҳимдир.

СИ бўйича бу йўналишдаги изланишларнинг ривожига яна компьютер ва бошка техник воситаларни ишлаб чиқаришнинг кескин ортиши, арzonлашиши ва уларни фойдаланувчиларнинг жуда кенг оммаси томонидан ишлатишга бошлангани ҳам турткى бўлди.

Ушбу тарқиб учта асосий кисмдан, ёки бошкacha айтганда, комплексдан иборат.

Биринчи комплекс маълум бир муаммолар турухи бўйича масалаларни самарали ечишга мўлжалланиб лойиҳаланади, амалий ижро тизимини ташкил этади. Интеллектуал тизимнинг (ИС) ижро тизими иш дастурини “тайёрлаш” (уни керагидек созлаш) ва амалда бажариш, ҳамда мулоқат этиш имконини берадиган воситалардан иборат.

Иккинчи комплекс - интеллектуал интерфейснинг воситаларидан иборат бўлиб, у мослашувчан тарқибга эга; бу фойдаланувчиларнинг турли соҳалар бўйича қизикишларига мослашиб бориш имконини беради. Интеллектуал интерфейс - аппарат ва дастурий воситалар мажмуасидан иборат бўлиб, айнан у фойдаланувчига ўз масалаларини ечишда компьютердан қулай фойдаланиш имконини беради, бу эса фойдаланувчига ўзининг профессонал фаолиятини самаралиро к ташкил этишда ёрдам беради.

Учинчи комплекс - маълумотлар базаси (МБ) ва шунинг ёрдамчи воситаларидан иборат бўлиб, у биринчи иккιи комплекснинг ўзаро мос тарзда ишлашини таъминлайди. У муаммовий мухит бўйича барча асосий билимларни ўз ичига олиб, ўзи ҳам мустакил ишлаши, тайёр “билимларни бевосита бериши” ҳам мумкин. Айнан шу маълумотлар базаси (МБ) - асосий компонент бўлиб, у бутун тизимнинг масалалар ечишдаги ишини амалда интеграция этиш имконини беради.

Хозирги пайтда СИ бўйича изланишларда қўйидаги асосий йўналишлар юзага келган:

1. Билимларни ифодалаш.
2. Билимлар билан ишлаш (манипулирование знаниями).

3. Мулокот.
4. Билимларни қабул килиб олиш.
5. Ўқитиш-ўрганиш.

Бошда билимларни формал ифодалаш ва СИ тизими хотирасида сакташ билан боғлиқ масалалар ечилган. Бунинг учун билимларни ифодалашнинг маҳсус моделлари ва тиллари яратилган, такомиллаштирилган. СИ тизими учун билимларни “тўплаш” манбалари, процедуралари ва услублари ўрганилган. Умуман, билимларни хотирада самарали сакташ ўта долзарб муаммодир, чунки тизимнинг имкониятлари бирор муоммавий соҳа бўйича сакланган билимларнинг тўлиқилиги ва сифатига боғлиқ.

Компьютер томонидан ишлатиладиган маълумотларни, шартни, жараёнли ва деякратив турларга бўлишимиз мумкин. Жараёнли маълумот масалалар ечишда ишлатиладиган дастурларда, деякратив маълумот эса, улар ишлатадиган маълумотларда акс этади. Маълумки, компьютерда маълумотни саклашнинг стандарт шакли “машина сўзи”дир, у ҳар бир компьютерда маълум битлардан иборат. Одатда, бирламчи машина сўзлари 8 та битдан, яъни байтдан иборат.

Машина сўзларида командалар ва маълумотларнинг бир хил разрядлардан иборат бўлиши - улар устида операцияларни осон бажариш имконини беради. Бу тун хотира- маълумоттар базаси ҳам дейилади.

Машина сўзи маълумотлар базанинг асосий характеристикаси бўлиб, у хотиранинг бирор стандарт ячейкасида сакланади, унинг эса, шахсий номи - адреси бор. Маълумки, информацион бирликлар шу бўйича ёзилиб, шу бўйича олинади.

Компьютерларнинг таркиби сингари, параллел равишда информацион таркиблар ҳам ривожланди. Масалан, маълумотларни векторлар ва матрицалар тарзида ифодалаш, иерархик тарздаги таркиблар ҳам қўлланишга бошланди. Ҳозирги лайтда юкори даражали алгоритмик тилларда маълумотларнинг

абстракт типлари хам ишлатилади, бу холда таркибни ўзининг керак тартиби дастурловчи томонидан кўрсатилади.

Мълумотлар базасининг (МБ) пайдо бўлиши деяларатив информция билан ишлашда янги кадам бўлди. Бундай базаларда жуда катта ҳажомдаги информция сакланади, улар мълумотлар базасини маҳсус бошқариш (МББС, русча СУБД) тизимига хам эга.

СИ бўйича бу бошка йўналишдаги изланишлар натижасида “билимлар базаси” концепцияси вужудга келди, у ўзида хам процедуравий ва хам деяларатив информцияни бирлаштиради.

Демак, юниттерда билимлар хам, худди мълумотлардек, символлар ёрдамида ифодаланади - формулалар, матн, файллар, информацион массивлар ва х.к. Шунинг учун айтиш мумкинки, билимлар - бу маҳсус тарзда тартиблаштирилган мълумотлардир. Албатта, бу, жуда оддий талқин. Аслида, СИ тизимларида улар “янгидан яратилади”, “умулаштирилади” ва асосий тадқиқот объекти бўлиб хизмат қиласи.

Шундай килиб, Билимлар базаси мавжуд Мълумотлар базаси билан бир каторда СИ тизимлари дастурий комплексининг асосини ташкил этади. Бундай комплексга эга компьютерлар билимларга асосланган компьютерлар, СИнинг улар хусусиятларини ўрганувчи бўлими эса, билимлар инженерияси хам дейилади.

Билимларнинг хусусиятлари:

1. Ички ягона талқинга эга бўлиш. Ҳар бир информация бирлиги бетакор (унивал) номга эга бўлиши шарт. СИ тизими фойдаланувчиларнинг турли сўровларига жавоб беришда уни янгилишмасдан топиши керак.

Агар, масалан, компьютер хотирасида бирор ташкилот ёки маҳкама ходимлари ҳақидаги мълумотларни саклаш талаб қилинса, улар мълум бир тартибда жадвал тарзида ифодаланади (ФИШ, туғилган йили ва х.к.). Лекин, оддий мълумотлар базасига эга тизим “Ходимлар орасида ким сантехник?” каби саволларга тўғри ва тўлиқ жавоб беради майди.

Билимлар базасига ўтишда информацион бирликтар таркибининг тартиби (протоструктура) бошдан аниқ бўлади. Масалан, ФИШга нечта белги, туғилган йилга нечта ракамлар ажратилади, у кайси тартибда ва х.к. аниқланган бўлиши керак. Шунингдек, кўшимча луѓатлар ва изохлар, яъни кўшимча атрибулар ҳам кўрсатилади. Ҳозирга пайтда ички талкиннинг тўгри бўлишини МББС (СУБД) ўзи таъминлайди.

2. Таркиблашганлик (структурированность). Информацион бирликтар мослашувчан таркибга эга бўлиши шарт. Ҳар бир информацион бирлик ўз ичига бошқаларини олиш ва ўзи бирор мураккаброқ бирликка кириши керак ("принцип матрешки"), яъни рекурсив кирувчанлик бўлиши керак. Бошқачасига, алоҳида информацион бирликтар орасида "яхлит-кисм", "синф-тур" ёюн "елемент-тўплам" каби муносабатлар аниқ бўлиши керак.

3. Боғланганлик. Базада информацион бирликтар орасида турли маънодаги боғлиқликлар ўрнатиш имконияти бўлиши керак. Бундай боғланишлар ва муносабатлар семантикаси декларатив ёки процедурний характерга эга бўлади. Масалан, иккита бирлик "бир вактнинг ўзида", ёки "ёнма-сан", "бирининг сабаби иккинчиси" тарзida бўлиши мумкин. Булар - декларатив тарздаги билимларнинг мисоли. Агар иккита бирлик орасида, дейлик, "аргумент-функция" тарзидаги муносабатлар ўринли бўлса, бу процедурний тарздаги билимга мисол бўлади.

У муман, таркибий, функционал, каузал (сабабий) ва семантик (маъномазмунли) муносабатлар турлари ажратиб каралиши мумкин. Биринчиси билимлар бирликтари иерархиясини, иккинчиси процедурний информацийни (масалан, бир катталик юймати асосида иккинчинини хисоблашдек), учинчиси сабаб-окибат боғланишларини ифодалайди, тўртинчиси шуларнинг барчасига мосдир.

Билимларнинг саналган асосий хусусиятлари уларни ифодалашнинг умумий моделини кўллаш имконини беради, у семантик тармоқ деб аталади. У иерархик таркибга эга бўлиб, унинг тугунлари информацион бирликтарга

мосдир. Буларнинг хар бирининг шахсий номи аник. Тармоқдаги “бутоктар” (шохлар) улар орасидаги турли (юорида саналгандек) муносабатларга мос бўлади.

4. Семантик метрика. Информацион бирликтар орасида узоклик ва якинликни англатувчи, асоциатив боғланишлар бор. Булар информацион бирликтар учун релевантлик муносабатлари ҳам дейилади. Бундай муносабатларнинг акс этиши тизимга типик вазиятларни ажратиш, керагида топилган билимларга яқин бўлган бошқа билимларни излаш имконини беради.

5. Фаоллик. Компьютерлар пайдо бўлгандан бери, унинг командалари актив, ишлатиладиган маълумотлар эса, пассив, деб қаралади. Барча жараёнлар ва процедуралар командалар бўйича бажарилади, маълумотлар эса, дастурда кўзда тутилганидек, факат керагида ишлатилади. ИСда бу вариант етарли эмас. У инсон каби, мавжуд билимларга таяниб, иш тутиши керак. Масалан, тизимда янги ўта долзарб билимларнинг пайдо бўлиши, унинг шунга мос ишини “фаоллаштириши” керак.

Демак, саналган аломатлар - Маълумотлар базасини Билимлар базасига (МБни ББга) айланиши учун асосдир. Шунингдек, Маълумотлар базаси билан ишлаш (ва уни бошкариш, СУБД) тизимидек, Билимлар базаси билан ишлаш тизими (СУБЗ) ҳам бўлиши керак.

Одатда, базада акс этиши керак бўлган билимлар бирор чекланган соҳага доир бўлади. Масалан, дейлик,

- ўйиндаги вазиятни ифодалаш (масалан, шахматдаги вазиятда сипохларинг жойлашиши);
- бирор пейзаж тасвири;
- инсоннинг соёлиги ва ахволи;
- корхона ёки фирма персонали таркиби;
- кимматли юзозлар курслари ҳолати.

Сунъий интеллект тизимлари, узок ва юйин ривожланиш ва тақомиллашиб бориш йўлини босиб ўтдилар. Бирламчи кизикишлар (1960

йиллар), бунинг илмийлиги йўқ (бу лженавука) деган бაъзи хуносалар (1960-65), турли ўйинлар ва бошкотирмаларни муваффакиятли ечиш (1965-1975), амалий тарздаги масалаларни ечишдаги кийинчилар (1970-1985), ҳамда қатор амалий масалаларни ечишдаги бошлангич ютуклар (1962-1992), ва нихоят, ана шундай масалаларни ечишда бундай тизимларнинг тижорий ва оммавий ишлатилишга бошланиши (1993-1995 йиллар ва ундан кейин).

Сунъий интеллект тизимлари тижорий муваффакиятининг сабаби биринчи галда эксперт тизимлари, айниқса, реал вактда ишлайдиганлари бўлди. Айнан шулар ўйинлар ва бошкотирмалардан амалий аҳамиятга молик масалаларни ечишга, СИ тизимларидан оммавий фойдаланишга олиб келди.

“Экспертизаторлар СИ соҳасидаги биринчи тижорий аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлардир. Эксперт тизимлари ва нейронли тармоқларнинг аҳамияти шундаки, булар компьютерда ечиш мумкин бўлган масалалар доирасини кенгайтиради ва сезиларли иқтисодий самара олиш имюнини беради (буни тасдиқовчи мисоллар кўйида келтирилади). Шу билан бирга, эксперт тизимлари технологияси анъанавий дастурлашнинг глобал муаммоларини ҳал этиш, турли Иловаларни тайёрлаш муддатини ва таннархини кискартириш, мураккаб дастурларни қайта ишлатишни осонлаштириш имконини беради. Ундан ташкири, эксперт тизимлари ва нейрон тармоқтар технологиясини анъанавий дастурлаш технологиясига кўшилиб кетиши, тижорий тарздаги дастурий воситалар фойдаланувчиларига анча қулайликлар беради, Иловаларни ўзларига керагидек динамик модификация этишини, Илованинг “ойдингилигини”, тушунарлилигини таъминлайди (масалан, билимлар табиий тилнинг аник маъноли сўзлари билан чекланган тўпламида ифодаланади ва сакланади; бу эса, кўшимча изохлар талаб килмайди, ўқитиш-ургатишни осонлаштиради), улар яхши график воситалар, фойдаланувчи интерфейси ва мулокат воситаларига эга.

Мутахассислар фикрича, якин келажакда эксперт тизимлари ишлаб чиқаришни лойиҳалашда, тайёрлашда, сотувни бошкаришда ва сервис

хизматлари кўрсатишда етакчи ўрин эгаллайди, буларнинг технологиялари тижорий тарқалиб боради, зарур Иловаларни тайёр интеллектуал ва ўзаро мослашадиган модуллардан интеграция эта олишни тъминлайди.

СИ маҳсулотлари бозорнинг асосий сегментлари қўйидагилардир:

- 1) эксперт тизимлари; улар учун яна бир қўлланиладиган ибора - "билимларга асосланган тизимлар";
- 2) нейрон тармоқтар ва "ёйилган" (фуззий) мантикли тизимлар;
- 3) табиий тилди тизимлар.

Умуман, таҳминан 1985 йилдан, оммавий тарзда эса, 1988-1990 йиллардан, оддин эксперт тизимлари, кейинрок нейронли тармоқлар турли соҳаларда фаол ишлатилишга бошланди.

Ушбу тизимларни тарқалишининг ва тижорий муваффақиятининг сабаблари қўйидагилардир:

1. Ихтиослашганлик. Умумий тарздаги инструментал воситалардан муаммовий/предметли маҳсус воситаларга ўтиш - Иловаларни тайёрлаш муддатини кискартиради, мавжуд инструментарийни самарали ишлатиш имконини беради ва эксперталар ишларини тезлаштиради, хамда бор информацион ва дастурний тъминотдан (объектлар, тоифалар, коидалар, процедурлар) келгусида яна фойдаланиш имконини беради.

2. Анъанавий дастурлаш тиллари ва станцияларни ишлатиш. Сининг маҳсус тилларига асосланган (Лисп, Пролог ва х.к.) тиллардан, универсал бўлган анъанавий тилларга ўтиш (C, C++ ва х.к.) тизим "интеграциясини" осонлаштириди, Иловаларнинг тезликка ва хотирага бўлган талабини анча кискартириди. ШК ўрнита ишловчи станцияларни қўллаш эса, СИ Иловаларни ишлатиш доирасини кескин кенгайтириди.

3. Интеграциялашганлик. СИ учун бошқа информацион технологиялар билан енгил интеграцияни тъминлайдиган инструментал воситалар яратилган бўлиб, улар бошқа воситалар билан осон интеграциялашиди (масалан, КАСЕ, СУБД, контроллерлар, концентраторлар ва х.к.).

4. Очилик ва осон ўтказилувчанлик. Бу йүналиштаги ишланмалар зарурий стандартларга жавоб берадиган тарзда амалга оширилмокда.

5. Мижоз/сервер архитектураси. Тарқалган турдаги архитектурага эга информацион тизимни яратиш жиһозлар таннархини пасайтиради. Иловаларни марказлашмаган холда ишлатиш имконини беради, ишончлиликтен ва унумдорликтен оширади.

Эксперт тизимлари томонидан реал вактда етиладиган масалаларта күйидагилар киради: реал вакт масштабида мониторинг, ююри даражадаги бошқарыш тизимлари, носозликтарни аниклаш, диагностика, жадваллар тузиш, режалаш, оптимизация, маслаҳат тизимлари, лойихалаш тизимлари.

Статик эксперт тизимлари бундай масалаларни еча олмайды. Умуман, реал вактда ишлайдиган эксперт тизимлари күйидаги талабларга жавоб бериши керак.

1. Вакт давомида ўзгарадиган ва ташки манбалардан кепадиган маълуотларни қайд килиш, саклаш ва таҳлил этиш.

2. Бир вактда рўй берадиган бир неча асинхрон жараёнлар бўйича “мулоҳазалар” юрита олиш (яъни жараёнларнинг приоритетларига қараб маълуотларни кайта ишлаш).

3. Ресурслар (вакт, хотира) чекланган холда ҳам, мулоҳазалар механизмини ишлатиш. Бу талабни бажариш тизим иши тезлигига ююри талаблар кўяди, тизим бир вактда бир неча масалани еча олиши керак (яъни МС-ДОС каби эмас, УНИХ, ВМС, Виндовс НТ каби операцион тизимтар бўлиши керак).

4. Тизим ишини олдиндан “кандай бўлишини айта олиш”, яъни ҳар бир масала вакт бўйича маълуот чегарада якунланиши “кафолатланган” бўлиши керак.

5. “Ташки мухит” холати моделлаштирилиши ва зътиборга олиниши зарур.

6. Бажариладиган ишларни протоколлаштириш, иш тартибида “бузилишлар” бўлганда олдинги холатни тиклаш.

7. Билимлар базасини минимал вакт ва меҳнат сарфлари билан тўлдириш (объекти-йўналган технологиялар, умумий юндалар, модулиянинг бўлиши ва х.к.).

8. Тизимни ечиладиган масалалар турига караб созлаб бориш (муаммога/предметга йўналганлик).

9. Фойдаланувчи интерфейсини уларнинг турли тоифаларига караб созлаб ва мослаб бориш.

10. Маълумоттарнинг етарли даражада ҳимояланганилини тъминлаш ва санкциясиз “кириш”ларнинг олдини олиш.

15.2. Эксперт тизимини базовий тузилмаси

Реал вактда ишлайдиган эксперт тизимлари ушбу саналган маҳсус талаблардан ташкири, юғорида саналган умумий талабларга ҳам жавоб беришлари керак.

СИ усуллари ва технологияларининг муваффакиятли ривожланиши охирги фойдаланувчиларга, шу жумладан ГАТ мутахассисларига қаратилган кўплаб аматий дастурлар яратишга олиб келди. СИ тизимларини ГАТ билан интеграциясини баҳолаш, назорат килиш ва қарор қабул килиш вазифаларида айниқса самарали кўринишга эга бўлди. Шу маънода, нейрон тармоқлари, эволюцион ҳисоблаш, мантиқ, ўз-ўзини ташкил этиш базаси, тасвирини кайта ишлаш, эксперт тизимлари қарор қабул килиш ва қўллаб-куватлаш бўйича функционал кенгайиши билан боғлиқ. (Каранг: 4.3). СИ технологиялари кейинги авлоди ГАТ дастурларининг бир катор элементларини ишлаб чиқиш ва ўз ичига олиши мумкинлигига ишониш учун барча асослар мавжуд.

Хозирги вактда ГАТ тизимида кенг кўламли таҳлилларнинг функционаллиги ҳали нишбатан замфидир. Математикада эса, жуда кўп фазовий таҳлил геометрия воситасида яхши тадқиқот усуллари, мавхум объектлар

типологияси, бошка хусусиятари доимий ишлаб чиқилмоқда ва янгилантиримоқда. Шунинг учун геоахборот технологияларга кенгрөк кириб бориш уларнинг тобора мухим ахамият каоб этиши қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- кўп ўлчовли маълумотлар таҳлил килиш учун математик усулларни ривожлантириш имкониятлардан фойдаланиб, ГАТ технологиялар фазовий таҳлил ва дастурий воситаларининг анъанавий функционал тўликлигини кенгайтириш;
- Интеллектуал ҳисоблаш технологияларига асосланган янги усулларни ишлаб чиқиши, кейинчалик яратиш учун асос бўлиб хизмат киладиган тобора ортиб бораётган миқдордаги асосий маълумотларни олдиндан геомаълумотларни таҳлил килиш учун кулагай ва қучлироқ воситаларни яратиш;
- янги маълумотлар моделлари, ахборот технологиялари ва дастурий таъминот яратиш, айниқса кўп ўлчовли маълумотлар таҳлили, моделлаштириш ва прогнозлаш, географик жиҳатдан таксимланган жараёнлар учун мўлжалланган ва анъанавий ГАТ билан интеграциясини яхшилашга ёрдам беради.

ГАТ учун биринчи йўналиш ташки кўринишидан бошлаб, иккинчиси ва учинчиси математика қузатишлар бўйича тадқиқотлар пойдевори бўлиб, информатика ва нейрофизиология билан боғлиқ. Ўтган 10 йил давомида олимлар жуда кўп маълумотларни таҳлил килишиб статистик ва адаптив усулларнинг синфини ишлаб чиқиши. Нейрон тармоқ усуллари нафақат маълумотларни таҳлил қилиш учун, балки, энг мухими, кўп ўлчовли майдонларда юзага келадиган жараёнлар моделларини яратиш учун кўлланилади.

15.3. "Туризмда ГАТ" модули

70-80-йилларнинг охирида. XX аср. Жаҳон хамжамияти ўз ривожланишининг янги даврига кирди – жамият хаётида ахборот ҳал қилувчи

ролни ўйнайди. Ушбу жараён сайёхлар томонидан четлаб ўтилмаган. Бугунги күнда сайёхлик маҳсулотларини шактлантириш, сотиш ва реализация килиш старли ахборотни қўллаб-кувватламасдан мумкин эмас. Уларнинг иши туризм ва саёҳат бошқаруви органлари доимий ахборот-интенсив сектори сифатида туристик бизнес халқаро интеграцияси учун асос бўлган.

Экспертлар худудларни сайёхлик салоҳияти ва айни пайтда Россиянинг барча худудларида нисбатан уларнинг ривожланиши учун дастурлар ишлаб чикишни ўрганиши ва турли маюн жиҳатларини тавсифловчи маълумотлар бир тури билан шуғулланиш керак. Ушбу турдаги ахборотни кайта ишлашнинг ажralmas қисми географик ахборот тизимлари (ГАТ) ҳисобланади.

"Географик ахборот тизими – бу ахборий умумий комплекс, яъни ингилаш, манипуляция, таҳлил килиш ва географик мос ёзувтар юлингган маълумотлар барча шаклларини кўрсатиши мумкин бўлган дастурий тъминот ва аппарат тизими" (Геоинформатика асослари, 2004). ГАТнинг хусусиятларига фазовий; маълумотлар тузилмаси; амалий-муаммоли йўналиши; геологик ўрганиш ва комплекс хариталашга ва тизимли ёндашуви тъминлаш; мослашувчалик ва қўп ечимли масалаларини хал килиш, муҳим параметрларни тавсифловчи геоахборотларни таҳлил килиш имкониятини беради ва б.к.

ГАТ худуддаги юзага келадиган ҳар қандай вазиятта зудлик билан жавоб беришга имкон беради, бу хақда барча керакли картографик ва тематик маълумотларни олиш мумкин. Улар ҳар қандай хариталар, режалар ва схемаларни бир вактнинг ўзида қуриш билан бирга картометрик ишдир. ГАТга асосланиб, сиз турли жараёнларни, ҳодисаларни симуляция қила оласиз ва ўша вакт ичida уларнинг холатини ўрганишингиз мумкин.


ГАТ тузилиши, одатда, тўртта мажбурий юничк тизимни ўз ичига олади:

- Турли манбалардан (хариталар, ва ҳоказо) олинган кенгайтирилдиган маълумотларни киритиш ва / ёки ишлашни тъминловчи маълумотларнинг киритилиши;

- таҳлил қилиш учун ўз вактида маълумотарни олиш, уларни янгилаш ва уларни түғирлаш имконини берадиган саклаш ва олиш;
- параметрларни баҳолаш, ҳисоблаш ва аналитик муаммоларни ҳал қилиш имконини берадиган тавсиф ва таҳлил;
- Турли шаклардаги маълумотарни (хариталар, жадваллар, блок диаграмматар, жойларнинг ракамли модели ва х.к) таҳдим этиш.

Геоахборот тизимлар худудий равишда тарқалган ахборот ишлатилган ва худудний таҳлил, худудий баҳолаш ва худудий прогнозга эҳтиёжи мавжуд бўлган ҳар бир жойда илмий ва аматий фаолиятларда жой топади.

ГАТ модели



Бугунги кунда ГАТ технологиялари сайёхлик дизайни ва туристик ресурсларни эксплуатация қилиш жараённида ва сайёхлик саноатининг объектларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. ГАТ харитаси яратилган бўлса, ГАТ дастури, худудларининг режалари, хизмат кўрсатиш сифати тўғрисидаги маълумотлар, хоналарнинг суратлари, пляжлар, оригинал маҳаллий таомлар номлари ва бошқаларни курсатади.

ГАТ минтакада туризмни узок муддатли режалаштириш лойихаларини ишлаб чиқиша алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимиз сайёхлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида туризм саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон сайёхлик

кўлами ва тарихий обидапари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат каторидан жой олган. Мамлакатимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Мамлакатимизда сайёхлик инфратузилмасининг барча тармоқтарини изчил ривожлантириш максадида янги-янги замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари, аэропортлар ва транспорт коммуникациялари барпо этилмоқда, янги сайёхлик маршрутлари ишлаб чиқилмоқда, сервис хизмати тубдан яхшиланмоқда.

Туризм борасидаги улкан салоҳиятни чет элларда оммалаштириш, юртимизга сайёхларни янада кўпроқ жалб қилиш максадида мамлакатимиз сайёхлик ташкилотлари йирик халкаро сайёхлик кўргазмаларида мунтазам иштирок этмоқда. Мамлакатимизнинг барча худудларида сайёхликни ривожлантиришга доир манзилли дастурлар, экотуризм, альпинизм, отда, туяда, автомобилда саёҳат қилиш, офф-роад саёҳатлари, балиқ ови, рафтинг, геотуризм, маданий-маърифий туризм каби янги сайёхлик турлари амалга оширилмоқда.


Мамлакатимизда халкаро туризм билан бир каторда ички туризмни хам изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, ички туризм иктисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг мухим омилидир. Шу боис мамлакатимизда худудларнинг сайёхлик имкониятларини ошириш ва тарғиб этиш, курортлар хамда сайёхлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир худуднинг ўзига хос жихатлари, ичон имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда манзилли ГАТ дастурлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, тарихий-археологик боялар барпо этиш, қишлоқ жойларда туризм ва туристик хизматларни ривожлантириш, автомаГАТрал йўллар, сервис хизмати кўрсатиш мажмуаларини барпо этиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юртдошларимизнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилиши учун қулай шароит яратиш имконини бермоқда.

Жаңонда барча турдаги сайёхлик хизмати күрсатадиган компанияларни бирлаштирадыган мазкур ГАТ дастури мамлекеттіктерінен өткөнде оның мемлекеттік миссиясынан толықтырылады.

Туризм бозорининг барча тузилтмалари – туроператорлар, турагентлар, йирик тармоқли меҳмонхона мажмуалари ҳамда хусусий отеллар, санаторийлар, курортлар, автотранспорт компаниялари, авиаташувчилар, глобал буюртма тизимлари, турбизнес ва бошқа сайёхлик хизматларининг дастурий таъминотчилари, музейлар ҳамда маданий ҳордик чиқариш ва дам олиш саноати корхоналарининг хизматлари, соҳага ГАТ технологияларни тақлиф этиш зарур.

ГА Технологияси көңгі жарықты тармок булиб, унда бизнес, экологик, спорт ва мәдений саёхат, экскурсия, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, соҳага доир құчмас мулк ва суғурта, соғломлаштириш каби йүналишларга оид бўлимлар иш олиб боради.



Таянч сўз ва иборалар: Сунъий интеллест, СИ, интеллектуал интерфейс, маълумотлар базаси, МББС, билимпарниң хусусиятлари, билимлар базаси, КАСЕ, СУБД.

Мавзуга доир савол ва топшириклар:

1. Сунъий интеллест технологияси хаюда тушунча беринг, аҳамиятини очиб беринг.
2. Сунъий интеллест яратиш босқичлари тўғрисида маълумот беринг.
3. Сунъий интеллест бўйича изланишлар натижаси ўлароқ, қандай йўналишлар пайдо бўлган?
4. Компьютер томонидан ишлатиладиган маълумотларни қандай турларга ажратиш му мкин?
5. Билимпарниң хусусиятлари тўғрисида тушунчаберинг.
6. Сунъий интеллест тизимлари нима ва юзага келиш босқичлари қандай?
7. Сунъий интеллест бозорининг асосий сегментлари кайси лар?
8. Эксперт тизимларининг базовий тузилмаси тўғрисида гапириб бееринг.
9. ГАТ тузилишининг одатий кичик гурухлари сони нечта ва улар қандай?
10. ГАТнинг туризмдаги аҳамияти тўғрисида тушунчаберинг.

15-мавзу бўйича амалий топширик:

Сунъий интеллест технологияларига мисоллар топинг. Улардан фойдаланиш бўйича тавсияларни ўрганиб чиқинг.

16-МАВЗУ: ИНТЕРНЕТ. БРОНЛАШТИРИШ ТИЗИМЛАРИ. МЕХМОНХОНА КОММУНИКАЦИОН СИСТЕМАЛАРИ

Режа:

- 16.1. Туризм соҳасини ўзаро бөгловчи ахборотлар
- 16.2. Бронлаштириш тизимлари
- 16.3. Мехмонхона телекоммуникацион системаси
- 16.4. Мехмонхоналарда ахбораттизимларнинг турлари.

16.1. Туризм соҳасини ўзаро бөгловчи ахборотлар

Инсоният цивилизация ривожланишининг шундай босқичга қадам кўйдики, унда ахборот инсон фаолиятининг барча соҳаларида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Замонавий жамиятда ахборот иктисодий ўсишнинг энг муҳим омили хисобланади. Ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий муносабатлар тизимида энг ёрқин хусусиятларидан бири ахборотпашув эди. Бугунги кунда технологик тараққиёт нафакат миллатнинг фаровонлигини тъминлашнинг асосий омили, балки унинг баркарор ривожланиш жараёнининг энг муҳим шарти ҳам хисобланади.

Ахборот технологияларига катта аҳамият бериб, мамлакатда кўплаб соҳалар ривожланишида ютуқларга эришиш мумкин. Ахборотнинг умумий ўсиши ва ахборот хизматлари саноатининг ривожланиши ҳисобга олинса, ахборотнинг товар сифатидаги аҳамияти ортади.

Жамиятни ахборотлаштиришнинг навбатдаги инқилобий босқичи - глобал компьютер тармоқларидан фойдаланишининг ривожланиши билан бөллиқ. Интернет яъни бутунжакон компьютер тармоғи тез суръатлар билан ривожланмоқда, айниска унинг абонентлари сони ва ахборот ресурсларининг миқдори деярли ҳар йили икки баробарга ортмоқда. Туристик бизнес ҳам Интернетдан фойдаланиш имкониятини бой бермаялти. Бундан ташкири,

туризм соҳасидаги энг долзарб вазифалардан бири электрон ускуналарни автоматлаштириш ва кенг кўллашdir.

Ахборот технологиялари амалда фойдаланиш учун объектнинг расмий, илмий билимлар шаклидаги ахборотлар ва амалий тажриба концепциясини ифодалайди ва ушбу ёки кўпинча такрорланган ахборот жараёнини оқилона тарзда бошкариш имконини беради. Шу билан бирга, ушбу жараённи амалга ошириш учун зарур бўлган меҳнат, энергия ёки моддий ресурсларни сақтайди. Ижтимоий вактни тежаш учун хизмат килувчи хар қандай технологияни самарадорлик мезони сифатида кўриш мумкин. Хусусан, ушбу мезоннинг самарадорлиги ахборот технологиялари мисолида намоён бўлади.

Ушбу мезон нуткаи назаридан бугунги ва келгуси истиқболда қандай ахборот технологиялари тақдим этилмоқда? Ижтимоий вактни тежаш зарурияти, биринчи навбатда, оммавий ахборот жараёнлари билан боғлиқ бўлган технологияларга каратилган. Уларнинг кенг ва тақорий кўлланилиши ижтимоий вактни тежаш учун хизмат килиши лозим.

Жамият ривожланишининг замонавий босқичида ахборот технологияларининг роли стратегик мухим булиб, уларнинг аҳамияти жадаллик билан ривожланмоқда.

Ахборот технологиялари жамиятнинг ахборот ресурсларини фаоллаштириш ва ундан самарали фойдаланиш имконини беради. Ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш: илмий маълумотлар, кашфиётлар, ихтиrolар, технологиялар, энг яхши амалиётлар, бошқа ресурслар ва хом-ашё ресурсларини сезиларли даражада тежаш имконини беради.

Ривожланган мамлакатларда ўз иш фаолияти ёки бошқа иш фаолияти билан банд аҳолининг аксарияти ахборотни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнлари билан боғлиқлиги сабаб, ишлаб чиқариш ва бу жараёнга тегишли бўлган ахборот технологияларидан фойдаланишига тўғри келади. Ахборот жараёнлари бошқа янада мураккаб ишлаб чиқариш ёки ижтимоий жараёнларнинг мухим элементи ҳисобланади. Шунинг учун, ахборот

технологиялари тез-тез ишлаб чиқариш ёки ижтиомий технологияларнинг тарқибий кисми сифатида хизмат қилади.

Тармокли ахборот технологиялари ахборот технологияларини ривожлантиришнинг долзарб ва истиқболли йўналишларидан биридир.

Уларнинг максадлари:

- индивидуал фойдаланувчилар ўртасида ахборот алмашинувини таъминлаш ва улар учун жамиятнинг барча ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;
- турли ихтисаслаштирилган ахборот жамғармаларидан ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни олиш.

Интернетнинг машҳурлигини, ҳеч бўлмаганда, тармоқ абонентларининг сони ҳар 10 сйда иккى баробар ортиб бораётганилиги кўрсатади. Ҳар бир сонияда 1 миллиардан ортиқ электрон хабарлар тармоқоркали узатилади.

Саёҳат бизнесининг ўсиши ва ривожланиши учун Интернет-технологияларидан фойдаланилади. 1996 йилда илк бор Интернетда сайёхлик агентликлари, меҳмонхоналар, авиакомпанияларнинг минглаб мустақил бўлинмалари, ўнлаб бронлаштириш тизимлари пайдо бўлди. Ҳозирги кунда Москва Халқаро Туризм форуми доирасида тайёрланган РБС маъруzasига кўра, келгуси 3 йилда сайёхлик хизматларининг Интернет-бозори 800% ўсиши кутилмоқда.

РБС маълумотларига кўра, руслар Интернетдаги барча авиачиптапарнининг 13,6%ни, темир йўл чиптапарнинг 13,1%, меҳмонхоналар 9,5%ни сотиб олиб, брон килишади, леян турристик пакетларнинг онлайн савдоси паст даражада 2,3%ни, Европада ушбу кўрсаткич 29,6%ни ташкил этади.

РБС консалтинг департаментининг тадқиқот бозоритахлилчиси Сергей Хитровнинг, Москва халқаро сайёхлик форуми доирасида ўтказилган таҳлилий маълумотларга кўра, туристик пакетларнинг паст даражада сотилишига сабаб, бозордаги кам сонли таклифлар, ҳамда онлайн

харидорларнинг хадики ва онлайн брон килишдаги техник хатоликтар ва кийинчилликтар хисобланади.

Хитров шуни таъкидлайди, сотиб олишини бошлаган истеъмолчиликтарнинг 30 %-и хамда сотиб олганларнинг 64% туристик ваучерни сотиб олганлигидан хавотирда булади. Айниқса, улар пластик карта оркали түловни амалга ошириб бўлгандан кейин, соҳта чипталарни харид килиб куймадиммикан деган куркувостида коладилар.

Юкорида санаб ўтилган омилларга қарамай, РБК экспертлари Россияда тўлиқ сайёхлик пакетларига бўлган онлайн талабнинг ўсишини тахмин қилмоқдалар.

Хитров сўзларига кўра 2014-йилда интернет оркали саёҳат пакетларини сотиш улуши сотиладиган турлар сонининг 19 фоизини ташкил қилиши мумкин.

Туризм соҳасини ўзаро боғловчи ахборотлар

Халкаро ва ички туризм хизматлар савдосининг ючли бўгини хисобланади. Туризм индустрисининг асосини йўлланмалар ва турларни сотувчи, туристларга меҳмонхона ва овқатлантириш хизматларини ташкиллаштириб берувчи, мамлакат бўйлаб саёҳатни амалга оширувчи, туризм талаб ва бозорни ўрганувчи, туризм тадқиқотларни олиб борувчи, ахборот ва рекламаларни тарқатувчи туроператорлар ва турагентликлар ташкил этади. Туризмда асосий фаолияти туризм хизмат бўлмаган тармоқлар хам хизмат килади (маданият, савдо ва бошқа корхоналар).

Туризм - интенсив ахборот фаолиятидир. Туризм соҳасида хизматларни сотиш нуткасида, саноат маҳсулоти сифатида намойиш этиш ва кўриб чиқиш мумкин эмас. Одатда олдиндан ва истеъмол жойидан узокроқда сотиб олинади. Шундай юлиб, туризм бозори деярли тасвиirlарга, тушунтиришларга, алоқа воситаларига ва ахборот узатилишига боғлиқ. Туризм бозори турли хизмат қўрсатувчиларни бошлаб турувчи алоқа маркази хисобланади. Туристик хизматлар ишлаб чиқарувчиларини хизматлар ва тўловлар эмас, балки улар ўртасидаги ахборото имлари боғлаб туради.

Мехмонхоналарда тунаш, автомобилларни ижарага олиш, пакетли экскурсиялар ва самолётлардаги бўш жойлар каби хизматлар, саёҳат килувчиларига жўнатилмайди, бу эса ўз навбатида истемолчиларга сотилмагунча улардан фойдаланиш имконияти бўлмайди деганидир. Ушбу хизматларнинг мавжудлиги, уларнинг ҳаражати ва сифати ҳакидаги маълумотлар узатилади ва ишлатилади. Худди шундай, реал тўловлар турагентлардан туроператорларга ўтказилмайди. Аслида тўловлар ва тушумлар ҳакидаги маълумот узатилади.

Туризмнинг Зта ўзига хос хусусияти:

1. Хизматларнинг хилма-хил ва интеграцияланган савдоси.
2. Туризм хизматлар бирлашмасидир.
3. Бу ахборотга бой хизматdir.

Шундай килиб, ҳалқаро ва маҳаллий туризмда, ахборот технологияларидан тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Куйидаги ахборот технологиялари тизимлари эса кенг ишлатилмоқда:

- Компьютер захира тизими;
- Телеконференция тизимлари, компьютер видео тизимлари ва ахборотни бошкариш учун тизимлар;
- Авиакомпаниялар учун электрон ахборот тизимлари;
- Электрон пул ўтказмалари, телефон тармоқлари, мобил алоқа воситалари ва бошқалар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу тизимлар нафакат турагентлар, меҳмонхоналар ва авиаюмпаниялар томонидан, балки уларнинг барчаси томонидан кенг кўлданилади. Бундан ташкири, туризм бозорининг барча сегментлари учун хизматни сотиб олиш ва сотишда барча иштироқилар томонидан ахборот технологиялари тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

